

84
LI-75

Ўқиб ва
жамият

Тоҳир Йўлдошев

Икки
ўт ораси

84(22)6

и-75

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

“Ижод” жамоат фонди

“Адиб ва жамият”

Тоҳир Йўлдошев

ИККИ ЎТ ОРАСИ

(қиссалар)

«Kamalak» нашриёти

Тошкент – 2019

УЎК 821.512.133-31
КБК 84(5Ў)6
Й 75

Масъул муҳаррир:
Орзиқул ЭРГАШ

Такризчи: Шойим Бўтаев, ёзувчи.

Й 75 **Йўлдошев, Тоҳир.**

Икки ўт ораси [Матн]: қиссалар / Т. Йўлдошев. – Т.: «Kamalak» нашриёти, 2019. – 160 бет.

ISBN 978-9943-6005-5-3

“Эркин шу кунгача кўрқиб, пушиб кун кечирди. Бир кунмас, бир кун бу сир очилишини идрок этарди-ю, аммо бу кай тарзда юз беришини тасаввур ҳам қилолмасди...”

Шундай, баъзида инсон бир хатога йўл қўяди-да, умр бўйи унинг таъқибидан қутилолмайди. Вақтида тузатилмаган хато уни чирмовикдай ўраб, икки ўт орасида яшашга мажбур қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Энг яхши асарлар” (2018) танлови ғолиби сифатида эътироф этилган мазкур тўпламдаги қиссаларда енгилтаклик, ҳавойи нафс оқибатида йўл қўйилган хатоларнинг муқаррар оқибатлари хусусида баҳс юритилади.

УЎК 821.512.133-31
КБК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-6005-5-3

© Т. Йўлдошев, 2019
© «Kamalak» нашриёти, 2019

*Илк китобимни муштираш онажоним
Дурдигул Холи қизи хотирасига бағишлайман.
Муаллиф*

ЧИРМОВИҚ

Эркин шу кунгача кўриқиб, пусиб кун кечирди. Бир кунмас, бир кун бу сир очилишини идрок этарди-ю, аммо бу қай тарзда юз беришини тасаввур ҳам қилолмасди.

Тақдирлар тўзони (Эркиннинг ҳикояси)

Машинам устидаги оғир юкни менсимагандек, йўл ҳалқобларини атрофга сачратиб, шитоб кетиб боряпти. Ойна артгич тарсиллаб урилаётган ёмғир томчиларини сидириб улгурмайди. Қизиқ, уфқ тарафда куёш чарақлаб турибди-ю, бу ерда ёмғир забтига уриб ётибди...

Конибодомга кираверишда йўл ёқасида безовта қўл силтаётган қизга кўзим тушиб, машинамни тўхтатдим. Узалиб, ўнг тараф эшигини очдим. Қизнинг кўйлаги ёмғирдан шаллабо бўлган, қорачадан келган юзи бўғриқиб, лаблари пир-пир учади.

– Жон акажон, мени нарироққача оп кетинг, кеч қолиб кетдим.

– Майли, чиқа қолинг!

– Аямларга дори излаб келувдим. – Шоша-пиша изох беришга киришди қиз, ўриндикқа енгилгина ўрнашаркан. – Ўзимиздан тополмадим. Шу ёқни кўрсатишса келаверибман. Аксига олиб ёмғирни қаранг. Бечора аямлар эшикка илҳақ кўз тикиб ётгандир. Анчадан бери бир жойдалар.

Ҳайдовчи халқи узоқ йўлга чиқса, бирор дилкаш ҳамсуҳбат кўмсаб қолади. Ҳозирда мен ҳам ичимдан пишиб турган эканманми, суҳбатлашиб кетдик. Қизнинг исми Юлдуз экан.

Овози кўнғирокдек. Бошига турмаклар олган қоп-қора сочлари қалин, узунгина бўлса керак, икки-уч бор айлантириб олибди. Ундан таралаётган гунафша агри иси ташқаридан ғириллаб кираётган шабадада чир айланиб, димоғимга ёқимли урилади. Бунақа атир Ҳалимадаям бўлгучи эди. Қишлоғида ўсма, хинадан нарисини билмай ўсганлиги учунми, ё бунақа пардоз-андозга хуши йўқмиди, ҳар ҳолда одмигина бўлишни истарди. Аям ўргатавериб аранг измига солволганди.

– Эркак кўчадан келганда сўроққа тутиш ҳам энг ёмон, энг хунук иллат, билволинг, келинпошша. Эрнинг олдида ҳурпайиб юрмасдан, мундоққина очилиб-сочишиб, ўзингизга қараб-нетиб юринг. Сизнинг димоқ-фироғингизга кўзи учиб турмайди эркакнинг. Кўчадан ҳар хил кайфиятда келади. Қош-қовоғига қараб иш тутинг. Бир чимдимгина ширин сўзингизни аяманг, ўргилай. Ораста бўлинг, зийрак бўлинг. Бу ўзингизга фойда. Пардоз-андозни кўча учун эмас, эр учун қилишни билинг, қоқиндиқ.

Аям қаттиққўл эди. Ўғлимиз Давронбек туғилмасидан олдин бир неча кун иситмада куйиб ётди-ю, омонатини топширди-қўйди. Буйраги азалдан оғриб юраркану сира билдирмаган экан, афсус. Шу-шу хувиллаган ҳовлида Ҳалима иккимиз шумшайганча қолавердик. Дадамни-ку кўрмаганман. Ҳали мен чақалоқ пайтим ўтиб кетган...

Ҳалима ҳар тугул аямдан анча-мунча нарсани ўзлаштириб олган экан, рўзғор зиммасида қолганида довдираб юрмади. Пазандаликдан тортиб чеварликкача ҳаммасини эплаб кетди. Баъзида гап орасида аямнинг ўғитларини эслаб қолади.

– Бувамлар хўп топиб айтганлар-да, яхши хотин уйида уни бўлмаса ҳам уни чиқмас, деб. Мен ҳам шунга яраша бир гап топиб қўйдим.

– Қани, эшитайлик-чи, ҳарқалай аямнинг келинисиз-да!

– Хато кетдингиз. Келинлари эмас, қизлари эдим. Хўп, эшитинг: яхши хотин эри сафарга кетса ҳам саси чиқмас.

– Э, қойил! – дея қийқириб куламан. Ҳалима бироз тикилиб туради-да, маҳзун товушда шивирлайди.

– Сиз ҳайё-хуйт деб сафарга жўнайсизу, мен эса ўғлингиз билан ёлғизликка ем бўлиб, минг азобларда тентираб тонглар оттираман.

Кўнглимга ғашлик оралаганини сезиб, яна ўз-ўзидан юмшайди.

– Яхши бор, ёмон бор, шунисидан кўрқаман-да, дадаси. Тонг бўзаргунча юрак ҳовучлаб чиқаман. Жон дадажониси, яхшиси, ишингизни алмаштиринг. Ҳар ҳолда ёнимизда бўласиз-ку!

Иккиланиб қолганимни кўриб, яна бир қадар пасаяди.

– Ҳеч қурса яқинроққа қатнанг. Ўғлингизни қаранг, сизни кўрдим дегунча олам-жаҳон бўлиб кетади.

– Сабр қилинг, бу кунлар ҳам ўтиб кетар. Менга шу ишим маъқул. Бировлар йиллаб бунга етолмай юради. Ҳар ҳолда шукр қилсангиз бўларди...

Бир маҳал гапимиз узилиб, хаёлга берилган эканманми, Юлдузнинг безовта овозидан ўзимга келдим.

– Тўхтатинг!..

Ранги қув учган қизга қараб ажабландим.

– Нима? Нега?

– Тўхтатинг, тушаман...

Машина пошиллаб тўхтади. Юлдуз эшикни шахд очиб, ўзини ерга таппа ташлади-да, жонҳолатда олдинга чопкиллаб кетди. Қарасам, олти-етти ҳовли наридаги бир эшикка одамлар безовта кириб-чиқиб туришибди. Демак!.. Онам бетоб даятувди... Юришния, туришния билмай иккиланиб қолдим. Беихтиёр Юлдуз ўтирган ўриндикка кўзим тушди. Елим халтачаси қоп кетибди. Кўлимга олдим, дори-дармон шекилли, шишачалар нозиккина шиқирлади. Бечора қиз!.. Ҳардамхаёллик билан пастга сакраб тушиб, одамлар тўпи томон юрдим. Қандайдир енгил титроқ измига олди. Бунақа ҳолат кўпинча таъзияли жойга фотиҳага борилаётганда рўй беради. Хаёлларим тарқок. Нима деб бораман?. Одамлар тўпига яқинлашарканман, бир йигит уларнинг орасидан узилиб чикди-да, мен томон юрди.

– Йўловчим эди, – дедим у билан кўришаётиб. – Манави нарсаси машинада қолиб кетибди. Илтимос, омонатини бериб кўйсангиз. Ўзи тинчликми?

– Нимасини сўрайсиз, ака. Бошида ёлғизгина мана шу кизи эди шўрликнинг. Бўлди-бўлди қизига жабр бўлди энди. – У мен узатган халтачани кўлида қадрсиздек ўйнатиб афсусланди. – Битта аммаси бор бояқишнинг. Илон нимаю у нима. Бечора аёлни ўша илон сил қилди.

Аям ўтганларидаям шунақанги титроққа тушгандим. Ҳозир ҳам бир нима ғимирлаб келиб, бутун баданимда ўрмалай бошлади. Кўз олдим хиралашиб бироз турдим-да, негадир бир сесканиб тушдим. Шу сесканиш баҳона бўлдими, ёпирилиб келаётган ғалати уюшиш аста чекинди. Қарасам, йигит менинг дардимдан беҳабар кўп валаклайдиган.

– Узр, юкимни топширмасам бўлмайди. Шошиб турирман, хизматчилик.

– Майли-майли. Раҳмат сизга.

– Манавини олинг, – дедим беихтиёр чўнтагимдан бир сиқим пул чиқариб. – Маросимларига ишлатарсизлар.

Кўлига тутқаздим-да, машина томон югурдим...

* * *

Юкни топшириб, янгисини ортиб эртаси кунни ортимга қайтарканман, Юлдуз тушиб қолган ердан бепарво ўтиб кетолмадим. Аслида кечадан буён у хаёлимдан чиқмаётганди. Ўзини кўрмасам ҳам, лоақал фотиҳа ўқиб кетарман-ку, деган ўйда машинадан тушдим. Пешин вақти бўлганидан таниш ҳовли олдида одам сийрак экан. Каттагина беҳи соясида учтўрт киши оҳиста гурунглашиб турарди. Яқинлашиб, томоқ кирдим. Кечаги таниш йигит шу ерда экан, шошиб мен томон келди-да, олдимга тушиб йўл бошлади. Ичкаридаги чорпояда икки қария суҳбатлашиб ўтиришган экан. Қариялардан бири тиловат қилди. Шу аснода беихтиёр ҳовлини кузатдим. Ҳовлида кўпдан буён эркак киши бўлмаганлиги шундоққина сезилиб турарди. Яна ким билсин, балки анави қарияларнинг

бири Юлдузнинг дадасидир. Кексайиб қолганидан ҳовлига қарашга қуввати етмас.

Фотиҳа ўқилгач, ўрнимдан кўзғоларканман, сахн ўрта-сида тортилган гулдор парда тўсқич ортидан бир хотиннинг висирлаган, таҳдидли товушли кулоққа чалинди. Кимдир хастаҳол, йиғили овозда жавоб қилди. Кўчага чиққач, изма-из келаётган йигит мени тўхтатди.

– Ака, кечаги ёрдамингизни катта-кичikka етказдим. Рози бўласиз.

Унга бир зум паришонҳол тикилиб турдим-да, индамай бош ирғаб қўйиб, машинам томон юрдим.

* * *

Тасодифми, билмадим, орадан бирор ойлар ўтиб, уни яна учратдим. Тасодиф дейману... лекин унинг қишлоғи ёнидан ўтарканман, ҳар сафар нимадир баҳона бўлиб, бир тўхтаб ўтадиган одат чиқаргандим. Албатта савдо дўкони олдида бир пас айланаман, ичкари кириб, ул-бул нарса харид қилган бўламан ва кейин ўзимни мажбурлаб машинам томон қадам босаман. Ўша куни, ниҳоят излаган одамимга кўзим тушди. Юрагим қинидан чиққудай гупиллаб кетди. Унга томон юришдан ўзимни аранг тутиб қолдим. Бегона одам бўлсам, бечора қизни гапга қолдирмай... Зимдан кузатдим. Озиб-тўзиб кетибди. Ранги синикқан... Машина томон юраётган еримда тўхтадим.

– Эркин ака...

Бу Юлдуз эди. Уни кутиб турдим. Негадир кўзимда ёш филтиллагандек, мижжаларим ачишиб келди. Шоша-пиша юзимни ишқалаган бўлиб, кўзимни артдим. Раҳматли аям: “Шу болам опа-акасига қараганда бошқачароқ-да! Юзи жиддий турса-да, кўнгли юмшоқ”, дегувчи эди.

– Кечирасиз, сизга раҳмат айтмоқчийдим. Шунга...

– Тинчмисиз? Хафа бўлмай ўтирибсизларми? Дунёнинг ишлари шунақа экан-да, илож қанча.

Юлдуз, хм-м, деди-ю, кўзларида билинар-билинемас ёш филтиллади. Нима деб таскин беришни билмайман. Лекин ҳо-

зир яна нимадир десам, шундоғам ўпкаси тўлиб, ўзини аранг босиб турган қиз баралла йиғлаб юборди. Шу боис ўз холига кўйиб бердим. У титроқли лабларини қимтиб, ўзини босиб олди.

– Бир амаллаб ўтирибмиз... – деди тўшакдан янги турган бемордек бемажол оҳангда. – Шукр, ҳарқалай аммам бор. Аямларнинг ўринлари барибир бошқача экан... Қадрларига етмаган эканман. – У қулт этиб югинди. – Худди она зоти ўлмайдиғандек туюларкан...

– Ўзингизни ортиқ қийнаманг. Ҳеч ким дунёга устун бўлолмайди, Юлдуз...

– Кечирасиз, мен сизни ўзимга яқин олиб ёрилдим-да!.. – деди қиз янада синиққан овозда.

“Сизни ўзимга яқин олиб...” Ишонасизми, мен ҳам шу тобда худди унингдек, уни ўзимга яқин олиб, унинг дардини ўз дардимдек қабул қилиб, ич-ичимдан тўлиқсиниб бораётгандим.

– Дадангиз-чи? – дедим беихтиёр.

– Дадамларниям топширганмиз, – деди у шивирлаган бир алфозда. – Анча йил бўлди. Жигарлари ишдан чиқиб...

У аста бош кўтарди. Ўзини мажбурлаб жилмайгандек бўлди.

– Яхшилигингизни унутмайман, раҳмат...

Унинг бошини бир томонга хиёл эгиб кетиб боришини кабинада ўтирганча бир пас кузатиб турдим-да, истар-истамас йўлга тушдим.

* * *

Юлдузни яна кўп кўрдим. Ҳар гал қандайдир куч мени тўхташга мажбур қиларди-ю, лекин бошқа бир куч бунга монелик қилиб, йўлимда давом этардим. Билмадим нега, балки унга боғланиб қолишдан қўрқаётган эдимми?! Бир сафар Юлдуз атайлаб кутиб турган эканми, ё бирор юмуш билан кўчага чиққанми, билолмадим, машинамни тўхтатдим.

– Аммамнинг захридан тўйиб кетдим, – деди у бу сафар очиғига кўчиб. – Ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқман.

Тасалли берай десам, ўзи зўрға турибди. Қолаверса, нима деб юпатаман. Кейин қандай ёрдам қилишим мумкин, синглим бўлмаса, бирор яқиним бўлмаса, пешонасидагини кўради-да! Бундан ташқари оилалиман, ҳадеб бу атрофга айланаверишим ҳам яхшимас, эшитар қулоққа хунук! “Сўз кумуш, сукут олгин” деган ўғитга амал қилиб жим туравердим. Барибир бўлмади, унинг эзилиб йиғлашига чидолмадим. Ахир у мени ўзига яқин олиб, насиҳат кутаяпти, мадад истаяпти. Мен бўлсам...

– Сабр қилинг, Юлдуз. Сабрнинг таги олтин, дейишади. Бу кунлар ҳам ўтиб кетади. Тинчиб ҳам қоласиз.

У илкис қайрилиб, бош чайқади.

– Битгаси аямларми?! Бир умр... бир умр сабрга банди бўлиб, қаро ерга бўй тиккан. Мен ишонмайман сабригаям, тилласи тугул жавоҳиригаям. Эркин ака, илтимос, мени тўғри тушунинг, анавинақа кизлардан деб ўйламанг. Тўйиб кетдим тўғриси. Ҳар ким ўзидан ўтганни ўзи билади. Қиш чиқиб олсин, бу жодугарга қорамниям кўрсатмайман.

Раҳмим келди. Томоғимни бўғиб келаётган ички туғённи базўр ютиб, унсиз термулдим.

– Майли, мен борай. Сиз ҳам маломатга қолманг.

У чўчиб тушди.

– Узр, Эркин ака. Мен сизни ўзимга ака санаб арзи-ҳол айтганим учун. Тўғри айтдингиз, курук тухматгаям қолмайин тагин.

Юлдуз тисарилиб орқасига қайрилди. Ён-атрофдаги ғалвир кўзлар бу сафар мени обдон кўриб олишди чамаси, кўнгиллари таскин топганча кетар йўлларига кетдилар.

Юрагимга ғулу оралади. Бу одамлар бир кунмас бир кун “оқ калтак, қора калтак” қилиб юборишмасайди, дедим. Уни унутиш, ундан узоқроқ бўлиш керак, деган қарорга келдим. Қарорга келишга келдиму... Юлдуздан қанчалик узоқлашишга уринсам, шунчалик хаёлимга маҳкам ўрнашаверди. “Аҳволи қандай бўлса? Аммаси зуғум қилмаяптимикин? Онасини йўқотгани етмагандай, уни не сабабдан исканжага олади у жодугар?! Мақсади нима?!”

Гарчи “жодугар”ни ҳали кўрмаган эсам-да, “Оталар сўзи...”да кўрганим жоҳил, вайсаки аёллар сиймоси кўз олдимга келади. Ич-ичимдан нафратланиб, тасаввуримдаги аммани сўкканим-сўккан. Хуллас, ўзимни бошқаролмай, ихтиёрим кўлдан кета бошлаганди.

* * *

Баҳор болалаб, кунлар илиб қолган маҳаллар. Борлиқ-яшнаб яшаришга юз тутган.

– Эркин ака, Кўқон томонларга бош олиб кетгим бор. У ерда аямларнинг ёлғизгина холалари бор эди. Онам сиғмаган жойга мен ҳам ортиқчаман шекилли.

Маслаҳатим қор қилмади. Аммо заҳарли зардобга ичи тўлганлигини билиб, ўз холига қўйиб қўйдим.

* * *

Дунёда ким дангаса, ялқов, деб сўрашса, ҳеч иккиланмай юкловчилар, деган бўлардим. Негаки, юк ортиш бошланади-ю, уларнинг чотига айри тушади-қолади. Ё томоқлари қичишиб қолади, ёки сигарет хумори тутади. Бири ҳожатга ўрдак юриш қилса, яна бири обдон “чарчаб” қолади. Хуллас, то иш маромига етгунча “чўнтак шилиш” пайида бўлишади.

Пешиндан анча ўтганда йўлга тушдим. Юлдуз жонсарак бўлиб кутаётган экан. Бир хаёлда тўхтамай ўтиб кетсам-чи ҳам дедим. Ахир одамлар нима деб ўйлайди... Лекин Юлдузнинг нотинч ҳаётини ўйлаб, яна шаштимдан қайтдим. Тўхтадим. Юлдуз қўлидаги зил-замбил, каттагина чарм сумкани бир амаллаб кўтарганча менга узатди. Узатди-ю, лип этиб машинага чиқиб олгандагина ҳушимни йиғдим. Э, нима қилпман ўзи?!

– Эркин ака, сиз чўчиманг, – деди қиз кўнглимдан кечган хавотирни сезгандай. – Қўшниларимизга айтиб қўйганман. Энди елкамнинг чуқуриям кўрмасин бу ялмоғизнинг эшигини!

Ғалати бўлиб кетдим. Бу менга ким ўзи? Бизни кузатиб юрганлар орқамиздан тушса-чи! Ур калтак, сур калтак қи-

либ, керакли жойга обориб тикишса. Бир қулоч айбнома-ни тўппа-тўғри ишхонамга йўллашса-я!.. Ким деган одам бўламан?! Ишдан қувиламан, оиламда жанжал... Йўқ-йўқ, бу найранглар менга ўтмайди. Журъатланиб Юлдузга ўгирилдим. Ажаб, унинг кўзларида милт-милт ёш кўриб яна бўшашдим. Назаримда Юлдуз хаёлан ота-онасининг рухи, киндик қони тўкилган гўшаси, таниш-билишлари, айниқса, болалиги муҳрланиб қолган азиз қулбаси билан юрак-юраги эзғиланиб хайрлашаётгандек эди. Қувонч билан чиққанда эҳтимол қўл силкиб хушхандон хўшлашган бўлармиди? Демак, унинг ҳаракатларида қинғирлик йўқ. Нима бўлса бўлди, шу қизга ёрдамим керакми, майли қўлимдан келганча уриниб кўрай...

Машинамни юргиздим...

Конибодомдан чиқишимиз билан энтиқиб чуқур нафас олдим. Ора-сира ён ойначага кўз ташлаб қўяман. Хайрият, ҳеч ким кетимиздан таъқиб қилмаяпти. Юлдуз бўлса, ташқаридан кўз узмай, индамай кетиб боряпти. Иккимиз ҳам фақат ўзимизгагина тегишли, фақат ўзимизгагина маълум ўй-ташвишлар билан бандмиз. Ким билсин, балки унақамасдир. Иккимиз ҳам фақат бир нарса, ўзимизни кутаётган мубҳам кўргилик, ҳодисотлар ҳақида бош қотираётгандирмиз. Нима бўлгандаям, жиммиз. Гап қотмаймиз. Бу жимлик, сукунат секин аста, уни билмадиму менинг юрагимни сиқа бошлади. Алла бир ерга борганимизда, машинамни тўхтатдим. У савол назари билан қаради. Индамай, пастга тушиб машина ғилдиракларини кўздан ўтказа бошладим. Бесабаб тушмаган эканман. Орқа қўш ғилдиракнинг юза тарафдагиси пучайиброқ турибди. Демак, тешилган. Юк бўлмаганда-ку бемалол кетаверсам бўлаверарди, юк билан бу аҳволда узоққа бориб бўлмайди...

Куёш қонгалаш тусга кириб, уфққа аста ёнбошлай бошлаган. Тезроқ созлаб олмасам, қоронғида қолишим тайин. Яхшиям захира ғилдирак бор эди. Дархол кўтаргич, калитларни олиб ишга тушдим. Юлдуз ёнимга келиб, мен айтган ҳажмдаги калитларни бирма-бир саралаб, қўлимга тутқазиб

турди. Шошганимдан бошдан оёқ жикка терга ботиб кетдим. Ниҳоят, иш битди. Қоронғи чўкиб, баркашдек ой аста бош кўтариб, тўлишиб келаётибди. Баҳорнинг илиқ шабадаси эсади. Йўл бўйида яккам-дуккам бўй чўзган жийда дарахтларининг эндигина кўз очган гул шодалари шабадада аста тебраниб, хуш бўй таратади.

Бетон ариқчада юз-қўлимни чайиб, ортимга қайтдим. Иш битганидан хотиржам тортиб, шошилмай келаётганимни кўриб, Юлдуз ялинчоқ товушда шоширди.

– Эркин ака, тезроқ кетайлик. Кеч қолиб кетдик.

У мен томон қайрилиб, ой ёғдусидан юзини ўтирган пайтда қорамағиз чеҳраси янаям қорайиб кетгандек кўринди. Юзимга синчиклаб термулди-ю, бирдан қиқирлашга тушди.

– Вой, анави кишимни, тоза ҳайдовчи экансиз-ку! Чаккангизга қорамойни роса чаплаб олибсиз.

Ўнғайсизландим. Шошиб чаккамни кафтимда сийпаладим.

– Эй, сидириб баттар сувадингиз. Тўхтанг, мен ҳозир.

Аксига ишқор кукуниям соб бўлганди. Юлдуз кабинага чаққон сакраб чиқди-да, ўриндиқ суянчиғига ташланган момиқ сочиқни олиб тушди.

– Ҳай, айтмоқчи, бензинда артса кетади чоғи, Эркин ака. Озгина шимдириб олинг.

Бензин баки копкағини очиб, у узатган сочиқ четини ёнилғи сатҳига бироз тутгач суғуриб олдим-да, чаккамни шошиб артдим.

– Кетдими?

– Қани! У яқинроқ келиб, чаккамга синчиклаб разм соларкан, сочиқни қўлимдан олди. – Кулоқ шўрликниям боплабсиз-ку! Сабр қилиб турасиз энди.

У чаккам аралаш қулоғимни тозалашга киришди. Шунда... шунда димоғимга аввал бензин, сўнг қандайдир хуш бўй урилди. Унга жийда гулининг ўткир ҳиди қўшилиб, бошим ғувиллаб кетди. Қулоғим супраларининг астойдил ишқаланиши вужудимда майин титроқли қитиқ уйғотиб, қўлимни негадир илкис кўтардим, кўтарилган қўл Юл-

дузнинг кўкрагига бехос тегиб кетди. Тегиб кетди-ю, ихтиёримни йўқотдим. Қизнинг қўлларидан қандай ушлаганим, “Вой, нима килаяпсиз, қочинг. Вой, аяжон...” дегувчи илтижолариям қулоғимга алланечук сирли энтикиш бериб чалинди-ю, идрок этиш ҳисси ўзлигимдан чекинди. Гўё бу овозлар, бу ожизона қаршилиқ зорланишлари нозли эркаланиш каби туюлиб, қонимни баттар жўштирди. Жунбушга келган вужуднинг таранглиги шўх бир навонинг жилвакор раксига монанд кучли тебранишга тушди шу топда. Тушди-ю, қаршимдаги хиром айлаётган парилар гуруҳи жарангли қарсақлар силсиласини дафъатан бошлаб юбордилар. Кўзим олди гўё қип-қизил гуллар чамани қуршовида ёнгандан-ёнади... Бир маҳал бу гулшанга гулдурос солганча бир чақмоқ қарсиллатиб икки-уч бор ўт ташлади-ю, турли йўсинда тебранаётган қизлархонлар бир-бирларини сафсиз қувалашганча кўздан ғойиб бўлдилар. Кимдир талвасага тушгандек аччиқ қичқирдим, оғриқли инградими, илғолмай бир муддат тошдек қотдим. Тасира-тусир “чақмоқ”дан ҳушим ёзилиб, кўзим ярқ очилди. Юзим ўтдек ловуллаб ёнаётганини ҳис этдим.

– Нима қилиб қўйдингиз?! Шўрим қуриди-ку!..

Юлдузнинг аламли инграшидан бир қадар эзилиб кетдим. Бир вақтлар ариқ вазифасини ўтаган чуқурликда ҳарсиллаганча дағ-дағ титрарканман, ҳалиям қилиб қўйган худбинлигим тагига идрок кучи билан етиб, ақл кўзи билан кўра олмасдим. Ақлим етганида эса, бошимни қай тошга уришни билолмай, жон томирлари ёрилгудек бўғриқдим. Нима қилиб қўйдинг, номард. Эҳ-ҳ, ҳайвон!.. Ҳалиманинг юзига оёқ тирадинг-ку, аблах! Хотинингни нима гуноҳи бор эдики, сен ифлос, шу кўрнамакликни унга қасддан раво кўрган бўлсанг. Ўғлингни ўйламадингни ҳеч курса. Қаердан чиқди ўзи бу касофат?! Манави ажинасифат қайдан илашди ўзи? Тўхта-тўхта, сен касофатми, ёки уми? У-ку сенга ишониб, ўзини ўта яқин тутиб чиқди. Жаҳаннам лабидан сидирилиб, тинчини зўр умидлар, чексиз иккиланишларда орзиқиб, излаб келаётган бир чорасиз бўлса! Сен-чи? Сен нима каромат кўрсатиб қўйдинг,

бетавфик. У ўзи ҳаётнинг бераҳм силтовларидан ҳўрланиб, ҳам зорланиб на ота ва на она дийдоридан озиқ олган бўлса?! Етим бошини ҳам қилиб қаёқдаги қариндошликнинг бир тутами кўринган аясининг аллақайси холасиникига минг бир истиҳола билан йўл олган бўлса! Кўз тиккан қариндоши ҳали қандай важ-қарсонлар кўрсатаркин, бу номаълум. Бу зимистон орзу. Ширин жонини ўйлашгаям кўймай, ҳаётдан бездирган серзарда аммаси у ёқда кафтдеккина ҳовлига вужуд босиб, кўкрак керса! Бунинг бош олиб чиққанини аллақимлардан эшитиб, юрак-бағри завқланса-да, сир бой бермай, ғийбат тошини жиянининг гарданига дўқиллатиб босиб, ҳузур топса! Қай чигалликни кўтарсин бунинг тутдай тўқилган бир мисқолгина жони! Ҳаётнинг бешафқат ўмровидан тортиб олиш ўрнига ундан-да тубига итқитдинг содда қизни. Ҳали сендек беномусдан ҳаётнинг ўзи бошлаб ўчини олмаса эди хонумонингни қақшатиб. Номардлик тамғаси осилди сенинг ҳароми бўйнингга!..

– Ким деган одам бўлдим-м, ким?.. Ёмғирдан қочиб, дўлга тутилдимми, а?!

Юлдузнинг ингрокли, синиқ товушини илғаб, унга астойдил раҳмим келиб кетди. Қандай овутишни билмасдим. Қилар ишни қилиб қўйиб, яна бошини силашга имкон кидирасанми, номард?! Қандайдир куч кўлимни унинг боши тепасида тўхтатди. Лекин бир қувват ғолиб келиб, беихтиёр тўзғиб кетган сочларини силадим. У жирканиб, кўлимни юлқиб ташлади.

– Қочинг!.. Кетинг бу ердан!.. Нодон бўлмасам сизга ишонармидим. Мен сизни одам деб ўйлаб... – У бирдан уввос тортиб юборди. – Аяжон, жоним онам... мен бахтиқаро қизингизни кечиринг. Ўзингиз бўлганингизда мени шу исқиртларга ташлаб кўярмидингиз, аяжон. Жонимдан кечиб чиққандим, номусимни армонлатиб қўйдим-ку, жоним онам. Энди нима қиламан? Бу иснодларга қандай чидайман, қандай?!

У аччиқ нолалар қилди-ю, мен чўчинқираб кутганчалик айбўҳаннос солмади. Сочларини юлмади. Яйдоқ бу овлоқда кимгаям дод соларди, танҳо менгами? Менга-я?!

Юлдуз ўрнидан базўр кўзғолди. Бетон ариқ ортидаги кўлмак томон кетди. Кўнглим ваҳималар ғалаёнларига беармон банди бўлган. Бунда ўта даҳшатли хаёллар ҳам кезинади, ҳам совуқ манзаралар болалагандан-болалайди. Шайтон истаган кўйига ҳам руҳиятимни, ҳам кайфиятимни жиловлаб ўйин туширапти. Шу топда хаёлимга совуқ бир ўй келди-ю, сапчиб ўрнимдан турдим. Яна ўзини бир бало қилиб юрмасин алам устида, билиб бўладими? Хайрият, Юлдузнинг сал наридаги буталар соясига чатишган қораси кўринди-ю, чуқур тин олдим. Аммо юрагим оғир қалқиб кетди. “Юракмиш! Ўзи сенда соф юракнинг бирор мисқоли борми, номард. Сен ҳали ўзингни одам қаторида санаб ўтирибсанми, сен-а?! Садқан сар сенга одам деган ном. Бирозгина ғурур, ор-номус бўлганидаям майли эди. Қани ўша фазилатлардан нишона? Шуми?! Пис, дегин, ҳа, балли! Энди бир умр мушукдек мулойим тортиб, пусиб яшайсан. Ҳатто оёқ олишингниям биров сезиб қолишидан ҳадиксираб кун кечирасан. Хавотирлик сенга умрбод йўлдош бўлди. Ташвишланма, бир бор шайтони лаъинни завқланиб опичладингми, бас, энди у сени истаганча миниб чопади...” Кўрқиб кетаяпман, бу бадбин хаёллар қаёқдан келаётир? Мунча кўркинчли бўлмаса?..

Юлдуз бошини солинтирганча ҳиқиллаб ўтди-ю, машина эшигига ёпишди...

Алдамчи сўқмоқлар (Юлдузнинг ҳикояси)

Эсимни танибманки, уйимизда кўрганам – тинчликдан кўра, тўполон-жанжал. Бир ёқдан эридан ажраб, еру кўкка ишонмайдиган тангиқ қизчаси билан кўч-кўронини кўтариб келган серзарда аммам, бир ёқдан сингисининг уйдирмасига учиб, шўрлик аямни ҳуда-беҳуда калтаклайдиган дадам. Юз-кўзини кўриб бўлмайдиган аям билан қўшниларниқида тунаган кечаларимиз. Тонг отгунча бошимни оҳиста, аммо титроқ билан силаб, маҳзун ўйга толган аямнинг ингичка,

нимжон бармоқлари. Хастагина, майин юпанчларидан энти-киб, кўп нарсаларга ақлим етмаса-да, ич-ичимдан тошиб келиб бўғзимдан бўғишга шайланган кийноқлар чангали. Аянинг ўта хўрланишларига чидолмай, бир бурчакка тикилганча ўксиб-ўксиб йиғлаганларим... Ҳамма-ҳаммаси ҳамон кўз олдимда аянч билан жонланиб айланади. Хотира қатларида босинқираган бемор каби аччиқ тўлғонтириб, ҳануз тинчимни олади.

Аммам ҳовлимиздаги бор-йўғи икки хонадан иборат пастаккина уйимизнинг бир хужрасига кўчиб келди-ю, фойз-барака бирдан кўтарилгандек бўлди. Тавба, бир шапалоқ нур туширмайдиган кулоч етмас ёнғоғимиз ўз-ўзидан қовжиради-қолди. Ҳар йили бошини еб, ҳосил тутадиган ўригимиз ҳам шиғиллаб ётган ғўрасини аллакимдан қизғонган каби битта қўймай тўкиб ташлади. Ҳар доим шаркираб, лим-лим оқадиган ариғимиз эса, сувсизликдан бадбўй балчиқ кўптириб, кўнгилни оздиришга тушди. Унинг устига юввошгина итимиз негадир тажангганиб, нукул безовта акиллайдиган одат чиқарди. Охири аммамнинг косов ўқталиб қувлашидан бешиб, аллақаяққа бош олиб қочди-кетди. Ҳовлимиз шу тахлит қандайдир мунгга кўмилгандек мунғайиб қолди.

Дадам, ёлғизгина синглим қаёққаям борарди, деб жони обдон ачиганди. Мен ҳам аммамнинг ташрифидан тоза суюнгандим, рости. Қизчаси овунчоқ бўлади-ку, деб ўйлагандим. Ундай бўлмади. Аммо аммам тузликқа тупирди. Дадам бўлса негадир ичкиликка ружу кўйиб, бор аламини аямдан оладиган қилиқ чиқарди. Ичса, ўзини билмасди. Аммам эса бунақа пайтда ё эшигининг ичидан маҳкам тамбалаб оларди, ёки қорасиниям кўрсатмай, аллақайси дугонасиникига ғойиб бўларди. Жанжал сўниб, идиш-товоклар, унга қўшилиб дераза ойналари чил-чил синган, ҳаммаёқ ост-уст бўлиб ётган маҳалда осмондан тушардим, ердан чиқардим, пайдо бўларди. Қоши зулукдек чирилиб, кўзлари совуқ йилтиллаганча аям бечорани гап билан узиб-узиб оларди.

– Вой-бў, бу яна нимаси?! Нима бало, зилзила қўпдими бу ховлида?! Ҳой, қанақанги ивирсиган хотинсиз, кеннойижон. Манави зормандаларни супуриб-сидириб олсангиз, бўйнингиз кундага тушадими-а? Кўрар кўзга, эшитар кулоққа уят бўлса керак, адашмасам. Қани, туринг, чакқон-чакқон қимирланг-чи бир мундоқ. Шу кетишингизда акам шўрликнинг ажалидан беш кун олдин ўлдирасиз-а! Анави тил ўлгурни салгина тийсангиз, бирор жойингиз камайиб қолармиди?! Лўлининг уйи ҳам бунчалар хароб бўлмас. Ҳой, Юлдуз, қимирла, сен ҳам чакчаймай.

Аям ҳам, мен ҳам индолмасдик. Гинг десак, дадамнинг кулоғига бошқачароқ йўсинда етиб борарди-ю, бутун “маза” сини аям шўрлик тотарди. Кейин-кейин ўз арзини акасига шубҳасиз ўткиза олишга кўзи етган аммам тантиқ қизининг оғирлигини ҳам бизга ортиб, бу томондан ҳам эза бошлади. Мениям шу ғалванинг ичига тикди. Айниқса, дам олиш кунлари майда-чуйда юмушлари қайнаб қолар, арзандасининг кир-чирини чайиш ҳам менинг зиммамга тушганди. Улгурмай қолсам, дашномнинг остида қолиб кетардим.

– Ҳой, Юлдуз! Нега айтганларимни бажармадинг?! Анави ялмоғиз аячанг ўқитаяптими, сен зумрашани! Ҳали шошмай тур, даданг келсин, бир таъзирингни бердирмасам, юрган эканман.

Юрагим шиғиллаб, кўрқиб кетардим. Кўз олдимдан менинг дастимдан аямнинг калтакланиши ўтиб, совуқ титроқ вужудимни бир зумда қоплай қоларди.

– Дарсларимни тайёрлаб олай, амма, кейин бира йўла чайиб қўяман. Бўлмаса муаллимамиз уришадилар.

– Вой-вой, ўзи сен қилтириқ нусхадан ўнглироқ одам чиқармикин бу ёруғ дунёда? Нима, ўқиб дунё оберамидинг менга! Бор, ишингни қил!

Ноилож унинг буюрган юмушларини бажаришга киришиб кетардим. Фақат, фақат аям қакшамаса бас. Эртасига эса ўқитувчимдан дакки еб, паст баҳо олардим-да, бўзрайганча уйга қайтардим. Уй бурчагига тикилиб олганча тўйиб-тўйиб йиғлардим. Гап бундаям эмасди, гап дадам зуғумининг рўқач

қилиниб, чўчитилишида эди. Айниқса, баъзи-бир найнов болаларнинг, пианистанинг кизи, дегувчи масхараларини ҳам ҳеч ўзимга сиғдиролмасдим. Юрак-юрагим ўйилиб битарди бу каби камситишлардан.

Неча маротаба маҳалла-қўй аралашгандек бўлди. Гўё аммам ҳам, дадам ҳам инсофга келишгандек бўлардилару, ҳеч қанча ўтмай, яна ўша аҳвол бадбин башарасини кўрсатиб такрорланарди.

Дадам тўшакка миҳланишидан олдин бир бор, омонатини топширишидан аввал яна бир марта рўзгор бойлаб қайтган аммам ўзининг инсон деган муқаддас туйғудан анча йироқ тушганлигини ҳеч-ҳеч тан олмас эди.

Менинг хаёлий истакларим ҳеч кўз оча қолмасди. Аммамни тағин “сўроқлаб” келишса-ю, тинчимизни топа қолсак, дердим орзуланиб. Бу каби тилакларимга қўшнимиз Рокия опа хотима берди-ю, борки ҳафсалам ҳавога учди-кетди.

– Бу дардисарнинг яқинига одам тугул ит ҳам йўламайди сираям. Кун ёришганда уйкудан аранг кўз очса, эр шўрликни оёғи учида кўрсатса. Бу нимаси ахир. Қайси бош оғриққа дармон экан бунақангилар, ҳайронман. Бу тентак, осмондаги ой, пичоқдаги мой. Фаросатда тойиб кетаётгани парвосигаям келмайди.

Кўшни аёл тўғри айтган экан. Ҳеч ким эшик турумани бузишни хаёлигаям келтирмасди ҳатто. Аммам эса кўзига сурма, қошига ўсма чаплаб, ойжамолгина бўлиб жанжалнинг инига косов тикишдан сира толмасди. Кўнгил хузури маишатда эди.

Бир нарсага ҳайрон қолардимки, аям дадамни ҳеч вақт ёмонотлик қилмасди. Дўппослаб калтаклаганида ҳам қўшниларининг гап олиш учун ташлаган пинҳона илмоқларига эътибор қилмасди.

– Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ дейишадик-ку, айланайлар. Бир кун инсоф туғиб, вазмин тортиб қолса, ажабмас. Ўзи ёмон эмаслар, жаҳллари тезроқ, холос. Ҳар кимдаям ўзига ярашаси бор-да...

* * *

Дадам биқинида кучли санчик туриши баҳона, бориб-бориб тўшакка қапишди. Ойлаб шу тахлитда ранги чикмай юрди. Борган сайин оғирлашиб борарди. Бир куни кечга яқин мени чақириб олиб, ёнидан бир қарич ҳам силжитмади. Кўк-рак қафаси босқондек чиқиб-тушади. Юзидаги ажинлари ғижимланиб, ранги захиллашиб қолган. Қўл панжалари акашак тортиб, пайлари туртиб чиққан. Жон томирлари эса ингичкалашиб хунук кўкишранг олгандек эди. Тирноқлариям бир ғалати сарғиштоб тусга кирганди.

Чиранишидан қаттиқ қийналаётганлигини сезган аям бир нималарни оҳиста, аммо нимадандир ҳадиксирагандек пичирлаб, қайта-қайта такрорлади-да, дадамнинг жикқа терга ботган пешонасини докага шимдираркан, лаблари пирпираганча ўкраб юборди.

– Дадажониси, биздан рози бўлинг... Биз ҳам сиздан розимиз, мингдан-минг розимиз...

Шундан кейингина дадамнинг хавотирли юз-кўзларида мамнунлик балқиб интиқ анграйди-ю, узун нафас пуфлади. Юмилиб қолган кафтлари аста ёйилди. Уй ичини бирдан аямнинг аччиқ ўкириги тутиб, оёқ-қўлларимда қалтироқ туриб қолди. Ниҳоятда кўрқиб кетган эканманми, бир ҳафтага яқин худ-бехуд ётиб қолдим. Аям тинмай зорланади.

– Жон қизим, кўзингни оч. Сендан бошқа кимим қолди бу ёруғ дунёда.

Шифохонада даволаниб, ҳеч қанча ўтмай тузалдиму, лекин юрагим муттасил титраб турадиган бўлиб қолди. Иссиқ ҳароратни кўтара олмасдим. Совуққа эса чидолмасдим.

Мен аямни дадамни жонидан ортиқ яхши кўришларини сезиб қолдим. Кўпинча дадамнинг суратини олдига кўйиб, маъюс тикилиб ўтиргани устидан чиқиб қоламан. Шунда кўзлари жикқа ёшга тўлганлигидан бир хил бўлиб кетаман.

* * *

Дадамдан айрилгач, аммамдан яна бир қадар юрак олдириб қўйдим. У суяксиз тилига зеб бериб, аямни ҳеч ҳол-жо-

нига қўймади. Унинг ниятини тушуниб бўлмасди. Бу вақтда тирранча қизиям мактабга қатнаб қолган, тилиям дурустгина чиқиб, онаси ёрдамида бурро чархланарди. Кези келса қўшқанотлик ҳам қилиб қоларди. Минг афсуски, шу аммамнинг зуғуми сира тийилмади. Аммо баъзи маҳалларда руҳиятига хос иноқлашиб қолар, топган матоҳи ҳасратнинг уяси эди. Шунда унинг феъл-атвори нақадар чигал эканлигини англаб етардим.

Ҳаммасидан ҳам алам қиладиган жойи – бечора аям бу дунёнинг оғир заҳматидан кечиб, кўз юмганда олдиларида бўлолмадим. Васиятларини ва ҳатто сўнгги сўзларини ҳам эшитолмадим. Аммамнинг зуғуми менга қаратилгач, бошим узра оғир тош оғаётгандек титроққа тушардим.

Раҳматли аям бир сирни айтиб, аммамнинг кимлигини билдириб қўйганди.

– Қизим, аммангдан хафаланиб, ортиқ ўзингни қийнама. У кишимга йўргакда теккан касаллик бу. Қайнота ва қайнонамлар ҳам шунинг ташвишида жигар-бағрилари куйиб ўтиб кетишди. Амманг аёзда тўғнамас, иссиқда эримаслардан.

Шу қадрдон ҳовлимиздан дадам билан аямнинг руҳларини чирқиллатиб узилишлик истаги ҳатто хаёлимгаям келмаган эди-ю, аммамнинг бир гапи наштардек санчилиб, ичтимни тилиб ташлади.

– Юлдуз! – деди бир кун мулоимлашиб. – Сениям бўйинг етиб, силлиқлашиб қолдинг. Ахир шундоқ юришинг... энди-и... чиройли бўлмаса керак. Барибир бир кун келиб туясан-да эркак тафтини. Билсанг, ишхонамизда шун-нақанги келишган бир йигит борки, ох, кўрсанг қайтиб-қайтиб боққинг келаверади. Эҳ-х, шунақа пайтда қайтадан бокира қизга айланиб қолсангу... – У шалоқ оғзини тўсганча беҳаё сузилиб кикирлади. – Нима дединг, қақажон. Ҳа, бир нима дегин энди одамнинг кўнглини ланж қилмай.

Аввал унга анграйганча қотиб қолдим. Бир зум шу кепатада каловланиб тургач, ҳушимни йиғдиму жонҳолатда кичқирдим.

– Ниятингиз ўзингизга сийлов, билдингизми?!

Бошқа гап тополмаганимдан аламим тошиб, ўкраб юбордим. Ич-ичим тирналгандан-тирналади. Ажаб, нима учун у юзсизнинг бетига дурустроқ сапчий олмадим, нимага? Ё кўрқдимми? Ростдан ҳам кўрққандирман. Эҳтимол, жанжалнинг кўпишидан безиб кетганимдандир. Нима бўлгандаям ўзимнинг бу қадар заифлигимдан, эрксизлигимдан ва яна кўрқоқлигимдан нафратланиб-нафратланиб кетдим.

* * *

Инсонда шундайин бир ожизлик мавжудки, биров аламингни кўкқис кўзғотган вақтида бош кўтармаган аччиқ-тиззиқ гаплар жанжал сўнгач, ҳар ёндан қийнаб, исён кўтариб қолади. Шундай алам қиладики... Хаёлан бирам олишиб қоласанки, рақибинг билан, асти кўяверасан. Хуморингдан чикқандек бўласан, лекин барибир ношудлигингдан ичичингдан куйиб-куйиб кул бўлаверасан, бўлаверасан. Ҳозир мен ҳам шу гирдобда эзғиланиб, қиймаланардим. Аям бўлганида бу шўртумшукнинг гапи зиғирча ҳам таъсир қилмаган ёки гапиролмаган бўлармиди? Яккаланганимдан фойдаланиб сийлаган гапи шу бўлдимиз? Ўшанинг билан ўзинг кўшмозор бўлмайсанми менга деса! Ана, жуда керак бўлса полопон “ажинагул”ингни бирозгина улғайтириб, истаган “кўз куяр”ингга “ҳадя” қилавер. Нечта эр, нечта чимилдик юзини кўрган сендақанги эргадоларнинг кадр-қимматинг бир чақалигини ким билмабди экан?! Гўёки бежирим, йилтироқ қоғозга ўроғлиқ сифатли қанддек билишади ўзларини бунақангилар. Ҳе, кепатанг бундан баттар курисин, сен юзсизнинг.

Шу сабаб бўлди-ю, хаёлимга фақат иффат пардасини йўқотган шу ҳовлидан бош олиб чиқиш истаги туғилди. Туғилди-ю, шу хоҳиш сира тинчлик бермай кўйди. Шуни режалаштириб турганимда лоп этиб Эркин ака кўз олдимга келди-ю, жонланиб кетдим. Кўнармикин? Бош чайқаб қолса нима қиламан? Таваккаллига айтиб кўрганимда эса, бир-икки маслаҳат солгандек бўлди. Қарорим қатъийлигини билгач, йўригини тополмадим индамай қолди.

Зарур нарсаларимни, айниқса, дадам билан аямнинг сарғайиб кетган суратларини олдим, яхшилаб жойлаб қўйдим. Сахар туриб, қабристонга йўл олдим. Аям билан дадамнинг қабрларини бирма-бир кучиб йиғлаганча дийдиёмни тўкиб солдим.

– Менгинани ташлаб қайларга кетдиларинг, дадажоним, жоним аяжоним. Кимларга сомондек сарғайтириб қўйдиларинг мендек саргардон етимчани?! Сизлардан ўзга кимгаям керагим бор эди, кимга? Ўзларинг билан ола кетсаларинг бўлмасмиди? Аммамнинг зулмидан тўйдим, дадажон. Арвоҳларинг чирқилламасин бош олиб кетишимга. Бошқа иложим ҳам йўқ, аяжон... Рози бўлинглар, рози...

Тўйиб-тўйиб йиғлаганча оёғимни базўр судраб қабристондан чиқдим. Тўғри ишхонамга йўл олдим. Ҳар ҳолда анчайин кексайиб қолган ферма мудури пайсалга солиб ўтирмай, аризамга имзо чекиб бера қолди. Лекин ишдан бутунлай кетиб чакки қилаётганимни, аямнинг излари шу ерда қотганини, руҳи кезиб юрганини куюнганча гапириб ўтди. Қандайдир куч эса сабримга тош босгудек юрагимни тилади, онангнинг руҳини азоблама, дейди. Ич-ичимдан унсиз бўзлайман. Негадир бирга ишлаган сут соғувчи дугоналаримдан сира-сира айрилгим келмайди. Худди шу даргоҳнинг оддийгина туюлган тупроғигача мунғайиб кузатиб қолаётгандек орзиқиб кетаман...

Йўл-йўлакай кўшни кампирниқига кириб бордим. Садбар хола офтобрўя ерга эски шолча тўшаб, кўрпа қавиётган экан. Менга кўзи тушиши ҳамоно айланиб-ўргилиб кўришишга ошиқди. Ниятимни айтганимда эса, анграйиб қолди. Сўнг мақсадимнинг қатъийлигини англагач, хиралик аксура бошлаган кўзларида ёш қалқиб, хиркироқ оҳангда овута бошлади.

– Вой, сен тентаккина-я, мениям ғалати ҳолга тушириб қўйдинг. Бу хаёлларингнинг бариси беҳуда. Эсингни йиғмасанг бўлмайди, болам. Ота-онангнинг арвоҳини ўйла, руҳларига беадад тиловат қилишни бил. Биттаю-битта чироқ ёққувчиси ўзинг-ку! Қиз бола бошинг билан қаерга ҳам бо-

расан, жоним болам. Раҳматли Жамила бўлганида сени шу аҳволда кўрармидим-а?! Кўй, ўзингни бос. Шайтонга ҳайф бер. Яхшигина жойдан чиқиб қолса, рўзғорга ўралашиб, ташвишгаям кўмилиб кетасан, қизим.

– Йўқ, холажон. Мени тушунмадингиз. Тўғриси, тўйиб кетдим. Борган жойимда хор қилиб кўйишмас. Аммамни кўраяпсиз-ку!.. Эс-эс биламан, аямнинг Кўкон томонларда аллақандай холалари бор. Ўша ёққа бораман. Болалигимда кўп борганмиз. Борди-келдимиз яхши эди. Кейинчалик ортмадикми, бир-биримиздан узилиб қолдик. Ўзларига тўқ оилалигини биламан. Ҳарқалай, қариндошчилик – минг йилчилик, деган гап бор-ку.

– Кўп ҳам ўзингга олаверма. Калта ўйлама ҳам. Бировнинг эшигига сарғайиб боришнинг ўзи оғир, жон қизим. Ўз жойинг ўлан тўшагинг. Йўқчилик маҳали эмас-ку ахир, тирикчиликни важ қилиб саргардонликни бошдан кечиришга мажбур бўлсанг.. Бир кун келиб амманг ҳам инсофга келиб қолар, шундоқ қотиб қолмас. Ёмоннинг кучи япалоққа, деганлар, сабр қил. Мағзава одам кўпиклашаверади-да.

Садбар хола овунчоқ бисотидан бошқа ўринли далда тополмади шекилли, қавиётган кўрпасига нинасини бетартиб ботирганча узоқ ўйга толиқди. Гўё боши суяги туртиб чиққан озғингина елкаларига омонат ўрнашгандек килкиллади. Қорамағиз юзи енгил учиб, қуруқшаган лаблари тамшанди. Бўйин терисига илашгандек қатланган юпқа ажинлар эса тўр солиб, беўхшов осилиб тушди. Шу ҳолат уни менинг тақдиримга астойдил ачинаётганлигидан дарак берганидан ғалати бўлиб кетаёздим. Бироқ юрагимдаги аланга тафти бу билан ҳам босилмади, сўнмади. Садбар хола, бекор қиляпсан-да, жон қизим, деганча чирқиллаб қолаверди.

* * *

Хувиллаган ҳовлимизга киргач, кўнглим бир қадар безиллаб, узоқ туриб қолдим. Бирдан бўғзимга тикилган ички дард ўз кучини кўрсатиб, тўлиб кетдим. Шошиб уйга кирдим, аччиқ ўкраб юбордим. Уй деворларини, аям қавиган кўрпа-тў-

шакларни кўзларимга тўтиё суртиб, ўзимни ҳеч тия олмасдим. Ичимдан тошаётган аччиқ хўрсиниқлардан қийналиб, томоғим чандон бўғриқиб ачишади. Дувиллаб қуйилаётган ёшлар кўз олдимга хира парда тортган, бошим чидаб бўлмас даражада оғрир, бу азиз ва қадрдон хонадондан мутлок бош олиб кетишлик қанчалар оғирлигини шу пайтда чуқур англаб, юрагим эзилгандан-эзилади. Нима қилай, қандок қилай? Аям, дадам бўлганларидаям майли эди. Майли эди, жанжалнинг уяси бўлгандаям. Ўз отанг, ўз онанг бўлмаганидан кейин қаергаям сиғардинг? Ўғил бола бўлганимдаям бир нави эди. Қиз боланинг шаъни нозик. Ёмон гап бир бор гарданингга ёзилмасин. Муҳрландими, тамом, минг бор ўзингни оқлашга уринма, чиранишларингнинг бариси бефойда. Белингнинг сингани қолади, холос.

Яна ҳар бир жиҳозни, девор гардларини кўзларимга қайта-қайта суртиб, юм-юм йиғладим. Наҳот, шу кичиккина ватаннинг ўзиёқ қанчалар азиз, қанчалар қадрли, қанчалар сирли-синоатли. Шунчалар бағри қайноқми ватан туйғусининг? Гўёки бир дунё тилсим яшириниб ётгандек ўзига бунчалар тортмаса. Тавба, шунақа пайтда одам сезгир бўлиб қоларканми, ҳатто манави жиҳозлар ҳам, бари-бариси “кетма-кетма!” деяётгандек туюлади. Гўё ҳовлимизнинг ҳар бир қаричи зор-зор қақшаётгандек аччиқ тўлғонади...

Аямнинг изини излаб узоқ тентирадим. Юрагим тўлиб келади. Бўғзимни йиртгудек бўлади. Титроқ вужудимни ўз измига олади. Минг бўзлаб кўнглим сира ёришмайди. Бир куч ёпирилиб келади. Оёқ-қўлларимни шафқатсиз кишанлайди, кетмайсан, дейди қатъий. Яна бир куч аччиқ алам ёшларини етаклаб келади. “Бу ердан кета қол, бу ерда сенинг ҳеч киминг бўлмаса энди” дейди куюнгандек. Беҳол бўлганча ўтириб қоламан. Аямнинг девор сиртидаги қозикда илинган қора бахмал нимчасига бехос кўзим тушиб, ўрнимдан сапчиб тавоф қилишга тушаман. Йиғидан яна бошим айланади. Кўнглим беҳузур бўлади. Минг азобларда қадрдон, киндик қони тўкилган, болалик чоғларимни деворларига, шифтларига санчиб муҳрлаган, шўх қийқи-

риқларимни осмонга отган, хархашаларимни дераза ойналарига сингдирган муқаддас хонадонимни, ҳамон менинг тақдиримни зор-қақшаб кузатаётган ота-онамнинг рухий назарлари қаршисида армонларга тўлган ватанимни ўзим бўзлаб, уни бўзлатиб ташлаб чиқарканман, тарк этишлик инсон руҳиятидаги занжирларнинг оғриб узилишлигининг биттаси шу эканлигини англаб етдим. Баъзан кулоғимизга кутилмаган паллада бирорта кўшнининг уйи сотилаётганлиги ҳақидаги хабар чалиниб қолса, бепарво кулоқ тутамиз. Юрагимиз жиз этиб қўймайди ҳатто. Титроқли ҳислар ҳам рўбарў келмас эҳтимол. Чунки бу ташвиш бизнинг тақдиримизда эмас, ўзганики-да. Қачонки бошимизга тушгандагина биламиз бу савдолар қанчалар чигая ёки оғирлигини. Ўша кимса уйини сотиб бўлгач, собиқ кўрғонини боши эгик ҳолда кўзи қиймай ташлаб чиқаётгани сабабини билмаймиз. У фақат бу азиз кулбасида кечирган масъуд кунларини хотиридан четлатолмай қадам узади. Бу ердан кетишига кимдир, ёки нимадир чигаллик ташлаганидан дили оғриниб, хотирига жамлар эҳтимол...

Ҳозирда мен ўзим бошқача ҳодисанинг ичида минг азобларда каловланиб ётибман. Гўёки аммам дунёда бирдан-бир меҳрибон кишимдек. Гўё у менгаям, аямгаям ҳеч қачон зуғум қилмагандек. Зуғум қилган тақдирдаям гўё шундай бўлиши керакдек туюлади. Шу пайт бир нима ўқдек учиб, кўз олдимда юз кўрсатди. Дадам жигарлари хасталаниб, тўшакка михланганида менга илтижо қилиб, кўзига ёш олганди. Афсус-надоматлар қилганди. Негадир кўнглим тўлиқиб, унсиз йиғлагандим ўшанда. Эркак киши йиғласа ҳам хунук, ҳам ғалати туюларканми, эҳтимол шу таъсир қилиб йиғлаганманми, ё бошқами ҳозиргача билолмайман. “Жамила, – деганди ҳам менга, ҳам аямга оғир ютоқиб. – Сени... сизларни кўп қийнадим. Кечиринглар мени... Мен, нодон, ўз турмушимга ўзим шўр тўкибман, ўйлаб қарасам. Синглимни кўчириб келиб, чакки қилган эканман. Мени деб қизимиз ҳам анча жабр кўрди шўрлик. Сенга васиятим: биз ўқиёлмадик, жилла курса шу қиз ўқисин, билимли бўлсин. Орзум шу. Жамила,

Юлдузнинг ё тақдирини ўйлашга, ё оталик меҳрини беришга ўзимда идрок тополмаган эканман. Ҳамма айб ўзимда экан, ҳаммаси, афсус...”

Оғир хаёлга чўмиб, узоқ ўтириб қолдим. Ҳеч-ҳеч кетгим келмайди. Бироқ қолиб ҳам бўлмайди. Ўрнимдан беҳолгина кўзғолиб, сўнгги бор уй ичида маъюслик инган нигоҳим кезиб, кўнглим бир қадар ўксиганча ташқарига мунғайиб йўналдим. Ҳовлимиз саҳнида ҳам оғир нафас ютокиб турарканман, алашим янаям тошиб, ҳиқиллаб йиғлаб юбордим. Сўриток устунига суянганча атрофни совуққина кузатдим. Бошимни ҳам қилганча азиз ва қадрдон кулбамни, суюкли кўрғонимни тарк этдим.

* * *

Йўллага ҳамроҳ дўст бўлмас экан. Бу беномусликдан кўра ўзим минг қарра яхши эмасмиди?! Нима қилиб қўйдим, мен тентак. Иффатимни, ор-номусимни ер билан битта қилдим-ку! Ўзимни судраб келиб шу гадейтопмас жаҳаннамга ташладимми? Ҳа, Садбар хола тўғри айтган экан. Сабр қилсам бўлмасмиди? Бир умр ўша аммамнинг зулм қонини ичсам ҳам ўлиб қолмасдим шекилли. Шу кепатада қандай бораман энди аямнинг холасиникига? Ҳали у мени танирмикин, эслармикин? Ҳар нечук ҳаётмикин? Наҳот, бу тўғрида энди фикрлаб турибман. Нега энди айнан бошимга кулфат ёғилиб турган он фаҳмим чархланиб қолди? Э, воҳ, бу дунё бунчалар тескари, шунчалар чигалми? Кейинги пушмон, ўзинга душман, деб бежиз айтишмаган экан-да! Мана сенга ўзбошимчаликнинг давоси. У ёғига ўтсанг ҳам дардингга шифо топасан, бу ёғига ўргилсанг ҳам. Шу маҳалда анавининг юзига чанг солгим, хумор тортган жонини суғуриб олгим келиб кетди. Лекин айнан шу зайлда туришимда ҳеч нимага кучим етмайди, биламан. Аммо ҳамма айб ўзимдалигини кейин тўла фаҳмлаб, ўзимнинг жонимни суғургим келиб кетди. Қай иффат, қай виждон билан журъат этдим унинг чаккасидаги қорамойни артишга? Воҳ, шу нодонлигим оқибатида тақдиримга ўчмас алам тамғасини бир умрга тотигулик тарзда бостириб

олдим-ку! Во, ажаб, ақлимни кишанлаб, мени бу ёқларга иблиси лаъин таъқиб этиб келган экан-да! Ох, бу аламлар ис-канжасида бир умр қийналиб яшарканман-да энди.

Бу унутилмас мудҳиш тун номусимга дастак бўлган “кимса”нинг ялиниб-ёлбориши билан ўтди. Мен нодонгина-ям нима қилардим энди? Ўлганимнинг кунидан унинг пой-ма-пой ваъдаларига ноилож кўндим. Ҳозир қонунга ёпиш-сам, ҳамма айб ўзимда бўлса. Боз устига бу иснод аммамнинг тешик кулоғига етиб боргудек бўлса борми, тамом, севин-ганидан терисига сиғмай, умри узаяди. Унинг чилдирмаси-га мен ўйин бериб, у покиза аёлга айланади-қолади. Нима дедим? Покиза дедимми?! Мен ўзим покизаманми? Мен-а?! Шу совукдан-совук ўй юрак-юрагимни тирнаб-тилимлаб, куйдириб ўтди. Нима бўлгандаям пешонамдан кўрдим. Бир тасалли кўнглимни ҳам аччиқ эзиб, ҳам оғир овутгандек бўл-ди. “Энди сен жувонлик либосидасан. Қизлик иззатингни ўз кўлинг билан тўйсиз-чимилдиқсиз, орзусиз-мақсадсиз, ўйин-кулгусиз ҳақоратли тусда “ҳадя” этдинг. Иффатнинг кўзига чўп тикдинг. Унинг чил-чил синган минг қирра парчалари кўлингда хотирот сифатида муаллақ қолди. Уни сақлаб кўй, асқотиб қолади. Гоҳи-гоҳ термулиб, ўтмишингни эслаб ту-рарсан. Хотирингни чархлаб ҳам оларсан ва ҳатто ақлинг-ниям жамлаб юрарсан. Ҳарҳолда тилингни қисиклиги бу-кик бўйингни бировларга кўрсатмай турар. Истасанг хафа бўл, хоҳласанг қувон. Бу сенинг хоҳиш-ироданга боғлиқ, бироқ анави нафси бузук ёввойи сенга бедаво эр бўлди, сен калтабин эса аллақандай маъшуқа хотин. Бошқа йўл ҳам йўқ. Танангга боқиб кўрсанг гар: ундан ўзга яқининг ҳам йўқ. Фақат сабр қил, ўлмайсан. Лекин бир томони бор: сув келса симирасан, тош ёғса кемирасан. Аммо ҳадик ва хавотир бир умрлик ҳамроҳингга айланди...”

* * *

Эркин ака ижарага жой топиб мени қолдирди-ю, ўзи айтгандек бир ҳафтадан кейин келди. Унгача шайтоннинг жонли ўйинчоғига айланиб, унинг минг тур кўчалари-

да сарсари кездим. Йўқ, мен ўйлаганчалик у номардлик қилмади, аро йўлда қақшатиб ташлаб кетмади, шунисига шуқр. Лекин шу ҳовлига эга бўлгунча ижара эгаларининг қош-қовоғига термулавериб, заҳар-заққум ачитиларини эшитавериб, жонимда дармон қолмаганди. Яйраб қоладиган кунимиз ҳам бор экан. Эркин акам чоғроққина бўлсаям шу ҳовлини қарз-ҳавола қилиб олиб берди-ю, кўча-кўчдан қутулдим. Гўзалнинг эчкидек ирғишлашини кўриб, йиғлаб юбораёздим. Болаям биларкан-да ўз ватанида эркин яйраб-қувнашни.

Гўзал бўй чўзган сари ҳам суюнар, ҳам минг хавотирга банди бўлиб кўрқардим. Ўзимнинг тақдирим бунақанги бўлганига уни ҳар бало-қазодан асрашга интилардим. Кечаю кундуз бетиним таваллолар қилиб чиқардим. Унинг кўнглига қараб, Фарғонага бориб ўқиши учун ўзим изн бердим, ўзимнинг бағрим ҳувиллаб қолди. Унинг устига дадаси ҳам сафаридан ҳеч ортмайди. Яхшиям қўшнилари бор, бир-биримиздан хабардор бўлиб турамиз. Лекин уйнинг устунни муқим бўлмаса қийин экан. Нимаям қилардим, ўзимнинг шўрғина шўрвам ўзимга сийлов...

Ишқнинг учқуни
(Гўзалнинг ҳикояси)

Болалигимда жуда кўп нарсаларга қизиқардим. Табиат шайдоси эдим. Айниқса, тоғларга чиққим, гуллар тергим, кўм-кўк ўтлоқларда қувнаб-ўйнагим келарди. Ниманки истасам, ўша нарса муҳайё бўлишини жон-дилимдан тиланиб, орзулар қилардим. Аям ўта инжиқ бўлганлиги учунми, унга ичимдагини ботиниб айтолмасдим. Уришиб бериши тайинлигини билганим учун ҳам индолмасдим. “Ундан кўра, уйларни саришта тутишни ўрган. Менинг қўлимдан юмушимни ол”, деб дамимни кесарди. Дадам ўзи айтмоқчи “меҳмонхона” сига сафаридан қайтиб келганида зорланишга тушардим.

Олтинчиними, еттинчими синфни тамомлаб, ёзги таътилга чикқан кунларимиз эди. Ҳар тонг, ҳар тун бир хил кечаверганидан зерикиб, сафаридан қайтган дадамга ёлвордим.

– Дадажон, мени яна Фарғонага олиб бординг. Шоҳимардондаги оромгоҳ жуда маъкул эди. Маза қилгандим.

– Хўп, қизим, хўп. Сени обораману, лекин анави ваҳимачи аянг тағин юрагини ҳовучлаб ўтирмасмикин. Биласан-ку замбарак тўпига нишон қилишини. Бир ҳафта тугул икки кун бўлмай, қайтариб келинг, деб қисталанг қилиб қоладиган одади борлигини ҳам жуда яхши биласан шекилли.

– Энди демайдилар. Катта қиз бўлиб қолдим-ку ахир.

– Катта бўлган саринг менга ташвиш тушаяпти-да, тентак қиз. Бир четда сабзи кертаятган аям гапимизга аралашди. – Сен қиз, ниманиям ўйлардинг?! Яхши бор, ёмон бор...

Аям шундай деб ўзининг гапидан ўзи қаттиқ таъсир олди-ми, дув бўзарганча ерга михланиб қолгандек бўлди. Лаблари билинар-билинемас пирпираб қўйди. Дадам ҳам негадир мулзам тортгандек оғир кимирлаб, чуқур тин олди. Маълум бир вақт зерикарли сукут ва сукунат ҳукм сурганидан ичим тошдими, жимликни буздим. Сабрим чидамаса нима қилай ахир.

– Дадажон, нега ўйимизни “меҳмонхона” дейсиз?

Жим бўлиб қолган дадам қошини ғалати чимириб, қизаринкирашлик олгандек бўлди. Яна аям аралашди.

– Шуниям билмайсанми, қизим, – деди салмоқлаб. – даданга кўча уй, бу каталак меҳмонхона, билиб ол.

Ҳеч нима тушунмай ер остидан дадамга қарадим. У бўлса энди базўр кулимсираб, чап кўзини оҳиста қисиб қўйди. Аям сабзини тўғраб бўлди шекилли, ўрнидан аста қўзғолди. Увушган оёқларини оғир судраганча ошхонага йўналди. Ажаб, дадам қачонки сафардан қайтса, албатта, ош дамланади, ёки бўлмаса сергўшт чучвара тугилади.

Ўшанда дадамни ҳол-жонига қўймай тажанглигим ошганди, оромгоҳга оборасиз, деб. Бироқ дадам айтганимни бу сафар бажо келтирмади.

– Қўй энди, қизим, аввал мактабни битириб ол. Сўнг бирай ўла ўша ёққа ўқишга борасан. Бош омон бўлиб насиб қилса,

Ўзим ёрдам қиламан. Ундан кўра аянгга дастёрлик қил. Шўрлик қийналиб кетди. Мени кўриб турибсан-ку ахир, ҳар доим ҳам бўш эмасман.

* * *

Суюниб кетгандим ўшанда. Болалик қизиқишларим бироз чекиниб, ўй-хаёлимни фақат яхши ўқиш истаги эгаллаганди. Мактабни битирганимда эса, дадам негадир ўзини орқага ташлаб қолди.

– Қиз болага мусофирчилик ярашмайди, қизим. Қийналиб қоласан. Нима, Фарғонага боришинг шартми? Шу ердаям ўқисанг бўлаверади-ку!

– Йўқ! Ўша ёққа кўнглим чопаяпти. Ахир ўзингиз ҳам айтгандингиз-ку, ўзим ёрдам қиламан, деб. Майли, шу тарафидан ўйланаётган бўлсангиз хавотир бўлманг, дадажон. Мен ўзимнинг билимимга тўла ишонаман. Мана қараб турасиз, мен, албатта, имтиҳонларни аъло баҳоларга топшираман. Дугоналарим ҳам ўша ёққа отланишган. Хужжатларини тайёрлашаяпти. Фарғонанинг баҳаво, сўлим жойлар эканига қизиқтириб қўйганман. Шунча таърифларим, тавсифларимдан кейин ўзим биргаллашиб бормасам бўлмайди-да! Жон дадажон, хўп, дея қолинг.

Бу сафар аям негадир юмшаб қолди.

– Майли, мен-ку ўқиёлмадим. Ҳеч курса қизимиз армонда қолмасин, дадажониси. Борки орзу-умидларимиз шундан.

Аям гапираётиб дадамга илмоқли назар ташлади. Дадам бўлса маҳзунлик илашган нигоҳида негадир ер чизиб қолди. Ҳайрон бўлдим. Баъзида аям билан дадамнинг ўрталарида бўлиб турадиган шунақанги тагдор қочирим ёки учиримларга беҳос рўпара келинганида қандайдир уқиб бўлмас чигаллик белгиси кўрингандек бўларди-ю, ғалати ахволга тушиб қолаёзардим. Минг ўйласам ҳам барибир ақлим етмаслигини англаб, қайтиб бу тўғрида ўйламасликка уринардим. Шунақа пайтда негадир дадамга ич-ичимдан ачиниб кетар, негалигини эса ўзим ҳам билмасдим.

Аmmo-лекин ҳозир аямнинг илтифотидан дунёга сиғмай кетаёзим. Кувонмай бўларканми?! Фарғонага бораману, севинмай қаёққа?!

Аям ўзи Фарғонага бирга бориб, то хужжатлар топширилиб, имтиҳонлар натижаси аниқ бўлгунга қадар биз дугоналар билан бирга бўлди. Талабалик кувончи юрагимни ёрай дейди. Мендан ўзга бахтиёр одам йўқдек гўё. Ўзимни қаерга кўйишни, яна кимлар биландир севинчимни бўлишишни биллолмай сархушман. Ўқиш вақтини билгач, хурсанд уйга қайтдик.

Дадам сафаридан қайтганида бўйнига чиппа осилиб, суюнчилаганимдаги манзарани ҳеч-ҳеч кўз ўнгимдан кеткизолмайман. Дадамнинг кўзларидаги совуқ ҳорғинликка қоришиқ саросималик миттигина чақин чизиб, бир зумда сўнгандек бўлганди ўшанда. Тилидан аранг шилиниб узилган, қуллук бўлсин, қизим, изҳорини қандайдир сохталик, мажбурийликка ўхшаш ғалати тараддуд ва аллақандай ланж кайфият ҳисси эгаллаганди. Шунда кўнглимнинг бир чети беҳузур ачишиб, “Нега?”, “Нега энди?”, дегувчи оғрикли саволлар қамраб олганди. Эҳтимол, дадамнинг раъйига қарши чиққанлигимиз боис, шунақа қилаяптимикин, деган тасалли бу саволларни бироз кувалагандек бўлганди-ю, барибир, барибир кўнглим ғаш тортиб қолаверганди.

* * *

Қишлоқ хўжалик олийгоҳининг ён-веридаги қаватли уйлардан ижарага қўним топилгач, аям йўлга отланиб қолди. Кетар маҳалида қулоғимни пишириб қўйди.

– Билиб қўй, қиз боласан. Гулдек нозик маҳалинг. Унинг устига бегона жой. Ўзинга маҳкам бўл! Ўзим тез-тез хабар олиб тураман. Дадангаям тайинлаб қўяман.

Ўқишни минг энтиқишлар, чексиз ҳаяжонлар билан бошлаб юбордик. Бу дақиқалар бутун вужудимни ўз измига олган, ажиб ҳиссиётлар ва ширин хаёлотлар борлиқ сари гўё ўтдек сочилгандек туюлади.

Хонада тўрт қизмиз. Ой тўлар-тўлмас пахта йиғим-теримга карвон бўлиб йўлга тушдик. Даврон билан эса ўша ерда танишиб қолдик. Чунки курсдошлар бу пайтгача яқинроқ танишиб улгурмагандик. Биримиз у ёқдан, биримиз бу ёқдан бўлганлигимиз боис, ётсираброқ юрувдик. Бу ерда гўё бир оилага айланиб қолгандекмиз. Теримдан ҳориб қайтганимизда кечки овқатни тановул қилгач, ҳордиғимиз ёзилиши учун ўйин-кулгуга берилиб кетамиз.

Давроннинг ўйинга тушишини кўриб, рости, оғзим очилди-қолди. Бирам сакрайди, бирам ҳаракатлари ўзига ярашадики. Бирам... Шу ўтли кўриниш юрагимда қандайдир қизғониш ҳиссини чўғлантиргандек эди. Ўзим ўзимнинг вужудимда, дилимда кечаётган ажиб бир ўзгаришга лол қолган каби ғалати аҳволга тушиб қолаёзим. Кимнингдир тилидан Даврон тўғрисида бирор илиқ гап учса, негадир юрагимни бир нима ғашлантириб кўяётганга ўхшайверади. Мен шу исканжадаман десам, Даврон ҳам шу ўтли, аммо ёқимли тўлғонишда куяётган экан. Буни кейин билдим. Билдиму, вужудимга ўтлар баттар туташди.

* * *

Ўша куни кучли шамол туриб, дала шийпонида узоқ қолиб кетдик. Устига-устак совуқ кучайгандан-кучаяди. Эрталаб ҳавонинг илиқлигига ишониб, иссиқ кийимларимни олмагандим. Тушлиқдан сўнг, бирдан кўтарилган шамол жазавали қуюнга айланди-ю, ҳаммаёқнинг тўзонини чиқариб ташлашга киришди. Этларимиз жунжикиб, дир-дир титраймиз. Гўё қуюн ташқарида эмас, худди ичимизда фарёд солаётгандек қақшаймиз. Кенг дала ҳам гўё мунғайганча иложсиз қолган. Ғўза буталари кирпининг тиканларидек қуюн тароғига бош тутган каби бир томонга қад букиб, қорайиб кўринади. Кўримсиз, кенг хонада қунишиб ўтирибмизу, ойналари синик, у ер-бу ерига шунчаки шилдироқ қоғоз ёпиштирилган деразалардан кираётган гувиллаган аччиқ изғирин бадан-баданларимизни тешиб ўтгудек ачиштириб, қалтироққа кўмганча хонани обдон изғийди. Шилдироқ қоғозларни дами

қайтаётганида лабларида пирпиратганча масхараомуз хуштак чалиб кўяди. Совуқдан анчайин ўзимни олдириб қўйибман шекилли, буни пайкаган Даврон эгнидаги пиджагини ечиб, кўлма-кўл узаттириб юборибди. Унинг илтифотига имо билан эътирозли бош чайқадим. Унинг юзи қизаринқираб, сўнг бўзаргандек бўлди. Хафа қилиб қўйганимни билиб, камтарликни йиғиштирдим.

Бурчакка елка бериб ўтирган муаллима опамиз унинг ҳимматини кузатиб ўтирган эканми, тасдиқлагандек бўлди. Ўзига ярашиб тушган юпқа кўзойнаги ортидаги чиройли, ақлли кўзлари маъноли чақин бергандек бўлди.

– Даврон тўғри қилди. У ўзингни эҳтиёт қилишинг тарафдори эканлигини уқмадингми? Бу беғубор иродавий туйғунинг силсиласи.

Энтикиб кетдим. Ҳамма менга қарайди. Пиджак эса ростмана оловга йўғрилган каби бадан-баданга аллақандай қайноқликни сингдиришга киришгандек тафт беради. Ундан анқиётган ажиб бир бўй пахта ҳиди билан қоришиб, бошимни гир айлантираётгандек бўлади. Шунда аямнинг кечагина берган ўгити эсимга тушиб, ич-ичимга муз талқонлари дафъатан сочилгандек, совуқ сесканиб кетдим. “Қизим, энди оку қорани ажратадиган бўлиб қолдинг. Ҳаётда бўладиган хоҳ вужудий, хоҳ табиий бўлсин юз бергувчи ҳар неки ҳодисага ақл кўзи билан ёндошишни ўрган. Инсонда муҳаббат деган пок туйғу юракнинг туб-тубида яшайди. Ана шу ўтли ҳислар қаршисида янглишиб, унинг остонасида ўзингни, ўзлигингни йўқотиб қўйма. Айтмоқчи бўлганим, ёлғон ишққа алданиб қолма. Ҳамма ҳам бу ҳисларни ўзича тушунади. Шунини ёдда тут!”

Қизариб ўтирган кўйи кўз қирида Давронга қарадим. Қизик, худди шу лаҳзада унинг кўз қири ҳам менда экан. Юрагимда майин қитиқлар янаям жонланиб кезинаркан, ажабтовур қитиқловчи ҳислар жимир-жимир этади. “Ёмон одамларнинг боласига ўхшамайди-ку! Гаплариям мағизли. Анави юқори курс йигитларига ўхшаб ҳуда-беҳудага ялтоқланавермайди. Лекин бу хислатлари унинг юзаки кўриниши. Кўнг-

лини билиш учун нима қилиш керак? Билмадим, балким буни вақт кўрсатар. Унгача юракда талпиниш ҳисси уйғониб қолса-чи?..” Юрагим шув этиб кетди. Худди ички кечинмаларимни сезиб, обдон кузатиш истагига шайлангандек Даврон ялт этиб қаради. Кўзлар бир муддат тўкнашдилар. Тўкнашдилар-у, нигоҳлардан интиқ ўтлар сачраб, юзлар қирмизи лола янглиғ лов-лов ёнмоққа тутинди. Хаёлимдан, мунча чиройли бу кўзлар, мунчаям интизор бу нигоҳ, дегувчи ўйлар ўтиб, ўз хаёлларимдан ўзимни-ўзим қойиган бўлдим. “Эгнингга дўстона кайфиятда кийим илиб қўйганига шунча кўкка учимми?! Қиз бола босиқ бўлмаса, ўтли хаёлдан дили қисик бўлади, билиб қўй. Яна ўлдим-қуйдимга бел боғлаб қолма, тентак киз”.

Кўзлар беихтиёр уришганда пойгакда талтайиб ўтирган иккинчи курсдаги Марат кузатишга улгурган эканми, ўйноқи кўзларини маъноли сузиб, йиртилиб тушган лабларини йиғиштиролмаи ишшайди. Вой, ўл, ҳар балони кўради, бу олакўз. Анави, соямизга нукул якандоз тўшаб, довдираб юрадиган Ғулом бўлса чакчайганча кўз нишонини менга қадаб олган. Чувак юзи зувиллаб урилаётган изғиринданми, ё ўзининг беҳуда меҳри сеҳриданми бўзрайиб, уқиб бўлмас тусга кирган. Ёнидаги кўчма ошпаз Қиёмиддин (асли исми Қаюмжон) совуқдан кўкарган бурнини нукул шилдиратиб тортиб қўяди. Шу кесак кепатада тагин ўқдек тикилишига бало бормикин?! Ҳа-а, садқаи ошпаз кет-а! Ҳар куни шунинг қўлидан овқат еб, бизнинг ҳам эсимиз оған ўзи. Биттагина япасқи бурунни эпполмаса энди, қанақанги талаба бўлди бу.

Кечга яқин қишлоқ четидаги мактабнинг биз учун ажратилган спорт зали – қадрдон ётоғимизга томи очик юк машиналарда дийдираб, аранг етиб келдик. Қуюн кутургандан-кутуради. Ўчакишгандек чироклар ҳам ўчган экан. Ҳаммамиз зулмат қўйнида оғир мунғайиб қолдик. Устига-устак хоналар музхонага айлангандек этни баттар жунжиқтиради. Кечки овқатни қуйдириб, пайпасланиб то жойимни олиб олгунимча бўлмай, шипинтираган макарон ҳам музхонидан олингандек

совиди-қолди. Оч қоринга аччиқ сомса, деганларидек суюк макаронни ичиб-ичмай кўзгалдик-да, яхлаб ётган кўрпа орасига ғужанак бўлдиқ. Бир вақт кимдир бурчақдан ваҳимали писиллади-ю, ҳамманинг дами ичига уриб кетди. Бироқ зум ўтмай, таҳдидли дашномлар дўли остида қолиб, уни ўчди. Топган гапини қаранг, қизлар, бўрон қурғур гўристондаям шунақанги гувиллармикинмиш. Вужудимни совук тер босиб, жисмимнинг борки томирига кўрқинчли қалтироқ инди. Кўз олдимни алламбало қора-кура шарпалар эгаллади. Дилдорани маҳкам кучганча қапишиб олдим. Тишим тишимга тегмайди. Бу нафаси совукнинг онаси қаерда тукқан экан ўзи? Музлатгичдамикин?! Шу пайт ўзимнинг ҳам хаёлим қочиб, бир маҳаллар кўлимдан кўймай ўқиган Абдулла Қаҳҳорнинг “Даҳшат” ҳикояси ёдимга тушди. Шу ондаёқ Унсин образининг аччиқ қисмати ҳукмона гавдаланди. Оёқ-қўлларим негадир акашак тортди. Эҳтимол, анави қиз ҳам шу асарни хаёлига келтириб, беихтиёр муддаосини айтгандир, яна ким билсин.

Ҳеч ким миқ этмай, ҳамма ич-ичидан минг таваллолар исқанжасида кўмилиб ётган маҳалда тўрдаги эшик кўкқис тақиллагандек бўлди. Пойгакка яқин ётадиган қиз потирлаб ўрнидан турди шекилли, йиғма каравоти аянчли ғичирлаб кетди. Ялинчоқ товушда “Ким у?”, “Нима керак?”, “Нега индамайсиз?..” каби сўроқларни бодрата бошлади. Ташқаридаги кимса эса аксига олиб ғиринг демайди. Ахён-ахёнда зарб бериб эшик қоқди. Баъзида кулоққа чалиниб қоладиган мубҳам миш-мишлар миямни чулғаб баттар кўркувга солади. “Алвасти-палвасти бўлса-я? Кимнидир эсини оғдириб кўйган бўлса, тамом”. Дилдора ҳам бу сафар ҳеч қандай паноҳ бўла олмади. Хаёлий исён вужудимни чандон чулғганидан нафасим ҳам чиқмай қолгандек бўлди.

Куюн сира тиним билишни истамайди. Қайтанга кучайиб, юракларга баттар кутку улашади. Қаердадир улкан дарахт кўпорилиб куладими, даҳшатли қасира-кусир кулоққа чалинди. Шундан кўра шивалаб бўлса-да ёмғир ёққани афзал эди. Майли эди, ҳаммаёқни захлатиб ташлаганда ҳам. Узук-

кун ҳордиқ чиқарсак нима қипти?! Бироқ пахтага зиёни кўп-да ёмғирнинг ҳам.

Эшик бу сафар қанотлари сингудек зардали тақиллади. Бояги қиз қаттиқ кўрққан шекилли, ўзини ўрнига таппа ташлади. Унинг шахтидан каравоти оғир ғичирлаб кетди. Қизлар бир-биридан ўзадиган даражада кўрқинчли гаплар айтишиб, багтар ўтакани ёришга тушишди.

– Ён кўшнимизни куппа-кундузи биров чақиргандек бўлибди. Чиксамиш, ҳеч зоғ йўқмиш. Қайтишга тараддуд кўриб бурилган маҳал кимдир енгидан аста тортқилагандек бўлибди. Чўчиб қараса, тагин ҳеч ким кўринмасмиш. Кўринмасмишу хирқираган товуш қулоғига шундоққина чалинармиш. Қаттиқ кўрққанидан бир кечада шайтонлаб, оғзи бир томонга тортиб кетганди...

Яна бири гапга аралашди.

– Анави эшик қоқаетган ҳам ажина-пажина бўлмасин тагин.

Ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетди. Дилдорани янаям маҳкам кучиб олдим. У ҳам менга чиппа ёпишди. Эшик эса яна бир-икки тақиллаб, аста очилгандек бўлди. Кимдир ўта хурққанидан беҳос қичқириб юборди. Назаримда ҳамма бирдек тош қотди. Баъзи маҳалларда маҳаллий бўз йигитчаларнинг бемаврид найранглари, сурбетона ташрифлари юрагимизни обдон олиб кўйган. Айниқса, атайлаб уюштирган даҳанаки жанглари йигитларимизнинг ҳам асабини анчайин таранглаштириб, тажанг ҳолга олиб борган. Шунинг учунми, зийраклигимиз ошиб, эшикни бир неча жиҳозлар билан суяб, маҳкам тамбалаб кўярдиқ. Бу сафар манави жазавали куюндан кунушиб, уни тамбалаш хаёлимиздан тамом кўтарилибди. Ҳозир ҳам ўшалардандир деб ўйлагандиқ.

Кимдир ташқаридан бош суқиб, хижолатли, аммо хавотирни босадиган товушда ўзини таништирган бўлди.

– Қизлар, кўрқманглар, бу мен Давронман. Шам келтирувдим. Шунга...

Бурчакдан шаддодроқ қиз овоз берди.

– Вой, сизмидингиз? Боядан бери “Эшик қоққан ким бўлди?” деб ётибмизу, сиз бўлсангиз ўтакамизни ёриб... Биласиз-ку ахир қиз зотининг жони ипакдек ингичкалигини.

– Узр, қизлар. Ташқаридан ичкари тамом эшитилмас экан. Қуюннинг гувиллашида шу товушларинг ҳам аранг қулоққа урилаяпти. Уйғоқ экансизлар-ку, нега очмайсизлар?! Уйлабманки, “Фарғона зулмат қўйнида”ни ҳафсала билан мутолаа қилиб ётибсизларми, деб. Ҳай, майли, энди узримизни қабул қиласизлар-да!

Кимдир аралашди.

– Айтдик-ку ахир боядан бери сичқоннинг ини минг тангага қиммат тушиб ётганлигини. Зулмат қўйнида китоб ўқиб бўларканми? Қизик экансиз-ку!

Даврон эшитмадими, ё кесатикқа парво қилмадими, совуқ еган оҳангда хитоб қилди.

– Мана энди чўчимасаларинг ҳам бўлади. Аслида ҳайҳотдек хонага биттагина шам урпоқ ҳам бўлмайди, лекин бир далда-да ҳарқалай. Мана, олинглар!

Ўрнимдан зарб туриб, Давроннинг олдига қандай ётиб борганимни билмай қолдим.

– Менга бера қолинг!..

Бироқ ўзимнинг бу қалтис шаштимдан ўзим уялиб кетдим. Гўё тушимда кечаётгандек ҳайратланиб ҳам қолдим. Шам узатилган Давроннинг қўлини бехос ушлаб олибман. Унинг қўли ҳам пайпасланиб, менинг қўлимни эҳтиётлаб қисди. Қисди-ю, вужудимдан бир зумда жон чекингандек бир муддат карахт қотдим. Даврон ҳам, мен ҳам гувиллаб ёнмоққа ошиққан ўгли ҳисларимизнинг бандисига айлангандек эдик. Гўё қўлларимиз жипслашиб, сира ажралгилари келмайди. Совуқ изғирин гўё биз учун ўз таъсирини йўқотгандек. Гўё бизнинг қалбларни бирлаштириш учун атайлаб бош кўтаргандек эди.

– Эшикни ёпасизларми, ёки йўқми?! Бўлди-да энди!

– Ташқаридан ураётган қуюн кўрпаларимизни кўтариб, капалак қилиб ташлаяпти-ку! Ҳой, барно йигит, ташқаридан

беркитарсиз эшик жониворни. Шамнинг баҳоси шунчалик қимматми?!

Кўлимни юлқиб шамни суғурдим-да, изимга қайтдим. Ёноқларим лов-лов ёнади. Юрак шунчалик зарб бериб потирлайдики... Бу қандайин сеҳрли сирки, киши ақлини бир зумда жиловлаб улгурса. Баданимда ёқимли титроқ майин китик бериб жимирлайди. Ўртаниш азоби шумикин? Мунчаям ажойиб бўлмаса экан? Мунчалар эҳтиросли бўлмаса экан?..

Кўлма-кўл гугурт узатилди. Шамнинг ёруғлиги кенг хонани унчалик ёрита олмаса-да, юрагим олам-жаҳон чароғонлашиб кетганди. Гўёки ўзга дунё сарҳадида юргандек сезаман ўзимни. Деворлар юзида, гоҳо пастак шифтнинг зулмат илашган сиртида шамнинг заиф нури жонсиз кезинади. Беўхшов баҳайбат соялар қалқийди. Бу сояларнинг эгалари қоронғуликдан толиқиб, бир жойга тўпланишганча қунишиб олишган. Қат-қат кўрпаларга кўмилишганидан кучоқлари ўркач кўтаргандек дўппайиб, ўзлари хурпайиб кўзга ташланишади. Вақти чоғликка мавзу топилди шекилли, аллақайси йигитни мақтаб, аллақайсисининг устидан мириқиб мағзава тўкишади. Уларнинг шўх қийқириқларидан хона гумбурлаб, шумшайган соялар ҳар ён титроқли қалқиб-қалқиб кетади. Изғиб юрган кучсиз шабада шамнинг пилигини ҳар томон бош олдириб сескантиради.

– Анави Дўстматвойни бугун эрталаб тозагина чув туширдим.

– Вой, қандай қилиб, Гулноз. Тезроқ айт, йўкса ёрилиб ўламан ҳозир.

– Шошилтирмасанг-чи, Зулиш. Яхшиси, жимгина кулоқ тутинглар! Хуллас, боладим. Маҳаллага туташ ерда пахта тераётгандик. Мундоқ қарасам, пастаккина гувалак девор ортида чойнакдай-чойнакдай келадиган анорлар кўзни камаштириб, ёрилиб-ёрилиб ётибди-ку! Йирик-йирик дончалари нақ дур тўкиб, кўз ёш қилаётгандек кўриниб кетдики, асти қўяверасиз. Оҳ, оғзим шу заҳотиёқ сув очиб кетса бўладими! Бир тотмасам гўёки гуноҳнинг остида, савобнинг ортида қоладиганман қарасам. Оғзим сув олганини укқандек

ҳар доим этагимга ёпишгудек эргашадиган Дўстматвой акамлар ўйлаб ҳам ўтирмади, бир нимадан тап тортиб ҳам қўймади. Бўйинтуруқдек этагини бандидан бўшатди-да, девлардек наъра тортиб энасининг чорбоғига ошиққан болакай каби бир сакрашда анорга лиқ тўла ҳовлида қора кўрсатса бўладими. Оғзим ланг очилганидан қотибман-қолибман. Шундайин мағрур, масрур йигитимиз борлигидан, очиги, ғурурланиб ҳам кетибман. Шу дегин, беш-олтита анорни девор ошириб узатишини биламан, бирдан оёғини тапир-тупур қилиб, чувак юзлари буришиб, кўзлари ола-кула бўлиб додлаб юборса бўладими!.. Кейин... Йўқ-йўқ, у ёғини айтолмайман...

Қизлар ичаклари узилгудек бир-бирларини шўх шапатилашиб қаҳ-қаҳ отишади. Ичларидан қайси биридир созланмаган сурнай каби узун чийиллаб кулиши дугоналарни янаям жунбушга келтиради. Шифт узра ёйилган баҳайбат соялари лопиллаб чайқалади.

– Чироқ ўчмаганида кўпкак билан мардларча олишган ботир акангнинг иштониға ямоқ солиб ўтирган бўларминдиг, Гулноз.

Яна кучли кийқирик қўпди. Мен эсам шам каби титраб, ишқнинг илк учқунидан тутаб, ажиб хаёлларга ғарқ бўлганча сархуш ўйлар сураман. Кўз олдимдан Даврон сира нари кетмайди. Қуюн шабадаси юзини ялаб, сочларини бесаранжом тўзғитганча қўлимни тутиб туришини сира ўнгимга алмашолмайман. Гўё тушга, ширин тушга ўхшайди. Анави чекка-чеккадан қочирим қилган қизларни шу пайтда ўлгудек ёмон кўриб кетдим. Эшикни ташқаридан беркитинг, шамнинг баҳоси мунча қимматмиш. Ҳе, ўл, бошқа гап тополмаган бўлсанг, мум тишлаб ўтиравермайсанми? Атайлаб сен ғуракнинг ғамини еб, аллақайси тешик-тервақдан шам топиб келса-ю, бурнинг бичилиб нози-фироқ қилсанг! Ана, шумшайиб кўрпасига кўмилганлар энди кўнглиларига нуриниб, кийқириб ўтиришибди. Шу хаёлий танбехлар дилимни тилиб ўтаётиб, ўзимга нисбатан номусли даккени шаънимга қаратиб отди: “Намунча ўзлигингдан кечмасанг! Жилла курса иффат, ибо бормикин, сен нодонгинада. Қаёқдаги ташландик

хисларга банди бўлиб, шунчалар ҳам нозланиб ўртанасанми?! Синалмаган от ҳар томонга йўрғалайди. Ўзига оғдириб олгач, ортидан чопқиллатиб юрмасин тагин. Кўзингни оч, тентак қиз. Енгиллик яхшилик келтирмайди, аксинча чигалликка боғлайди-кўяди”.

Ўзимни Даврондан қанчалик узоқ олиб қочсам, оловга йўғрилган жизғанақ хислар шунчалик у томон тортқилайди. Тинимсиз етаклайди. Бу қандайин сеҳрли тилсимки, ўз-лигингни бор қуввати билан банд этган бўлса? Даврон ҳам мен каби хушхаёл эканми, нигоҳини мендан сира узолмайди. Менинг нигоҳим эса ўз нуқтасидан чекиниб, атрофда сарсари кезиб қолади. Бир нуқтага жамлашга қанчалик уринмайин, ҳеч бўй бермайди. Илк бор висол чашмасига қалб қулф урганда, ишқнинг пилпиллаб тутаётган учкуни пов этиб ўт олди-ю, вужудимда даҳанаки ҳиссий олишувлар туғғени тинимсиз титроққа тушганча бош кўтарди. Синалмаган отнинг сағрисига қамчин уриб қўйганимдан лолу хайронликда қолдим. Ишқ ўтининг қайнови рашк тиғининг пойида ҳамиша муте, ҳамиша таъзимда эканини бошидан ўтказган кимсагина билади, холос. Давроннинг исмини бирор қиз зинҳор ва зинҳор тилига олмаса. Бирор қиз иложи борича кўз урмаса. Шу ҳол юз бергудек бўлса борми, юрагим аламли ўтда қовурилиб, жисмим қилич дамида тилка-пора бўлишга тутинади...

Азоблар чангали
(Эркиннинг ҳикояси)

Машинани гаражга қўйиб уйга қайтарканман, кўчамиз муюлишидан бурилишим ҳамоно дарвоза олдида қайсидир кўшни дугонаси билан хушхандон чакчаклашаётган Ҳалимага нигоҳим тушди. У мени кўрди-ю, суҳбатини қисқа қилганча илдам пешвоз келиб салом берди-да, кўлимдаги лик тўла тўрвани авайлаганча олди. Қулфи дили очилиб-сочиблиб, йўл-йўлакай суюнчилади.

– Дадаси, бу Давронингиз жудаям дидли чикиб қолди-ку! Вой-й, кечагина кўйлагини чайиб кўйиш илинжида чўнтагини кавлаштирсам, манави сурат лоп этиб чикиб турибди-ю! Оймисан ой! Қошларининг пайвасталигини-чи қақажоннинг. Ўғлингизникиям шунақанги-да, а, дадажониси. Бир-бирларига бирам куйиб кўйгандек ярашиқлики. Сиз ҳам бир кўриб боқинг, қойил қолмасдан иложингиз йўк.

Дарвозадан кирарканмиз у чўнтагини титкилаб, қафтдек ҳажмдаги бир қизнинг суратини энтикканча узатди. Суратга шундай кўзим тушди-ю, кучли бир қалқишдан эсхонам чикиб кетаёзди. Э, воҳ, ахир бу... Тушимми, ўнгимми? Кўзларимга ишпонамай бор кўз нуримни зўриктириб, яна ва яна тикилдим. Беихтиёр ортини ўгирдим. “Д + Г”. Бир нима чийиллаб келиб қулоғимга зарб бериб урилди. Гангиб кетдим. Тақдир зарбаси шунчалик ҳам чигал тўсиқларга рўбарў қиладими?! Пўкак мисоли тубсиз бир гирдобга ташлаб, аёвсиз айлантирарканми?.. Ҳалима бўлса ҳамон жонсарак. Оғзидан муттасил бол томиб мақтанади.

– Чиройли қиз рўзгорниям чиройли тутади, эрниям. Менга жуда ёқди. Нима дедингиз, дадажониси. Намунча энди суқланиб қолмасангиз? Ёқиб тушди шекилли-а? Айтганимча бор эканми?

Қанийди, қанийди, сен айтганчалик бўла қолса экан, жон онаси. Бўлмайди-да! Бўлолмайди-да! Ахир... Эҳ-х, энди қандок қилдим, мен нодон, нима қилай энди? Тоғ тоғ билан учрашмас экан-да! Кўз олдимда аллақандай айқаш-уйқаш ўтли чизиклар, виқирлаб қайнаётган аллаббалолар учиб, юрагимга ўйноқи беҳушлик хуруж қила кетди. Бояги чийиллаш аста-секин товушини баландлатиб, тўс-тўполон кўтаришга тушди. Ичимдан бир нима узилиб, ташқарига кўкқис отилгандек бўлди. Дов-дарахтлар, уйлар, Ҳалима, барча-барчаси чириллаб айлана бошлади. Кўзимни чирт юмдим. Юмдим-у, ёруғликдаги аксининг зулмат томирлари миямгача чандиб, зириллатиб ташлади. Мана, мана, ўша машъум куннинг захарли ялови. Шундан кўра, шундан кўра ер ёрилиб ютса бўлмайдими мени! Оёқ-қўлларим дағ-дағ

титрайди. Кимдир қўлимга илон каби чирмашиб ёпишди. Кўзимни беҳол очдим. Ҳалима қўлидаги тўрвани ташлаб, менга қалқон бўлаяпти.

– Вой-й, дадажониси, бирпаснинг ичида сизга нима бўлди-а? Хай, менгина ўлай...

Ҳалиманинг товуши узоқ-узоқлардан эшитилади. Наҳотки, наҳотки шу рост бўлса? Энди нима бўлади? Одам бўлиб... Мен ҳали одамманми, отаманми?! Шундан кўра ўлганим минг бор афзал эмасмиди?! Ич-ичимни бир нималар кемиргандек аччиқ кавлаштириб, томир-томирларимни юлқилаб-юлганча жон суғура кетди. Қанийди, қанийди-я, жон-жонимни тезроқ суғуриб олса! Қанийди, тезроқ қутулсам шу кети кўринмас азоблардан. Бу оғриқлар, бу азоблар нима бўпти?! Менга деса нариги дунёга боргучи абадий агалмиш руҳим парча-парча бўлиб кетмайдими?! Қора кунга кўмилган номим ўчиб, нари бўлмайдими?! Бўғзимни бўғаётган аллақандай сиртмоқ эринмай нафас тўсади. Ундан ҳам яхши. Янаям мендек расвони шу кунгача елкалаб, ҳатто турли бало-қазолардан ҳам асраб-авайлаб келаётган заминнинг паққа ёрилиб битмаганига минг афсус. У ёғига жаҳаннам қаърига ташлашсаям кам.

Ҳалима бир амаллаб айвонга олиб кириб ётқизди-да, зум ўтмай аллақандай аччиқ дорини оғзимга тикиштирди. Шундан кўра захар ютсам бўлмасмиди, захар?! Кули кўпирган дардимдан беҳабар совуқ чой тутаркан, ўзини-ўзи қийи кетди.

– Менгина ўлай, чарчаб келган одамни оёққа турғизиб қўйиб валақламай. Хотин кишининг гапи курсин аччиқ ичак бўлмай. Шу пайт ташқаридан гўлдираган овоз эшитилиб, Ҳалимага жон кирди. – Вой, келдингми, Давронбек, болажоним. Намунча энди ҳаялламасанг? Даданг келдилар. Аксига олиб мазалари қочиб қолди. У ўрнидан даст қўзғолди. – Сен дадангнинг ёнларида бўлгин, мен ҳозир. Қани, ичкари кир. Боя мастава солгандим. Аччиққина қилиб сузиб келаман.

Шошиб кириб келган Давронбек ёнимга тиз чўкиб, қўлимни маҳкам ушлади.

– Тузукмисиз, дада. Нима бўлди? Дўхтир чакирайми?

Ох, бу овозлар! Ох, ўғлим! Сенга қандоқ тушунтирсам экан юрак дардимни, жон ўғлим. Мен баттолни кечирарми-кансан, Гўзал-чи? Мен-ку шайтонга бир умр банди бўлдим. Сен-чи? Сен-чи, ўғлим, сен нима қилиб кўйдинг? Гўзал-чи?..

Оғриқлар тугуни
(Давроннинг ҳикояси)

Қизиқ, дадамга нима бўлди? Кўзларида ёш ғилтиллади-ми? Ҳеч бундоқ бўлмасди-ку! Дўхтир чақирай, десам, кўнмади. Эҳтимол, ишхонасида бирор-бир дилхиралик бўлгандир. Шуни кўтаролмадимикин? Ё бирор жойи оғриб, шунинг таъсирига дош беролмай қолдимикин? Ахир танаси дард чеккан одам билади азоб нелигини!..

Бугун кайфиятим жуда сархуш эди. Гўзалнинг кўнглидаги истагини қойилмақом қилиб, аввал кинога, сўнг эса музқаймоққа йўл олдик. Мириқиб “ҳордик” чиқардик. Уйга келсам, бу ахвол. Умрим бино бўлиб дадамнинг оғриб, кўрпа-ёстик қилиб олганини энди кўришим. Ростини, кўзларимга ишонмадим. Чунки ҳар доим бир хилда кўравериш, кўзим кўникиб кетган эканми, худди бундай бўлиши мумкин эмасдек ғалати-роқ туюлди. Бир томони ачиниш ҳам кетдим. Бизни деб сира тиним билмайди. Қачон қарасанг, ё сафарда бўлади, ё таъмирда. Эсимни танибманки, бирор марта бўлсин меҳнат таътилини тин олиб ўтказганлигини билмайман. Доим иш билан банд. Шунақа одам оғриб турса, очиғи ғалати бўларкан.

Дадамга тикилиб ўтирибману қандай далда беришимни, не қиларимни, қай йўл билан кўнглини овланиши билолмай довдирайман. Шу топда нигоҳим дадамнинг лаби устидаги бўртиброқ қолган қорамтир холига тушди-ю, лоп этиб Гўзал кўз олдимни чизиб ўтди.

Сойнинг бўйидаги мажнунтоллар соясида у менга, мен унга унсиз, аммо майин жилмайиб, хуморли тикилишиб турибмиз. Гўзалнинг доимгидек қувлиги тутди шекилли, ўртадаги жимликни бузиб, қикирлаганча эндигина сабза ураётган

мўйлабимни майсанинг ингичка новдачаси учиди сидириб китиклади.

– Менинг дадамлар ҳечам мўйлов кўймайдилар. Биласизми нимага?

– Билмаганимизни тўйдан кейин билиб оламиз-да, яхши киз, – дедим қувлигим тутиб. – Ё кўсаларми Саривейга ўхшаб.

Саривей курсдошимиз. Иягида бир дона бўлсин туки йўк, кирғиз йигити. Яна бири бор, Қаюмжон. Саривейнинг тамом акси. Бирор кун соқол қиртишламаса, маймун нима, у нима, сира таниб бўлмай кетади. Аммо-лекин у билан адашиб ҳаммомга кириб қолган кимса, албатта, қаттиқ саросимага тушиб қолиши шубҳасиз. Қаршингда жундор ибтидоий одам турганидан кейин, қайтиб боқишга чўчийсан-да киши. У яна кирғиз дўстимизга: ”Онанг қайда туккан?”, “Қандай қилиб?”, “Сўраб боқ-чи қандай тупроқлаганини”, деб сира ҳол-жонига кўймайди.

– Ҳай, йўғ-ей! Гўзал ўнг лабим тепароғини кўрсаткич бармоғи билан эркалабгина қиртишлаб кўйди. – Шу ерларида мошдеккина холи бор. Мўйлаб кўйсалар хурпайиброқ қолади. Шунинг учун кўймайдилар, билдингизми?

– Ҳа, ана энди билдим. Шунақанги одамни қаерда учратсак, бемалол, дадажоним экансиз-ку, деб кучаверамиз-да энди.

Гўзал қийқириб кулди. Шу топда кўз олдимда негадир дадам жонланди. Ие, бу эчки киз дадамни кўрволиб, бошни айлантираётган бўлмасин тагин. Мениям шумлигим баттарроқ тутиб қолди.

– Хоним, мабодо дадангизнинг чап қошлари четида андаккина чандиклари топилмайдими-а?

Қизик, Гўзал менга бир зум ғалати анграйиб боқаркан, чиройли киприклари пилпиллаб қолаёзди.

– Вой, анави болани! Қаердан билдингиз?

Қизишиб кетдим. У ҳайратдан янаям қотди.

– Кўзлари қоп-қора. Юзи эса буғдойранг. Сочни меникидақанги сип-силлик, ҳам текис. Гажакланиб бўйинларини

китикламайди демоқчимаң-да, момо қиз. Бурни харқалай кирралироқ. Лекин ўзига чиппа ярашиб тушган-а. Гавдасига келсак, иккимизни бирлаштиргудек йўғонликда десам, янглиш бўлмас. Аммо бахтга қарши қорин солишга улгурмаган. Аслида ёқтирмайдилар. Шундайми, ё давом этаверайинми?

– Ана холос, бу ёғидан суриштирилса, тоза авлиё экансиз-ку! Ҳай, тўхтанг, вой, айёр-ей. Дадам ижара ётоғимизга келганларида қизлар кўришганди, шулар таъриф беришган. Шундайми? Муғомбирлик қилмай, чинини айтинг!

– Бекорларнинг бемазасини айтибсиз! Ўзим биламан. Ҳали дийдорлашмай туриб, қайнотанинг қиёфасини билмаган, тасаввур қилмаган йигит куёвликка даъвогарлик қила олмаслигини аждодларимиз мерос қолдиришган бўлса не ажаб, хонима жаноблари.

– Ҳозирги куёвларнинг қаршисидан уят деганлари паранжи ёпиниб ўтса не тонг, бегим.

– Агар истасалар, нечанчи ҳажмда туфли илишларигача айтиб беришим ҳам қийин эмас. Фақат, фақат минг ҳайрат ва чеки йўқ қизиқишда назр-ниёз қилиб юрмасинлар тағин. Камина бундан бегонамен.

– Хўш, башоратларига бажонидил такаллуф билдирмасак, гуноҳ бўлғай чоғим.

– Туфлилариким, бироз шошинқирамай турсалар, тасаввуримда чизги топмиш далолатларни баён қилмоққа жазм этишга ҳозирлик кўрадурмен. Шу десалар, хушимда эрмас, тушимда кўрмиш чоғимда, гар адашмасам, муборак оёқларига-да дадилроқ разм солмаганимдин минг бор афсусдамен, муҳтарама Гўзалина олиялари. Камина дўстёрдир, ғаним каби-и оёққа қарамайдур. Аммо-локин тасвир топмиш тасаввурим панд бермаса магарам, ул қайнотани бузруқворимиз...

Гўзал бирдан жонланиб, қиқирлаганча чапак чалишга тушди.

– Тополмади кал-кал! Тополмайди кал-кал! Ҳозир бориб чақимчи Дилдорани узиб-узиб олмасам юрган эканман. У менинг узоқ ўйга толганимдан бир қадар қувонаркан, мазахомуз шарақлаб кулди. – Вой, ўлмасам, бу нима Топқирвой бў-

либ қолдилар десам, сойнинг бўйида турганлигимиз фойдага ҳал бўлаётган экан-да! Эссиз, сув парилари кулоқларига нени шивирласалар, шуни кўз юммай валдирайвериш ҳам йигит кишига ўнг келаверар эканми-а? Ё сертакаллум мунозараларига ҳалақит бериб қўйдикмикин, жаноб.

Парво қилмагандек жавоб йўлладим.

– Умрлари узоқ бўлгуси қайнотамиз бежирим пойафзалларини-да катта ҳам эрмас, ўтакетган кичик ҳам эрмас, роп-па-роса қирқ иккинчи ҳажмда табаррук оёқларига-да пойқадан санар эрмишлар.

Гўзал, вой, деганча кафтларида оғзини тўсди. Гапларим пичингга ўхшаб туюлдим, бирдан қовоқ уйди.

– Биринчидан “қайнотамиз“ деб узоқлардан ўтлаб келмасинлар. Иккинчидан эса, дадамларнинг оёқлари паншаха эмаски, туфли илсалар экан. Тушундиларми, мулла йигит. Лекин одамгарчилик юзасидан, гарчанд аллакимларнинг шипшишларига банди бўлиб берган ахборотлари учун ўз ташаккуримни билдириб ўтмасам инсофдан саналмаса керак.

Тусмолим тўғри чикқанидан бир томони мамнун эдим. Ажабтовур алпозда шарақлаб кулиб юбордим, бироқ Гўзални юмшатиш учун бирор жўяли сўз тополмай каловландим. Бир зум ҳушимни йиғолмаганга ўхшаб тургач, кулгимни аранг босиб, ўзимни ўнгладим.

– Ҳозир боринг-у шўрлик Дилдорани шунақаям чимчилангки, токи чақимчиликни бас қилмагунча. Эртага ўзим кўкиштоб яра-чақаларини боқтириш учун тўппа-тўғри дўхтирга олиб бораман. Сўнг келса-келмаса ўн беш қабалида ашъор ўқигим келиб кетди:

*Жароҳатдин тана бўлсаки пора,
Табиб малҳам бўлур, хоҳ у девона.
Суяксиз тил эрур, жаҳонда мутлоқ,
Асрамас экансан, дилдир вайрона.*

Маъкулми, маликам.

Гўзал кекдан кечиб, сочилиб-сочилиб кулди.

– Шоир бўлиб кетинг-е, мавлоно. Эссиз, бу олийгоҳга адашиб оёқ урган эканлар-да! Зар кадрили билмаган ношуд заргар.

– Аслида-ку, зардан ҳам, заргарликдан ҳам олисдамизку-я, бироқ имкони туғилса шоир бўлишгаям тўғри келади-да, ази-зам. Агарким, қовоқ-тумшукларига кулф осмасалар.

У шодланиб кулди.

– Ў-ў! Тоза наво айларкансиз гулин кўрибон,
Ишқида қад ростлаб, васлин сўрибон.

– Эҳ-хе, бизлар ҳам юрган эканмиз-да таёқни от билиб,
кўча чангитиб. Қойил-е, қойил!..

* * *

...Дадамга ҳардамхаёлликда термулиб ўтирарканман,
унинг оғрикли инграгани қулоғимга чалиниб, хушёр тор-
дим. Янаям яқинроқ чўккаладим.

– Дори ичасизми, дада.

У оғир бош чайқади. Шу пайт ошхонадан аям чиқиб кел-
ди. Кўлидаги гулдор патнисда хушбўй ҳовури кўтарилган
мастава ҳар чайқалганда пахта гулли чинниларнинг лабини
ялайди.

– Дадажониси, қайноқ-қайноқ ичиб олинг, дармон бўлади.
Чарчоғингиз ҳам ёзилади. Атайлаб қора зирк, мурч солган-
дим. Аччиққина қалампири ҳам бор. Сен, Давронбек, овқат-
ланиб, дарсларингни тайёрлайвер. Даданглардан ташвиш
қилма. Йўл азоби ёмон-да, кишининг тинкасини тарападек
курутиб ташлайди.

Дарсимни қиляяпману кўзларим ачишиб, юмилиб-юми-
либ кетаяпти. Худди қовоқларимга тош доначалари бостирил-
гандек, ҳорғинлик куч берди. Эшилиб ўрнимдан турдим-да,
бориб жойимга ётдим. Укам келмасидан ухлаб олмасам, қа-
ёқдаги хориж тўполончиларининг олатасир кўшиқларини
кўйволиб, уйқунинг белига тепади. Яна бир-икки “дум”ини
йиғиштириб келишига нима бор экан? Боз устига жазавали
қилпанглаб, дискотека уюштириб ҳам қолишади. Вей, хуна-
рингдан сенларни!

Тавба, ҳозиргина дўлдай бостириб келган уйқу аллақайга гум бўлгандек сира шира бойламайди. Гадоё ҳам истамайди-ган қаёқдаги телба-гескари хаёллар чуваланиб ўз исканжасига олди-ю, узлуксиз қийноққа сола кетди. Бемаза ўйлардан зерикиб, кўзларимни чирт юмдим. Ҳарҳолда мискин хаёллар ғалаёни ипирилганча из йўқотди-ю, ўрнини Гўзалнинг энтиктирувчи қиёфаси эгаллади. Ҳозир нима қилаётибди экан? Эҳтимол, мен ҳақимда хаёл суриб ўтиргандир. Балким юлдузларга сир бўйлаётгандир. Ой билан ширин суҳбатлар кураётгандир эҳтимол. Яна ким билсин.

Ажаб, бояги тахминим ҳақиқатан ҳам тўғримикин? Қовоғини уюшини-чи, бу сулув дилбарнинг. Янаям бўй тортиб кетаркан лекин. Ҳаётда ўзинга ёкадиган кишингни учратсанг, юрагинг бир қадар тошаркан-да. Шунда биларкансан ҳали бу вужудда уйғонмаган ҳис-туйғулар бисёрлигини. Нима учун курашаётганлигингни кўнглингга ишқнинг илик нафаси текканида, кейин эса бу илиқлик ҳаяжонли қайноқликка йўғрилиб, бор-будингни англаб бўлмас ажибликларга тўлдириб ташлаганда биларкансан ўзлигингни. Юрагингга жойлаган дилбарни ҳам қалбан, ҳам хаёлан ўзга нигоҳлардан асраб-авайлаганингда минг тур кўчаларга судраб қўймайдиган бераҳм рашк чангалларида гоҳ ҳардамхаёл, гоҳи дунёга сиғмайдиган ҳолатга тушаркансан. Гўё ҳамма сендек суюлган, сен каби қийноқдадек ўтли кўриниб кетаркан. Ҳаммаёк гўзал, фусункор, ҳамма нарса сен учун яралгандек роҳатбахш. Шуларни ўйлаб ётиб, кўзим аста уйқуга илинганини сезмай қолибман. Тушимда бир балоларни кўриб, кўкқис бақириб юбордим шекилли, чўчиб уйғониб кетдим. Диванда узала тушган укам норози ғингшиб, кўрпасини боши қадар тортганча ғужанак бўлиб олди. Қафасида потирлаган юрагим баттар забтига олиб, томоғимгача келиб урилади. Нафасни қайтартиб, оғир энтиктиради. Оғзим батамом курукшаб кетганидан ютинсам томоғим чиппа ёпишиб, хунук тақиллайди. Бошимнинг қаттиқ сирқирашига чидолмай, инграб ўрнимдан тургандим ҳамки, бўғзимни ёргудек ачимсиқ бир нима ичимдан тошиб келиб, қайд қилар даражада тепчиди-ю, кўнглим-

ни баггар беҳузур қилганча димоғимга кўшиб, кўзларимниям йиртиб ташлагудек зарб берди. Энкайганча ошхонага йўналдим. Ташқаридан тушиб турган чироқнинг ёруғлиги ҳам негадир ғашимни тепкилайди. Совуқ чойдан пиёлага куйгани сабрим чидамай, чойнакнинг чумагидан кулқиллатиб сўра қолдим. Ҳарқалай ташналик ва беҳузурлик босилиб, бир муддат каловланганча тебраниб турдим-да, ҳушимни бироз бўлсин жамлагандек бўлдим. Бош оғриғиям ҳарҳолда пасайди. Ҳовлига тушдим. Юзимга гуп этиб совуқ шабада урилди-ю, вужудимга ғалати титроқлар солиб ўтди. Ўрик дарахтининг остида бандидан барвақт тўкилган кўм-кўк ғўралар ҳар ёнда бесаранжом сочилиб ётибди. Уларни ғарч-ғурч босганча бориб, совуқ сувда юз-кўлимни чайарканман, танам яйраб, эркин нафас ола бошладим. Қизик, дунёга келиб илк бор тонг қай тусда отишини кўрдим. Оппоқ тонг кумуш кокилларини бир чимдим, бир чимдимгина ёйганча аста оқиб келаяпти. Шу пайт бу кузатувимни чарс-чурс этган товуш бузганидан қайрилиб, тандир томонга қарадим. Тиниб-тинчимаган аям сахармардонлаб нон ёпиш учун ўт қалаётганини кўрдим. Демак, ҳар доимгидек қайноққина варақи сомсаям ёпилади. Бу тайин. Яна қанақа сомса, ичида қилқиллаб турган юмшоққина гўштли, момик думба ёғли. Дадам шуни хуш кўрганиданми, қачонки сафаридан қайтиб келса, аям, албатта, шу удумни унутмайди.

Дадам узоқларга қатнайдиغان юк машинасини ҳайдайди, музлатгичиям зўр лекин. Шу пайтгача иш режимини ҳеч тушуниб етолмайман. Ўзи айтмоқчи, бизнинг уйимиз аслан “меҳмонхона”. Гўзалнинг дадасиям шунақанги машина бошқараркан. Шу ёқларга қатнайди, деганди бирда. Эҳтимол, дадам уни танир. Эҳ, қанийди, қанийди бир-бирларини танишганда. Аммо-лекин зап иш бўларди-да ўзиям. Гўзалга шунақанги қойилмақом сюрприз тайёрлардимки, аммо ўзиям ҳайратдан ушлашга ёқасини тополмай ҳам қоларди, ёки кула-кула қотарди.

Бир зум тандирдан ёғилаётган қизғиш олов шуъласига, сўнг туйнукдан бурқсиб ўрлаётган серучқун қоп-қо-

ра тутунга термулиб турарканман, дафъатан кўрган тушим хотиримга ёпирилиб, юрагимни ғаш торттирди. Боя эслолмагандим. Ҳозирда негадир совуқ тус олиб, кўз олдимни қоронғулаштирдими, ё дахшатли тасвирлар ўз аксини бериб ўтдими, англолмадим. Тавба, тушга нималар кирмайди-я. Булутлар устидаям учарканми, одам дегани. Мен кезган булут окмиди, қорамиди, эслолмадим, аммо момиққина нарсанинг устида уча борганимни аниқ биламан. Сузиб бораётган пайтимда бирдан шиддатли бир куч тўзон каби тўзиб, чирпирак қилганча аллақайгадир улоқтириб ташлади. Шунда нафасим узун чўзилиб, пастга шўнғиганимни илғадим. Шувиллаб тушаяпману, ер юзига ҳеч етолмайман. Ажаб, мен нима аҳволда-ю, ер бағрини оловранг лолазор қоплаб, диққатимни ўзига чунон тортади. Умрим бино бўлиб, бунақанги ажойиб манзарани энди кўришим. Янаям яхши. Бир кучоқ териб Гўзалга бераман. Хурсанд бўлади. Энтикиб кулочимни очишим баробарида дамим қайтиб, юрак-юрагимга безовта ўйноқилик инди. Базўр типирчиладим. Жон қийноғи билан пастга қарадим. Қарадим-у, лолазор четида Гўзални кўриб ҳайратим ошди. У нима қилапти бу ерда? Шунча бақираман ҳамки, қани энди эшита қолса экан. Мен томонга ақалли бир қур бўлсин қиё боқиш хаёлигаям келмайди. Хомушгина кайфиятда лолазорга маъносиз термулиб турибди. Бир маҳал унинг олдида кучли шамол кўтарилиб, лолазор ўзидан бирор асар ҳам қолдирмай, аллақайга бош олиб кетгандек бўлди. Ўрнини кўз очиб юмгунча вақт ичида тўзонли манзара эгаллади. Тузукроқ қарасам, аллақандай турли русумдаги машиналарнинг пачоқланган туслари аралаш алламбало суяк қолдиқларига тўлиб-тошган ўйдим-чукурликлар кўзга ташланди. Юрагим бирдан қалқиб, орқага тортиб кетди. Эсим оғаёзганидан ортиқ қарашгаям ботинолмай турганимда бошим узра кучли чақин қарсиллаб, осмон сурпасини бемаврид қоққандек бўлди-ю, на ўтли чизиклар тортди ва на бир сидра олов пуркади. Фақат зулмат чандилган сояга ўхшаш шуълалар ўкдек учиб ўтиб, ерга санчилдилар.

Жон-поним қолмади. Жонҳолатда Гўзални излашга ошиқдим. Бироқ шафқат туйғуларидан беҳабар қандайдир қўл ич-ичимдан ичагимни шахд титкилаб, суғуриб олгандек бўлганида жон аччиғида бақириб юбордим шекилли...

Оғир ўйга толган эканманми, аямнинг беҳос берган сўровидан чўчиб тушдим.

– Турдингми, Давронбек.

– ...А? Ҳа-а!.. Дадам тузукмилар?..

– Шукр. Аммо куюнишларимгаям қулоқ осмай, ишга жўнадилар. Шу аҳволда нима қиларканлар, қандай ишлаб оларкинлар, ҳайронман. Ўзи энанг дадангларни ўша ишхоналарида дунёга келтирганлар. Танглайини ўша ердагилар кўтаришган. Аям маъюс тортган юзини дарҳол ўзгартириб, таънаомуз кулимсиради. – Сал бўлса эсимдан чиқай дебди. Сен шайтон ҳам бир оғиз очмайсан, ўтакетган димсан. Айтмасанг ҳам кўриб билдим. Нима, дард ёрсанг, тилингни чўқилаб олармидик?! Сениям сиринг ичингда ҳазм бўлаверади дадангга ўхшаб. Аммо-чи, менга жуда ёқди. Истараси иссиққина экан. Истарали одамнинг диди ҳам ўткиргина бўлади, ўғлим.

Шамдек қотдим. Анграйиб қолганимни пайқаган аям нимчаси чўнтагини кавлаштириб, бир нимани авайлаб узатди. Олдиму, юрагим орзикиб кетди, ҳам ички талвасада ўзимни йўқотиб кўйишимга бир баҳя қолди. Ахир бу Гўзалнинг сурати-ку! Уятдан дув бўзарганча шошиб ўзимни уйга урдим. Аям ортимдан ҳазил дашном берганча қолди.

– Тумшуғинг солинмай қолсин. Бир кунмас-бир кун барибир билардим-да, жиннивой.

Аям каердан топиб олди экан? Титкилайдиган одатлари йўқ эди-ку! Тўхта-тўхта, тунов куни эрталаб кўйлагимни алмаштирганимда, аям чаймоқчи бўлиб... Эҳ, каллаварам!.. Ҳамма сир ошкор бўлди-ку энди. Қай кўз, қай юз билан аямнинг кўзларига боқаман?! Суратга ночор нигоҳ билан боқиб турарканман, хаёлимни яна бояги руҳий ғалаёнлар эгаллади. Эгаллади-ю, яна тушимдаги ўша гулларга хомуш тикилган Гўзалнинг қиёфаси бостириб келди. Титраб кетдим. Ўзимни чалғитиш баҳонасида сочимни тартибга келтириш учун

тошойна қаршисига бордим. Оғир хаёлда соч тарарканман, шу он нигоҳим тошойна токчасидаги қинғир-қийшиқ тусда ёзилган бир парча қоғозга тушиб ўтди. Қизиқсиниб кўлимга олдим. Яна манави уйқучи укашонимизга қизалоқлар томонидан йўлланган сирли мактублардан бири бўлмасин ишқилиб. Арининг инига қосов тиқиб юрмайин тагин. Йўқ, бу каминага тегишли экан назаримда. Кўзим ўзимнинг исмим битигига тушиб, юрагим ғалати нохушлиқни сезгандек куч билан ўрnidан қалқиб, ўйнай кетди. “Даврон, мени кечир, жон ўғлим. Сенга кейин ҳаммасини тушунтириб бераман. Гўзал сенинг синглинг бўлади...”

– Ни -ма-а!!! Синглим!.. Қанақасига?..

Кўксимдаги бояги ғашлик отилиб, олатасир чакмоқлар чақа кетди. Кўз олдимни қоронғулик босдим, ҳеч бир нимани идрок этолмай қолдим.

– Мунча бақиравермасангиз?! Боринг, кўчага чиқиб бақир-чақир қилинг!

Укамгаям парво қилмай, жонҳолатда ҳовлига отилдим. Тандирдан узган бўрсилдоқ нонларни саваатга саранжомлаётган аям мени кўрди-ю, қаттиқ талмовсираб қолаёзди.

– Вой, болажоним, саҳармардонлаб сенга нима бўлди? “Эшак” чакдими?!

– ... Дадам.. дадам қани?.. Овозим хириллаб, йиғлоқи оҳангда чўзилиб узилди. – Нега анграясиз, ая, сиздан дадамни сўраяпман?!

– Тавба қилдим-ей! Аям кўкрак бурмасини кўтариб, туф-туфлади. – Ҳа, боя ҳам сўровдинг шекилли, болажоним. Ишга кетганлар, дегандим-ку! Қулоғинг ўзингдами ишқилиб?! Қайси томонинг билан турдинг ўзи?!

Чирт ўгирилиб, гараж томон югурдим. Йўл-йўлакай айвон устунининг қозигидан калитни суғуриб олдим-да, кўча дарвозасини ланғиллатиб икки тарафга очиб ташладим. Тепаси болахонали гараждаги машинага потирлаб ёпишдим. Кўлим асабий титроққа тўлгани учунми, калит тиғини кулф тирқишига тиқолмай, тоза жиғибийрон бўлдим. Ажаб, шу пайт қандайдир кўринмас енгил шарпа-

лар қўлимдан аста тутишиб, торткилашга тушишди. Гўё, машинани ўт олдирма, дейишаётгандек бўлишади. Оғирлигимни елкам қадар босиб эзгилашаётган қора қўланкалар тўдаси эса, ҳайда, ҳайдайвер тезроқ, дея ҳол-жонимга қўйишмай, қисталанг қилишади. “Жигули”ни кўчага қандай ҳайдаб чиққанимни билмайман. Шуни биламанки, ён кўзгудан аямнинг ҳай-ҳайлаганча чопиб чиққанини яққол кўрдим. Ичим ачиб кетса-да, энди тўхташнинг сира иложи йўқ эди. Эсим оғган кўйи чиранганча газни босдим. Кўзимга қон тўлгандай, фақат нигоҳим остидаги ғизиллаб ўтаётган асфальтнинг аччиқ ичакдек чўзилган оқ хошиялари узилиб-узилиб кўриниб қолади, холос. Газни батамом босаман. Машина гўё, вой, жони-и-им, дегандек инграйди. Ҳеч қанча ўтмай, бу тезлик ҳам тошбақасифат бўлиб қолди. Машина чираниб бўкиришга тушди. Қулоғим остида эса ҳамон “синглинг... синглинг...” дегувчи аламли, ҳам даҳшатли, ҳамки зорланишли таъкидлар басма-басига садо беради. Қанақасига синглим бўлсин. У қаёқда-ю, мен қаёқда! Тўхта-тўхта, ахир ўзим кечагина Гўзалга ҳазил йўсинида “фол” очиб, дадамнинг тусини унинг дадаси киёфасига чандиганимда танг кетди-ку! Наҳот, наҳот шу рост бўлса? Наҳотки, мен ўз синглим билан аҳду паймон қилган бўлсам?! Йўқ-йўқ!!! Бўлиши мумкин эмас, бўлиши сира мумкин эмас. Даҳшатли хаёллар ичимни ўпиргудек куч йиғади. Жонимга аёвсиз чангал ташлайди. Жон ачиғида яна газни босаман. Гўё машина итоат этмаётгандек туюлиб, бўғилиб кетаман. Тезроқ, тезроқ етиб борсам эдим “дадажоним”нинг ишхонасига. Тезроқ аниғини эшитсам эдим...

Ие, анави бекатдагилар наmunча ҳайрон боқиб қолишди? Кимдир чираниб хуштак чуриллатаяптими? Менга деса узукун чуриллатмайдими эси оғгунча. Светофор қизил ёнди шекилли-да, анави машиналар бирининг кетига бири бурун ургудек чириллаб тўхташди. Тўхташади-да, илдамлаб кўришсин-чи қани, талонига нақ бақанинг кўзидек тешик тушиб, “ажи-ажи” қилиб юришади кейин. Қий-чув бўлиб кетдимиз?

Кимдир ён томонимдан чийиллатиб тормоз бердимми? Шунанга, чўчитиб турмасам ҳаддидан ошиб кетишди, бу пандавақилар. Менга деса жаҳаннамнинг туб-тубига қулашмайди-ми! Яна бир-икки чақирим юрсам бас, дадамнинг ишхонаси пешонасидан чиқиб бораман. Кейин, кейин ҳаммасини тушунтириб берадилар “дадажонимиз”. Э, анави юк машинасининг ҳайдовчиси қариб-куртиганми, нима бало, қадамини санаб босаётган тошбақага ўхшайди-я! Устига-устак бир уюм арматурани юклар олибди. Гажак думини гоҳ у ёққа олади, гоҳ бу ёққа. Оёғи остидаги ястанган йўл катта холасининг маҳрига тушган бўлса керак, истаганча шакл кўрсатиб кетаяпти... И-и, тормоз берди-ку, аҳмоқ. Қани тормоз?! Шувиллаб кетидан елиб борганимни биламан, акс-садога йўғрилган кучли чийиллаш ва қарсиллашлар қулоғимни чиппа том битирди. Қутилмаган даҳшатдан отилгудек бўлган кўзларимга аввал арматуралар шодаси... сўнг темир бортнинг занжирига илинган ястанган тўсқичи... қўш ғилдираклар... ғизиллаб ўтган айқаш-уйқаш манзаралар... ҳар ён сочилган ойна парчаларининг кумушдек товланган зарралари... жон талвасасида кичқирган аччиқ ҳайкиригим (ажаб, шу менинг кичкиригимми?) остида чидаб бўлмас даражадаги тан оғриқлари бутун вужудимни санчиқларга белаб ташлади. Ие, бу нима кўкрагимга санчилган?.. Қип-қизил қон-ку! Ё... Тушимдаги лолазор манзарасини кимдир кўзимга яққол тақамокдами?.. Шу он пачоқ машиналар тасвири кўз олдимни сўнгги бор чизиб ўтди...

– Ая-жо-о-он-н!.. Вой-й, жо-он-ни-им... ай-й-й...

Сўнгги бор қуёш шуъласини кўриб қолмоқ истагида тўйиниб нафас олгим келиб кетди. Чираниб энтикдим. Лекин ичак-ичакларимни юлиб-юлқиб чиққан ногаҳоний ўкирик кўм-кўк осмонни қип-қизил тусга бежаб ташлади. Кўз олдимдаги кумушдек товланган ёруғликни сурбетларча ямлаб ёпирилаётган зулмат чимматидан озорланиб оғиз очдим. Во, ажаб, нимагадир ҳозирнинг ўзида аввал аямни, сўнг эса дадамни жуда-жуда кўргим, ақалли бир сония бўлсин азиз дийдорларига тўйгим келиб кетди. Қандайдир таскин бергувчи

куч менинг тилка-пора вужудимни астагина авайлаб кўтар-
гандек бўлди. Назаримда борки мавжудот билан узил-кесил
видолашиш лаҳзалари эди бу таскинлик. Шунда бир нималар
дупираб чопа келдилар. Бундоқ қарасам, боя гаражда елкам-
дан оғир босган қора кийимли бадбашара махлуқлар кий-чув
кўтариб ётишибди. Сесканиб кетдим. Намунча кўркинчли
бўлмаса булар? Нимадан, нимадан умидвор? Шу пайт ма-
шинамни юргизишга йўл қўймаган енгил шарпалар оппоқ,
кўркам симоби либосларда пайдо бўлишиб, қора кийимли-
ларнинг уринишларини кескин кесиб чиқишди. Юзларидан
таъриф этиб бўлмас майин, аммо ўткир нур муттасил ёғила-
ди. Савлатлари ҳавасманд, баркамол.

– Тега кўрманглар! Бу бандаи мўмин бизларга қарашли-
дир.

Ажаб, анави даҳшат оралаган қора кийимлилар айъюхан-
нос солишганча кетларига тисарилишди. Хунук, аммо ниҳо-
ятда кўркув туғдирувчи унлари тобора ингичка тортиб, ал-
лақайга ғойиб бўлдилар. Оппоқ либосдагилар эса атрофимни
гир ўраб, авайлабгина парвариш қилишга тушишди. Мунча
ширин ис, бунча тотли бўлмаса экан бу баҳаволик. Бунчалар
момиқ бўлмаса экан бу меҳрибон кўллар. Бунчалик сархуш
овозни илк бор тотиб, вужудим енгил тортиб кетди...

Чирпирак сиртмоқ (Эркиннинг ҳикояси)

Давронга бекор хат ёзиб қолдирдим. Ўтирғизволиб ётиғи
билан тушунтиришим керак эди. Аммо, аммо нимагадир тил
билан баён этишга чўчидим, рости. Эҳтимол, ўғлимнинг кўз-
ларига ботиниб қаролмаслигимдан ҳайиққандирман. Эҳти-
мол, унинг олдида гуноҳларга тўла вужудимнинг титраб-қак-
шаб бўй беришидан кўрққандирман. Эҳтимол, мендайн ота-
дан нафратланиб қолишидан таҳликага тушгандирман. Нима
бўлганида ҳам барибир кўрқоқлик қилдим. Жуда катта хато
қилдим.

Ярим тунда ўғрилиққа тушган мушукдек болалар хона-сига енгил, шарпасиз қадам босиб кирарканман, авзойи баданимни ўз-ўзидан жикка тер босди. Юрак курғур тинимсиз потирлайди. Ҳатто томоғимгача тепчиб уради, нафасни кескин қайтаради. Тўрда кичик ўғлим диванга ястанганча қаттиқ уйқуда. Кўрпасининг ярми полга ғижимланганча оқиб тушган. Даврон дераза олдидаги диванда майингина нафас ютиб, ором олаяпти. Усти очиқ. Унинг хушбичим қоматига, тиниқ буғдойранг юзига бироз термулиб турдим-да, бехос хўрлигим келиб кетди. Хўнг отиб юборишимга бир баҳягина қолди. Ўзимни аранг тутиб олдим. Қандайдир куч унинг юзига қайтадан қараттирди. Бир зум ички титроқда тикилиб турдим-да, бу ерда бундайин аҳволда ортиқ туrolмаслигимни англаб, стол юзига энкайдим. Ҳатто тунги чиροқниям ёқишга журъат тополмадим ўзимда. Ташқаридан тушиб турган чиροқнинг заифгина шуъласида пала-партиш ўксик ёзувларни бир парча қоғоз сиртига қалаштиргудек битиб, кўзгу токчасига аста ташладим-да, ёв қувган каби хонадан шошиб чиқдим. Даврон ҳозир ўқиган бўлса, қай аҳволга тушган экан, шўрлик. У ҳам қайдан билибди, ахир. Билганида шу йўлни тутармиди?..

Икки тошқин дарёнинг ўзанига тош бостириб бўлмас экан-да! Ҳали бу иккови бирга ўқишаркан-да! Гўзалнинг бу ерга келиб ўқишига ҳарчанд қаршилиқ кўрсатмайин, Юлдузнинг, майли, мен ўқиёлмадим, жилла курса кизимиз ўқисин, деган афсусли ишорасидан лом-лим деёлмай, ичим бир қадар сидирилганча розилиқ билдира қолгандим. Бу ёқда эса Даврон ҳужжатларини аллақачон топшириб бўлган экан. Икки ўт орасида қанчалиқ қийноқларга тушиб, ўзлигимни йўқотгандим. Лекин бир ўй мени ўз тинчимга ташлаганди. Бири кириб, бири киролмай қолса-чи. Шу тасалли жонимга ора кириб, ҳарна енгил тортгандек бўлгандим. Бироқ омад иккисига бирдек қулоч ёзди-ю, мендек нодонга қиё ҳам бокиб қўймади. Йўк, мен фарзандларимнинг орзуларига ғов бўлишни сира-сира истамайман. Фақат иккисининг қаршисида шунча йиллар эзғилаб, оромимни олаётган машъум сирнинг очилиб

қолишидан кўрқардим. Ҳеч бир бандасининг бошига тушмасин бунақанги чигал савдолар. Мана, менинг тақдиримда сиртмоқ каби бошим узра осилиб турибди қилган гуноҳларим. У ёндан ўтсам ҳам бошимга урилади, бу ёқдан ўтсам ҳам. Худди ажал мисол жоним узра кафт ёзади.

Яна бир ўй бу вужуд ғалаёнларини босқилаб қолади. Мақсад тескари айланиб, хат Ҳалиманинг қўлига тушиб қолсами! Шу тилимловчи хаёлий исён ич-ичимни зирқиратиб ўтди-ю, қовоғим тинмай уча бошлади. Балким Давроннинг ўзи ўқиб, аясига тўполон кўтараётгандир. Йўқ-йўқ, ўғлим унақанги юзга сапчийдиган, кўзга терс қарайдиган бола эмас. Ўз тасаллимдан чалғиб, кўз олдимга аламли ғазаб, чексиз нафратга минган Даврон ва бу сирлардан огоҳ бўлиб, хушини тамоман йўқотган Ҳалима келди-ю, юрагим аёвсиз юлинди. Гўёки ўз зарбасини нафақат кўз олдимга тақаш билан, балким юрагимни мутгасил юлаётган интиқом зимдан эзишга чоғланган каби аввал ўй-хаёлларимни, сўнг эса бор-будимни изғирин ўйинининг даҳанаки хужумига рўпара қилди-ю, аросатда битган азобларда қовуришга тушди. Шайтон минг тур кўчаларига бош суқтиришга тутина кетди. Бехос инграб юборганимни сезмай қолдим.

Эндигина шаҳар худудидан чиққанимда кетимдан шувиллаганча бостириб келаётган сутдек оппоқ “Москвич”га ён ойна орқали нигоҳим тушиб ўтди. Кўзгудан кўзимни олишим билан у ўзиб ўтаётди ишорали сигнал берганча йўлимни кесиб, четроққа шитоб тўхтади. Мен ҳам тўхташга мажбурият олгандек, тормозни қаттиқ босдим. Енгил машинанинг тормоз излари қорайиб, узун чизик тортди. Кетидан қуюқ чангни судраб, ўзининг устидан ошириб ёйди. Орқа эшик шахд очилиб, қоровулимиз Шоқосим ака ерга оёқ қўйди. Ўзини ўнглаб олгач, лапанглаганча қаршимга кела бошлади. Тиниб-тинчи-маётган юрагим бир нохуш хабарни аввалдан англаб етганини билдирмоқчидек бор жисмимни қалтиратишга тушди.

– Эркинжон, ўғлим, сени бошлиқ сўраяпти. Назаримда кечаги топширган молингда камомад борга ўхшайди. Лекин тагин билмадим. Аммо ўзингни бос, ховлиқма! Маши-

нангдан эса хавотир бўлма, йигитлардан бирортаси етиб келгунча ўзим қараб-нетиб турарман. Сен эса анави машинага ўтир. Зудликда бормасанг...

Ҳеч нимага тушунмай, анграйганча қолдим. Бу Шоқосим ака мени ёш бола санаб, тулкининг инига рўпара қиляптими? Ҳеч-да!

– Ёлғон гапиришни эпполмас экансиз, ака. Тўғрисини айтиверинг. Нима бўлди ўзи? Фақат чинини айтинг. Ўзиям эрта-лабдан бери кўнглим ёришмайроқ турибди.

Шоқосим ака қалқиб кетди. Лекин ўзини тез ўнглаб, тескари қаради. Шу туришида ғинг демай туриб қолди. Бирдан елкалари учиб, айтолмайман, айтолмайман, дегандек бошини сарак-сарак чайқади. Юрагим қинидан чиқаёзди. Жонҳолатда ўзимни машинадан ерга отиб, “Москвич”га югурдим. Ҳайдовчи йигит ҳам шай турган эканми, машинасини шитоб ярим дара буриб, изига қайрилганча учиб кетди. Миямни ҳар тур шубҳаю ваҳималар эзгилаб, кўпиргудек мижғовланди. Кўз олдидан жон суғурувчи даҳшат тасвирлари тизим тортиб ўтади. Тилим карахт қотгандек бир сўз келмайди. Гаражга яқинлашганимизда нотинч ураётган юрагим баттар забтига олди. Жон томирларимни янаям шишириб ташлади. Ҳайдовчи йигит тўхташни хаёлигаям келтирмай, йўлни тикка солди. Шундагина ғазабдан чакнаган кўзларим асабий олаёйиб, тилга кирдим.

– Ҳой, ука, ишхонадан ўтиб кетдик-ку!

Йигит гўёки эшитмагандек, эшитсаям парвосига олмагандек газни қаттиқ босиб, чукур хўрсиниб кўйди. Назаримда бу шунчаки хўрсиниш эмас, қандайдир ачиниш ҳиссини англаувчи аломатдек эди. Ичимда бир нима шув этди-ю, ўқтин-ўқтин титроққа белаёй кетди.

Машина ғизиллаганча бориб чорраҳага яқин жойда илқис тўхтади. Йўлнинг чап юзида одамлар нимагадир тартибсиз куймаланишяпти. Бзовта ҳаракатларидан назаримда бирор фалокат юз берганга ўхшар эди. Ҳайдовчи йигит машинадан чакқонгина тушиб, тезгина айланиб ўтди-да, мен ўтирган томоннинг эшигини шаҳд очди. Бунинг тили борми ўзи, ё

забонини ҳаққа чўқилаб олганми, тавба. Унинг ўрнида бўлсам, бир дақиқанинг ўзида ёрилиб кетсам керак. Ҳозир эса бу тўғрида ўйлаб, майдаланиб ўтиришнинг мавриди эмас. Тушдим. Йигит эшикни қарсиллатиб ёпиб, қўлтиғимга кирди. Гапланиб қаршилик кўрсатмоқчи бўлгандим, билагимни янаям қаттиқроқ сиқимлади. Нима, мен саксонга кирган чолманмики, қўлтиқлатиб олсам, ярашса. Ҳеч-да! Йўк, мен ўйлаганчалик эмас экан, ҳарқалай равонгина забони бор экан барно йигитчанинг.

– Узр, ака, айбга буюрмайсиз, ишимиз шунақа. Йўлдан бир амаллаб ўтиб олайлик ҳеч бўлмаса.

У мени одамлар қуршови томонга етаклади. Индамадим. Кўнглим қандайдир нохушликни сезгандек ўз измига янаям бўйсундирганча жимжит бўлди-қолди. Яқин қолганимизда бизга тумшуғини кўрсатиб, йўлнинг ўртасида турган “КамаЗ” юк машинасига кўзим тушди. Милиционер йигит тинмай йўл ўлчаяпти. Ҳайрон бўлдим. Бу йигит мени бу ерга нима учун олиб келди? Менга бу ернинг нима дахли бор? Тўхта, бу ахир таниш машина-ку! Яқиндагина Низомжонга берилганди шекилли. Нима бўлган экан ўзи? Одамлар орасини ёриб ўтганимиздагина оғир аҳволда қолган ҳамкасб дўстимга нигоҳим тушиб, ичим ачишиб кетди. У ердан бош узмаганча кўз ёшларини бот-бот артиб қўяди-да, алланималарни куюниб пичирлагандек бўлади. Ажаб, нега энди у бунчалик қакшамаса? Машинаси омон-ку ахир. Эркак кишининг ҳам кўнгли шунчалик бўш бўларканми?

Юк машинасининг ортига ўтдиму жоним узилди. Ўзимнинг енгил машинам юк машинасининг кетига ғижжак бўлганча санчилиб қолгани, атрофига эса кип-қизил қуюқ қонлар сачраганини, сал нарида оқ мато ёпилган жасад, матонинг ҳам айрим четлари остидан сизган қонни кўрдим-у, ногаҳон сапчиб тушдим. Чуваланиб урилган совуқ хаёллар даҳшатидан кулоқларим шанғиллаб, кўз олдим айқаш-уйқаш синик манзараларга тўлиб кетди. Ич-ичимдан беҳос отилган ўкирикдан еру замин ўтга тутатиб, бараварига ларзага келди.

– Ўғлим-м!.. Дав-ро-он-н!..

Оқ мато остидаги ўғлимнинг устига ўзимни отдим. Мени маҳкам қўлтиқлаб олган бояги йигит баравар қалкиди шекилли, бўш қолган қўлларини бир-икки қаттиқ қоқиб, мувозанатини ўнглаганча ортимда қолиб кетди.

– Нима қилиб кўйдинг, жон болам... Ўғлимнинг кўзлари очиқ қолган, гўё, мен нима қилгандим, дада, деяётгандек кўкка маҳзун тикилиб қолган эди. Юрагимдан кучли бир нидо отилганча ўғлимнинг юзидан юлқиган оқ матони алам билан гижимладим. – Мени кечир, ўғлим, гуноҳкор отангни кечир!..

Ажаб, жон талвасасида тўлғониб, ўғлимни маҳкам кучганимда унинг нурсиз кўзлари аста юмилди. Аччиқ қийноқликни тотиб, қимтилган лаблари ҳам бўшашди.

– Даврон!.. Жон, ўғлим... мени ташлаб кетма, кетма-а!.. Сенинг ўрнингга мана мен борай... Мен борай-й!..

* * *

Кўнглим яримта бўлиб қолди. Мен ўлсам бўлмасмиди? Нега энди ўлим ҳам мен касофатидан шунчалик юз ўгирса, ҳазар қилса! Нима учун шундай, а? Наҳот ўлишгайм лойиқ бўлмасам?..

Шўрлик Ҳалима ҳам бирпаснинг ичида эсини йўқотди-қўйди. Бир куннинг ўзида тўзиб кетди. “Тез ёрдам”нинг кети ҳеч узилмайди. Ҳаммасига, ҳаммасига ўзим айбдорман, ўзим. Шам каби пилпиллаётган гуноҳларга тўла вужуддан жон қуввати тезроқ узилса-ю, тезроқ жаҳаннам қаърига равона бўлсам. Лекин бу зорланишлар кум битган қулоққа висирлагандек сассиз, садосиз жон-жонимни эзади. Гўё кимлардир: “Қаёққа шошасан, ҳали бу ҳолваси. Сен учун кўп кўргуликларнинг адовати урчиб ётибди, кўрмасанг бўлмас” дейишаётгандек бўлаверади. Унинг устига алланимабалолар бўй ташлаб ёпирилиб келишади-да, кинғир-қийшиқ “хусну жамол”ларини намоёйишқорона қилтиллаштишиб, ўзликларини таништирмоққа уринишади. Этларим юпқа муз қатлами чирсиллаб уқаланган каби совуқ сесканиб кетади. Бу сесканишлар дўзах ўтида ўтин мисол қаланиб, тикка ёнишим олдида нима бўлибди? Бу телбанамо каловланишлар жаҳаннам

санчикларининг оловли қамчинлари остидаги дод-фарёдлар қаршисида нима бўлибди?..

Бу кўргуликлар етмагандек томир-томирлардан эринмай, чувалиб қайноқлик бераётган минг тутам ҳадикнинг кейинги машъум зилзиласи шўрлик ўғлимни қаро тупроқ бағрига қўйиб қайтган қора куннинг эртасига юз берди-ю, қилган гуноҳларим янаям ошкор бўлди-қолди.

Офтоб ёйилганда кўча муъолишига “Лаз“ автобуси келиб, задаланган каби вошиллаб тўхтади. Ундан аввал домлалари бўлса керак, сипо кийинган эркаклар, ортларидан эса йигит-қиз аралаш талабалар бирин-кетин тушиб тўпланишди. Сўнг домлалари кетидан турнақатор тизилишиб, биз томон кела бошлашди. Ўрнимдан аранг кўзғолиб, мувозанатимни тополмай каловланаман. Ёнимдаги Садриддин акам буни пайқаб, қўлтиғимдан қўл ўтказиб тутиб турибди. Кўнгил сўровчилар дарвоза остонасига етар-етмас, қизларнинг ичидан кутилмаганда оламни баралла бузгудек аччиқ фарёд бўй тортиб қолди. Уввос солганча “вой, акажон”лаб тўпдан ажралиб чикди-да, жонсарақ қалқий кетди.

– ...Вой, акажон!.. Шунчалик ҳам тор кўрдингизми бу дунёни, акажо-ним-а!.. Қаро ерни афзал билдингизми-я, акажоним-о...

Ие, бу Гўзал-ку, қизим-ку! “Гўзал, қизим!” Бу ички нидо хушимни бирпасда олди-қўйди. “Кечир мени, жон қизим. Бахтингга зомин бўлган нодон отангни кечир”. Нима? Отанг, дедимми? Мен ҳали отаманми, мен-а?.. Шу лаҳза кимдир оғзимга пиёла тутгандек бўлди. Муздек сув, гўё ҳовури қайноқ, мисоли заққум. Ичсанг ҳам ичасан, ичмасанг ҳам, дегандек оғзимга зўрлаб тикиштиради. Томоғимдан базўр бир култум сув ўтди-ю, ортиқ ютинолмай қаттиқ ўқчидим. Димоғимга оғир урилган ютим қолдиғининг зарбаси бўғзимни шишириб, ачиштириб ташлади. Мижжаларимда ёш қалқиди. Кўзимни аранг очиб, ҳовли ичкарисига зорланиб назар ташладим. Рухий қийноқлар бусиз ҳам ич-этимни ўйиб, тинимсиз қавлаштириши етмаган экан. Оғриқдан инградим шекилли, акам билагимдан янаям маҳкамроқ ушлади. Ичкарида Ҳали-

маю янгаларимга қўшилиб, аёлу қизларнинг айтиб бўзлашлари бошим устида сиртмоқ солиб, чирпирак қила кетди. Шунча йил кўзимга кўринмай, хаёлларимда, тушларимда чувалашган бу сиртмоқ энди ўз асл нуқсини кўрсатишга ошиқди. Сиртмоқ менга тегишли эди-ю, аммо унинг қай йўсинда ўз ҳалқасига солиши номаълум эди. Мана энди...

Фотиҳа адо этилди шекилли, аввал домлалар, сўнг йигитлар тизилиб келиб, кучоқ очишганча кўнгил сўрашга тушишди. Оёғимда ерга аранг илашиб турибман. Ҳеч бир аъзойим бўй эгмайди. Гўёки жонсиз мурдадекман. Тилим эса муз қотган.

Бир маҳал ичкарида йиғи товуши кўтарилиб, узоқ туриб қолди. Сўнг дарвоза саҳнида қизлар қораси кўринди. Икки дугонасига ўзини ташлаганча йиғидан юзи шилинган Гўзал чиқиб келди-ю, биз – қўл қовуштириб турганларга бир қур синчков, аммо мунгвор кўз югуртириб ўтди. Юрагимда бир нима чирт узилгандек бўлди. Шўрликнинг кўзлари қизаринқираб, қовоқлари бўртиб кетибди. Ох, кизим, кизгинам-а, шу кунларни кўрсатгунча ўлиб кетсам бўлмасмиди-а?..

Гўзал бир-икки одим ташлади-ю, биз томонга негадир яна маҳзун нигоҳ ташлади. Жонсарақ нигоҳи илқис менга қадалди. Кўрқиб кетдим. Гўё ер остига сингиб кетгандек бўлдим. У бу мудҳиш аҳволимни тушида кўраётгандек ўрнида қотди. Суянч дугоналарини икки ёнга аста қалқитиб, мендан бир сония кўз узмаганча қадам ташлади. Дугоналари не қиларларини билолмай, ўнғайсизланиб жавдирашди. Сим-сим санчилаётган юрагим оғир қалқиб, хўрлигим келиб кетди. Ортиқ чидолмадим. Қандайдир куч олдинга сурди. Беихтиёр олдинга интилганимдан каловланиб қолдим-да, ич-ичимдан тошаётган аламли ғалаёндан суюксиз забоним ҳам энди жунбушга келгандек жонланди.

– ...Қи-зим-м!.. Вужудимни ўпиргудек бўлган ғалати нидодан кўз олдимни зулмат пардаси бир баҳя қоплаб ўтди-ю, тентираб кетаёзим.

– Да-да!.. Дадажон!..

– Гўзал, қизим-м...

Бу синиқ товушлардан ҳислар тарк этмоқда бўлган вужудим қаттиқ ларзага келди-ю, бўғзимга зарб билан урилиб, ташқарига пармалагудек эшилиб отилди.

Гўзал яна икки қўлтиғига кирган дугоналаридан сирғалиб чиқиб, мендан икки-уч қадам нарида таққа тўхтади. Кўзларига ишонмагандек қаттиқроқ тикилди. Лаблари пир-пир учди. Бир зум шу тусда туриб қолди.

– Дада, бу... ўзингизми?..

Кўзларимдан дувиллаб ёшлар қуйилди. Гўзал бағримга ўзини отаркан, эси оғган каби маҳкам кучганча асабий силтар, назаримда рўй-андишани буткул унутганди. Бел боғлаб турганлар серрайганча не қиларларини, не деярларини билломай жим қотишган. Ҳамма ҳайрон, ҳамма таажжубда. Бу нигоҳлар аччиқ тақдирларнинг асл калити менда эканлигини ҳали-вери билишмайди. Билишганда эса, бирваракайига тошбўрон қилиб юборишлари, ёки жуда нари борса, беномус шаънимга адоқсиз лаънатлар ёғдиришлари тайин.

Қизлар ортидан бел боғлашиб чиққан бир тўда аёллар ичидан суғурилган Ҳалимани кўрдим-у, телбалардек оғзим бир томонга тортиб кетгандек бўлди. Гўзал ҳам ҳушини жамлашга уринди шекилли, бежо кезаётган нигоҳини бир муддат муқим нуқтада ушлаб, илтижоли тикилди.

– Дадажон!.. – деди мотамсаро кийимларимга бир сидра кўз ураркан, синиқ шивирлаб. – Сиз... сиз ҳам эшитиб келган-мидингиз?..

Вужудимда яна даҳанаки оқим кўпчиб, беҳисоб санчикларга белаб ташлаганидан оғриниб, оғриқлардан халос бўлмоқчидек лабларимни қаттиқ қимтидим. Бироқ бу уринишим зое кетиб, азобларнинг таъсиридан инграб юборишимга бир баҳя қолди. Гўё бошимга энг сўнгги қувват зарб билан тепчиди-ю, тилимдан совуқ жумлалар узилиб тушгандек бўлди.

– ...Акангдан бевақт айрилиб қолдик, қизим...

Кўз олдимни тўс-тўполонга тўлдирган бу дунёнинг борки бисоти кўкка сапчиди. Ер ёрилди. Чеки йўқ ўтлар ҳалқаси ловуллаб ёна кетди. Шайтонбачча махлуклар ўзларига

тобе бўлмиш кимсаларнинг бурунларидан ип ўтказишганча шафқатсиз силтаб тортиб, оёқларигача оғир занжирлар чандишган кепатада учиб ўта бошладилар. Сув деса асал, асал деса захар, заққум кўмсаса ажал тутиб сийлашга тушдилар. Аллақайдан ҳозир нозир бўлмиш қора шарпалар даҳшатли қанотларини қарсиллатиб қоқишганча чир айланаётган шайтон бандиларига беҳисоб ўткир тирноқларини ваҳшиёна ва-жоҳатда санча кетдилар...

Бедаволар бозори
— (Гўзалнинг ҳикояси)

Эндигина эрталабки нонуштани қилиб йиғиштирилаётгандик ҳамки, ётоғимизга кимдир сим қоқиб қолди. Уй эгаси димоқ-финоқ қилганча чиқиб келиб, узиб олгудек минғирлади.

— Ҳой, қизлар, майли, бу сафар ҳам индамайман. Лекин билиб кўйинглар, агарким яна безовта қилишгудек бўлишса, кўрпа-тўшакларинг ўзларингга сийлов. Ким кўп, ижарага зорикқанлар кўп. Унинг устига сендақаларнинг қорангни энди кўраётганим ҳам йўқ. Гапим тушунарлими? Боринглар, бирларинг гўшакни кўтаринглар. Кавалерларинг куйиб, кулга айланиб кетмасин тагин. Айш-ишратларинг кўчада бўлсин. Менинг уйим переговорний дом эмас. Кўнғироқ қилишнинг ҳам ўзига яраша вақти, маданияти бўлади...

Қотиб қолдик. Бир ёғи дарсга кеч қолишимиз мумкин. Эрталабдан кимга зарур бўлиб қолди экан суҳбат куриш? Шу ўйлар ҳар биримизнинг кўнглимиздан беҳузургина кечди шекилли, бир-биримизга чўчинқираб тикилишдик. Дилдора ҳаммамизга бир-бир синовчан жавдираб олди-да, уй сохибасининг хонасига мунғайганча кириб кетди. Йиғиштирилиб, эндигина йўлакка тўпланганимизни биламиз, ичкаридан ранглари ўчганча Дилдора отилиб чиқди-да, юзини асабий чангаллади. Бирдан телбалардек чайқалиб, ўкрашга тушди. Уччов қиз унга ёпишдик.

– Нима бўлди, тинчликми?

– Айтасанми бир мундоқ. Қон қилиб ташладинг-ку одамни.

Дилдора кескин бош чайқади.

– Айтолмайман!.. Йўқ, сира иложи йўқ буни айтишга!.. Жон дугонажонлар, илтимос мени мажбуран қийнаманглар!..

Заҳронинг ҳам жаҳли чиққанидан товуши асабий чийиллаб узилди.

– Нимани айтолмайсан?! Шунчалик айтиб бўлолмайди-ган гапми?!

Бирпаснинг ичида бошқа одам тусига кириб қолган Дилдора ҳолсиз бош ликиллатди.

– Майли, айтаман, аммо...

У ўзини тутолмас, ҳар биримизни бир-бир бағрига торганча аччиқ йиғисини бас қила олмасди. Бироқ тилидан ўсмоқчиланган сўзлар қулоққа илиниб, қандайдир мудҳишликни англагандек бўлдик.

– Даврон... Ғиёс айтдики...

Давроннинг исмини эшитиб, юрагим безовта ура кетди.

– Нима Даврон! – Дилдорани силтаб ўзимга қаратдим. – Чайналмасдан гапирсанг-чи!

– Ўртоқжон, Даврон машинасида...

Дилдора беўхшов бўзлади. Юрагини чангаллаганча ўтириб қолди. Қизлар унга ёрдам кўрсатиш учун ёпиша кетишди. Қандайдир зарб кўккис бошимга урилиб, вужудимни совуқдан-совуқ ғалаён эгаллади-да, аёвсиз тирнай кетди. Нима дейди? Машинасида дейдими? Қанақа машина?!

Қизлар минг саросимада олийгоҳга чопишди. Ишқилиб, англашилмовчилик бўлсин-да! Ишқилиб, ҳаммаси ёлғон бўлиб чиқсин-да! Ўз қонимга ўзим қайнаб, ўз ёғимга ўзим ковурилиб ётганимда қизлар шумшайиб кириб келишди-ю, жавдираган, чўчинқираган нигоҳларидан мудҳиш хабарнинг ростлигини англаб, Заҳронинг кучоғига ўзимни отдим.

– Давронга нима қилибди, дугонажон. Жилла курса сен чинини айт!..

Захро пик-пик йиғлаганча юзини терс бурди. Вужуди силкиниб-силкиниб кетди.

– Наҳотки!.. Наҳотки, Захро!.. Йўқ, бундай бўлиши сира мумкин эмас. Даврон беҳудага ўладиганлардан эмас!.. Нима гуноҳи, нима айби бор эдики...

Захро хушини йиғиб олди шекилли, кучоғига маҳкам тортди.

– Бардам бўл, Гўзал. Ўзингни бос!..

* * *

Шу куни худ-бехуд бўлганча минг азобларда тонг оттирдим. Заҳарли тонг. Машъум тонг. Шу мавҳум тасодиф ростлигига сира-сира ишонгим келмас, ишониш тугул ҳатто бу ҳақда ўйлашним истамас эдим. Давронсиз бу дунё мен учун чинакам дўзахнинг ўзи эмасми ахир.

“Лаз” автобусига аранг оёқ кўйиб, ич-ичимдан тошай-тошай деб тинчлик бермаётган аламли дард бирдан отилди. Қизларнинг бағрида тўлғонарканман, уларнинг далдаси қулоғимга кирмас, аччиқ аламларни дунёимга сиғдиролмай қийноқда эдим. Нима қилай, нима қилай аччиқ айрилиқ савдоси шу қадар бизга бир умр ҳамроҳ тушган бўлса? Нима қилай, бу юрагим қиймалаб-қиймалаб ташлаётган бўлса, а? Кўз олдимдан эса Давроннинг мийиғида майин табассум билан меҳрибонона тикилиши сира нари кетмай ўртайди. Қийноқларга берайди. Энди нима қиламан? Давронсиз беҳуда яшамокнинг нима зарурияти бор энди?.. Бунча имиллайди, бу ер юткур автобус.

Етиб борганимизда кўча четида бел боғлаб тизилган одамларга нигоҳим тушди-ю, нимагадир кечадан бери вужудимни эзаётган санчиклар куч йўқотиб, аллақайга ғойиб бўлди. Ичим нечукдир бўм-бўш бўлиб қолди. Билмадим, билмадим нимагадир ҳеч нима хаёлларимни, кўнглимни овлашга қувват тополмай қолдим, ё тақдиримга кўтариб бўлмас тош босилганига тан бериб қолдимми, юввош тортдим. Лекин... лекин бу жимжит вужуд фотиҳага йўл олган маънос тизим сафида тақдирнинг аёвсиз аламларига дош беролмай, бирдан

вазминликдан бош тортди. Ич-ичимдан отилган ёввойи ўкирик бошим узра узлуксиз санчиқлар ёғдира кетди.

– Вой, акажон!.. Шунчалик ҳам тор кўрдингизми бу дунёни, акажоним-а!.. Қаро ерни афзал билдингизми-я, акажоним-о...

Рухий бўзлашларда тўлғониб, ўзимни дугоналарим қатори бегона аёллар ичида кўриб, бўғиқ йиғи баттар авж олди. Кимдир мени кучиб олганча телбанамо чайқала бошлади.

– Вой, ўн гулидан бириям очилолмай кетган болам-а!.. Қандоқ қилай энди, жоним қизим, шўргина пешонамда шундайин ёзуқлар битилган бўлса?.. Қанчалар суюнгандим-а!..

Кимдир тинчлантиришга уринди.

– Бўлди-бўлди! Эркаклар кутиб қолишди.

Э, менга нима! Менга деса кунлаб, ойлаб кутишмайдим! Мен нимага зорману, улар нимага муштоқ. Мени кучиб олган аёл Давроннинг онаси эканлигини дарров сездим. Юрагим ҳам хаприқиб, ҳам орзиқиб кетди. Ўкириб бўзлашга тушганимда аясининг ўзи елкаларимни оҳиста силаб-сийпаб овутишга тутинди.

– Бўлди, қизим. Бошга тушганни кўз кўраркан. Қандоқ қилайлик энди... Оддийгина бир банда бўлсак...

У мени авайлаб ўриндикка ўткизаркан, ўзиям ёнимга астагина чўкди. Ҳозирда уни кучгим, юрагим бўшагунча тўйиб-тўйиб йиғлагим, Давроннинг бўйини шу онасидан излагим келди. Лекин тўйиб йиғлаганим билан юрагим буткул бўшаб қолармиди, аксинча дарё каби тўлиб-тошиши тайин. Шишган қовоқлари остидан қайғули боқаётган кўзлари бироз нам олгану, афсуски бир қатрагина кўз ёши ҳалқаланиб ҳам қўймайди, шўрлик онаизорнинг. Фарзанд доғида бир куннинг ўзидаёқ буткул қурибди. Бу доғ нақадар куюк эканлигини, шу билан бирга ишқ соҳибидан айрилиш доғи бир умр юрагингга аламлар исёнини шафқатсиз тарзда жойлаб кетишини шу лаҳзаларда чуқур англаб, совуқ сесканиб кетдим. Гўё юрагингда асраб-авайлаб, ардоқлаган ниҳолингни беаёв куч илдиз-пилдизи билан суғуриб ташлаган маҳал жонинг ҳам бирга юлингандек бўларкан. Болалигимдан Ҳамид

Олимжоннинг асарларини севиб ўқирдим. Қайта-қайта му-толаа қилган сарим ҳар гал ажойиб манзараларга дуч келиб, сеҳрланиб қолардим. Гўё ўша асар оламида яшаётгандек билардим ўзимни. Қандайдир роҳат топардим ҳам. Кейин эса садоқатли кишисининг куюгида бир умр куйиб-ёниб яшаган Зулфиянинг шеърларидан бошимни сира кўтара олмасдим. Баъзан тўйиб-тўйиб бўзлардим. Анча вақтгача ўзимга келолмай юрардим. Икки шоирнинг юракларидаги меҳр-муҳаббат булоғининг қанчалар соф, қанчалар ардоқли эканлигини англаб етгандим ўшанда. Лекин тақдир тўзонида Зулфиянинг бир умр бор дардини ижодига сингдиргани мени ниҳоятда лолу ҳайронлар қолдирганди. Шоирага чексиз таҳсину эҳтиромлар ўқигандим ўша пайтлар. Биламан, биламан мен Зулфия бўлолмаيمان, лекин тақдир чигалликларининг чангалида шоирага қанчалар оғир бўлганлигини энди-энди тушуниб етдим.

Дугоналарим кўлтиклаб чиқишаётганида Давроннинг аяси аччиқ уввос тортиб, мени яна бағрига босди. Юзини юзимга босиб, бироз қалқиб турди. Мен эсам ҳушимдан батамом кечгандек инон-ихтиёримни унга бериб, карахт қолдим. Қандайдир куч яна бир баҳя туришни истайди. Қайсидир куч эса, Давронсиз бу хонадондан тезроқ кетишни кўзлайди.

Давроннинг аяси кўзларимга бир муддат лаблари тинимсиз пирпираб, ғам-ташвишдан чуқур ботган нурсиз, серқайғу нигоҳида зорланиб термуларкан, юзимга лаб босганча нафаси тикилди.

— ...Сен ўзингни кўп ҳам қийнама, жон қизим. Ҳаёт ўзи шунақа тескари яралган шекилли. Майли, сабр қил, хўпми, опоқ қизим...

У ортиқ чидам тополмаслигини сездими, лаблари аламли қимтиниб кетди. Елкалари силкиниб-силкиниб, мажолсиз гавдасини аста узди. Қизиқ, боя ақалли бир томчигина ёш сизмаган кўзларидан энди дувиллаб ёшлар куйилди. У бир одим ўзини орқага ташлаб, бир ҳовучгина бўлгандек мунғайди-қолди. Дод солиб юборай дедим. Шафқатсиз ҳаёт ҳукми кўзимга зулмат чодирини қошлаб қўйдими, э, воҳ!

Нахот, тақдирим бунчалар чигал бўлмаса? Нахот, айрилиқ доғи менинг бошимни шунчалар барвақт “силаб-сийпалаган” бўлса?! Бу чеки кўринмас қайғуларга қандоқ чидайин, қандоқ?..

Дугоналарим икки ёнимдан қўлтиқлаб олишди. Остонадан хатлаётиб кўзларим бел боғлаб турганлар қаторига бир сидра қочоқ нигоҳ солиб ўтди-ю, кимдир кўзимга ўтдек кўри-ниб, яна қайта қарашга мажбур қилгандек бўлди. Шу билан бирга бир холис ният: Давроннинг дадасини узоқроқдан бўлса-да бир қур кўриб қолиш илинжи ҳам кўнглимдан ўтди. Суянч дугоналаримни беихтиёр икки ёнга аста қалқитиб, бир сония ўша томондан кўз узмаганча қадам ташладим. Дугоналарим не қиларларини билолмай, ўнғайсизланиб қолишди. Сим-сим санчилаётган юрагим оғир қалқиб, хўрлигим келиб кетди. Ортиқ чидолмадим. Шу топда, қизим, деган нақадар таниш, ҳам қадрдон, аммо хуркак оҳангли хитобдан сесканиб, ўзим томон каловланиб қадам ташлашга интилган – нигоҳимни бир қур занжирлаган кимсага жавдирадим. Хиралик индираётган бир қатрагина ёш ҳалқобини бир кўз юмиб ситиб чиқардим-да, олға талпиндим. Товушим хастаҳолгина узилди.

– Дада!.. Дада-жон!..

– Гўзал, қизим!..

Синик, ҳам ҳазин, шу билан бирга ҳорғин товушдан эсанкираб қолаёздим. Бировни дадамга ўхшатаётган бўлсам-а. Ўз ўйимдан саросимага тушдим, бироқ қандайдир куч мени яна у томон интилтирди. Икки ёнимга қайта кирган дугоналаримдан ногаҳон яна узилдим.

– Дада-а, бу... ўзингизми?..

Ичим куйиб, зириллаганча йиғлаб юбордим. Алам оғушида бора солиб, дадамнинг бағрига ўзимни отдим. Тақдир зарбаларини бўлишмоқчи бўлган каби илтижоли тикилдим. Дадамнинг нигоҳини бир нуқтада ушлолмай энтикдим.

– Дадажон!.. Сиз... сиз ҳам эшитиб келганмидингиз?..

Дадам нега бел боғлаб олдийкин, ё Давроннинг дадаси таниши бўлса ҳамдардлик билдириб, елкама-елка турибди-

микин? Лекин ҳозирда бу бесамар саволларнинг жавобига маҳталликнинг мавриди эмас.

Дадам бирдан чайқалганиданми, бежо кезаётган кўзлари дарвоза тарафга михланиб, ранги кум ўчиб кетганига кўзим тушди. Не қиларимни билолмай қолдим. Унинг, «акангдан бевақт айрилиб қолдик, қизим», деганини эшитдим, кейин нима бўлганлигини англолмадим. Англаганим шуки, аллакимлар чопиб келиб мендан ногаҳон узилиб, бир томонга ён бераётган дадамни ушлаб қолишди. Шу лаҳзадаёқ дугоналарим яна қўлтиғимдан олишиб, автобус томон етаклашди. Ногаҳоний бош ўгиришим икки ният билан жонланди. Бири сўнгги бор Давронлар хонадонини кўриб қолиш, бири эса дадамнинг аҳволидан безовталаниш эди. Шунда дадамга жонсарақ ёпишиб олган Давроннинг аясини илғадиму, оёқларимни ерга маҳкам тираганча бу сўқир кўзларга ишонмагандек бақрайганча қотиб қолаёздим. Давроннинг аяси кимгадир ёлборди.

– Бехзоджон болам, тез дадангга сув келтир!.. Вой, шўрим, шунча кўргуликлар каммиди?..

Наҳотки, наҳотки дадам... Йўқ-йўқ, сира бўлиши мумкин эмас. Бехуда хаёлларга борма. Унда нега “дадаси”лаб қолди. Шу топда, аямнинг кундоши бўлмасин тағин, деган ўй миямга яшиндек урилиб, баттар шалвирадим. Бу ҳам етмагандек яна бир ички ғалаён совуқкина ҳукм суришга киришди. Акангдан бевақт айрилиб қолдик, қизим, дегувчи дадамнинг оғриқли ноласи остида қандайдир ишора бордек эди. Наҳот, ўз акам билан... Йў-ўқ!!! Йўқ-йўқ, бўлиши асло мумкин эмас, мумкин эмас. Унда... унда нега, аканг, деди? Наҳот!.. Оҳ, бу не кўргулик. Бу не тақдир ёзуғики тикка бўй бериб, бор-будингни қасдма-қасдига тилимлаб ташлайверса?!

Шу пайт бир ёввойи чийиллаш хунук товуш берганча келиб қулоқларим остида портлагандек бўлди-ю, Давроннинг дадамга берган сифатини кўз олдимга тикка қилди. Қирғичдан астойдил ўтқизган каби қулоғимга бир нималарни висирлагандек бўлди. Бу хаёлимда содир бўлдим, ё бир киприк

қоққулик вақтда туш кўргандек бўлдимми, англолмай қолдим. “Хоним, мабодо дадангизнинг чап қошлари четида андаккина тиртиқлари топилмайдими?..”

* * *

Кўзимни очганимда ёнимда ўтирган аямни кўриб, кўзларимга ишонмагандек ҳайрон боқдим. Сўнг эса ички аламлар ҳаёлимга лопиллаб кўндаланг бўлди-ю, унинг қайта бош кўтарганидан ўкраб юборганимни билмай ҳам қолдим. Аям назаримда бир ҳовучгина бўлиб қолгандек туюлди. У мени оҳиста кучганча овута бошлади. Қизлар етказишган шекилли, хастагина шивирлади.

– Қўй энди, қизим, жигар-бағрингни эзганинг билан ба-рибир қайтиб келмайди. Унинг руҳини азоблаб, кўп ҳам кўз ёш тўкаверма! Биламан, туйғу савдоси жуда қийин нарса. Яхшиси, яхшиси, шу ердан кета қолайлик, жон қизим. Сенсиз уйим ҳам, бағрим ҳам ҳувиллаб қолди ўзиям. Кечалари ёлғиз ўзим мижжа ҳам қоқмай тонглар оттираман. Дадангни узукун кутишларим етар ўзиям.

“Даданг”миш! Шу жумла орқали ҳушим эндигина равшан торта бошлади. Шунда аламли, чидаб бўлмас нидо тилимдан шиддат билан кўчди.

– Аяжон, нима учун дадам уйимизни “меҳмонхона” дерди?

“Дадам” сўзига атайлаб алоҳида санчикли, ҳам илмоқли урғу бериб ўтдим. Ҳатто тилга олишгаям ҳазар қилгудек кайфият ва руҳиятда турганлигимни аямга уқтириб қўйгим ҳам келиб кетди.

Аям дабдурустдан берилган бу жумбоққа жавоб тополмадим, бироз оғир ўйга толиб қолди. Ҳозир ўзи нима кепатада ётибсан-у, бу даҳмаза саволнинг нима ҳожати бор, дегандек юз ажинлари маъноли тиришди. Кўнглида шу саволга нисбатан гумон пайдо бўлганини кўзларидан уқиб, юзимни буриб олишгаям ўзимда журъат тополмадим. Ана шу шубҳа аямни жавоб беришга ундадим, энди хавотири ошди.

– Айтардим-ку ахир, дадангнинг уйи кўча, деб. Нима эди, жон қизим.

Қийнагим келмади. Бамайлихотир аямнинг оҳангига хос шивирладим.

– Ўзим. Шунчаки сўрадим-да, аяжон.

Ўзимни шу хилда тутсам-да, бироқ нимадир ич-ичимни аччиқкина сидириб ўтгандек бўлди. Аямнинг бетоқатланиб туришига бир томони ичим ачиб ҳам кетди.

– Шунчаки сўроқлаш ҳам ҳар хил бўлади-да, қизим. Кўзларини юмганча хитоб қилди аям. – Очиғини айтавер, жоним қизим. Ўзи бусиз ҳам тушларимда сениям, дадангниям безовта кайфиятда кўравериб, юрак-юрагим лахта-лахта бўлаёзди. Худди билгандек шу ёққа учибман. Аммо сени бу ҳолда кўриб, ҳушим бошимдан учди, жон қизим. Биргина дилбандим, ягона суянчиғим ўзингсан, яна кимга юкимни ташлай. Адойи тамом бўлган онангни ортиқ қийнамай, айта қолсанг-чи! Юрагим ўзи япроқ мисол хилвираб ётибди. Айта қол, бир нима бўлдимми?

Аямга янаям ачиниб кетдим. Айтайми, айтмайми? Қандайдир куч оғир босиб, зинҳор айта кўрма, дейди. Яна қандайдир куч илдам тортқилаб, айтаверсанг-чи, ахир, дейди. Шунда шиддат билан ёпирилиб келган аччиқ алам вужудимни ёргудек қилич тиғига тўғрилади. Такдиримни зулматга, кечириб бўлмас хатога юз тутишига ким айбдор? Аямми, ё дадамми, ким? Мени бу дунёдан кўнглим минг қадар совиб, чексиз чиғириклар исканжасида ҳиссиз кайфиятда кун кечирмаслигимга ким қафолат беради, ким? Шу каби аламли тиғ остида адоқсиз хаёлларга чўк тушганча андишанинг юзига эндигина никоб тутишга чоғланганимда аямнинг муздек кафти пешонамга илкис тегиб, ҳушимни йиғдим. Хасталиги ҳуруж қилди шекилли, қўли музлабди. Бирор нимага сиқилса, дарров вужуди музлаб кетадиган дарди бор. Кўрқиб кетдим. Тура солиб унга ёпишдим.

– Аяжон, нима бўлди? Ўзингизни қўлга олинг. Мен ҳозир...

Ошхонадан ҳовучимда сув келтириб юзига сепдим.
У бир сесканиб, ўзини бироз ўнглагандек бўлди. Йўқ, бу
машъум сирни зинҳор ва зинҳор айтиб бўлмайди. Кўтарол-
майди. Яхшиси, умрбод ичимда сақлаганим маъқул. Шу
қалбий ваъда ҳукмона ҳам тилимни, ҳамки дилимни бирдек
кулфлади.

* * *

Ўқишдан чиқиб келган қизлар менинг жонланганимни
кўришиб, дадил тортишди.

– Ҳа, хайрият-ей, яхши бўлиб қолибсан-а, дугонажон.
Ўқитувчилардан тортиб курсдошларгача сени куюниб
сўроқлашди.

– Раҳмат. Анча тузукман.

Шундай дедиму, юрагимда тинимсиз ғалаён қилаёт-
ган гуноҳларим кўз олдимга келиб, ўз-ўзимдан ниҳоятда
нафратланиб кетдим. Иложи бориचा сиртимга чиқармаслик
учун нигоҳимни ерга маҳкам қадарканман, аямнинг ёнида
ўтирган Дилдора оғиз очди-ю, гўё ер паллаланиб ёрилган-
дек, кўз олдим айқаш-уйқаш чизикларга тўлиб кетди. Кўз-
ларимни чирт юмдим. Қанчалик каттиқроқ юмишга урин-
май, ёруғлик излари шунчалик йўл топиб, сингиб киравер-
ди. Қулоқларим туб-тубидан Дилдоранинг, фотиҳага Эркин
тоғаям мотамсаро кийимда келган экан, дегани узлуксиз
айбюҳаннос солиб ўтади. Бор вужудимни кўпиртиргандек
эзиб-эзиб ташлайди.

Аранг бош кўтардим. Ғазаб илашган нигоҳимга кўзи
тушган Дилдоранинг уни ўчди. Ранги бўзариб, нима, мен
ёлғонни гапирдимми, дегандек қизларга бирма-бир жавдираб
чиқди. Кейин ўнғайсиз ўтиришни ўзига эп билмади шекилли,
чойга уннаш баҳонасида ошхонага йўрғалади. Бу гапдан аям-
нинг безовтали шубҳаси янаям ошгандек эди. Юз-кўзларида
чарсиллаган сўров аломатлари бирваракайига ерга михлаб
қўйгандек эди мени. Қизларнинг олдида сўроқлашни лозим
кўрмадимми, индамади. Рухияти янаям сусайиб, оғир хаёлга
чўмди. Мен эсам унинг синовчан назари тушишидан чўчиб,

нигоҳимда ер чизаман. Зимдан кузатаман. Бурун катаклари кенгайиб, лаблари хиёл пирпираб турибди. Қизлар бу оғир сукунатни бузишиб, ўринларидан кўзғолишди.

– Савдо дўконига кириб ўтиш хаёлимиздан кўтарилибди. Гириллаб тушиб чиқайлик. Сизлар бемалол...

Уларнинг чиқиб кетишлари менда саросималик уйғотиб, дилимни ғашласа-да ноилож нигоҳим билан кузатиб қоларканман, якка қолган аям шўрликни астойдил овутгим келди.

– Бирга ишлашади шекилли, – дедим иложи борича ичимдаги аччиқ исёни босишга уриниб. – Дўсту биродар шунақанги оғир кунларда ёрдам қилмаса, тикка туриб бермаса бўлмас.

Аям барибир ўзгармади. Ишонч ҳисси ҳам уйғонмади. Билиб турибман, бу чигалликнинг ечимини кези келиб менадан мажбуран суриштириб олишини. Аммо унгача берадиган жавобимни фикран пишитиб олмасам ҳам бўлмайди.

Тавба, менга нима бўлаяпти ўзи? Гоҳ юрагим зарб билан уриб, гоҳи ҳиссиз-туйғусиз бўм-бўшдек туюлади. Бир нима ич-ичимдан ғимирлаб келди-ю, дош беролмай ваннахонага шошиб ўзимни урдим. Сув жўмрагини баралла очиб, унинг шариллаб қуйилиши остида бу маънисиз ҳаётнинг шафқатсиз ўйинидан тўйиб кетганимдан ўксиб-ўксиб йиғладим. Дод дегим, фарёд ургим, юрак-юрагимни юлқиб-юлқиб ташлагим келиб кетди. Нималар қилиб қўйдим ўзи? Дадам-чи? Биргина ўзи ҳам ўғлининг бошига етди, ҳам менинг дунёимни парча-парча қилди. Минг алам, минг афсус. Аям шўрлик бу томонларини билмаса, билолмаса, нима ҳам қилсин? Билганида ҳам нима қила оларди бечора. Эссиз, эссиз!..

* * *

Дугоналарим билан буткул хайрлашиш жуда оғир бўлди. Аям тўғри айтади. Бу ерда бўлсам, ўзимни ҳаддан зиёд қийнаб қўяман. Бу турган гап. Шу боис унинг измига кўндим. Бир умрга бу ердан қадам узаётганлигимни ўйлаб, оғир энтикиб ҳам кетдим. Аммо яна гуноҳлар чангали вужудимни чирмади. Гўё бу ёруғ дунё зулмат қаърига чўкаётгандек эди...

Исёнлар ҳалқаси
(Юлдузнинг ҳикояси)

Гўзал ҳам, дадаси ҳам тушларимга киравериб ҳаловатимни обдон олишди. Юрагимни ҳовучлаганча етиб келсам, бу аҳвол. Қизимнинг дарду ташвишини дугоналаридан эшитиб, бусиз ҳам безовта ураётган юрагим нақ ёрилай деди. Шайтон минг кўчаларга етаклайди, тақдиримни поймол қилган ўша машъум кунни кўзимга шиддат билан беҳаёларча тақайди. Масхаралагандек бўлади. Ана, қизингниям кўриб бок, қуш инида кўрганини қилади-да, деяётгандек бўлади. Гўё жон томирларим узилиб-узилиб кетадигандек таранг тортишади. Йўк, шайтонга ҳайф бериб, қизимга зуғум қилмадим. Ўлганининг устига тепмайин дедим. Аммо унинг дадаси тўғрисидаги чигал жумбоғи мени анча саросимага солиб қўйди. Дугонасининг, фотиҳага Эркин тоғаям мотамсаро кийимда келибди, дегани тамоман гангитиб кўяёзди. Назаримда Гўзал ҳам ўзини йўқотиб қўйгандек эди. Шу пайтда мени анчадан бери тинчимни олаётган қандайдир шубҳа ва чигалликнинг яширин кати кўрингандек эди. Бунинг калити қизимнинг қўлида экандек туюлди. Йўқса, дадасининг тилида уйимизнинг нима учун “меҳмонхона” эканлигини суриштириб қолди? Йўк, бу ерда чиндан ҳам жиддий бир нима бор. Бунинг сабабини дугоналарининг олдида суриштиргудек бўлсам, ноаён бўлган бирор гап ошкор бўлишидан чўчидим ҳам. Унинг устига сал диққатпазликдан хуружи тайин бўлган юрак хасталигим тутиб қолишидан кўркдим ҳам. Шуларни ўйлаб индолмадим. Бироқ ҳамон хаёлимни чирмаганча кезинаётган “Нима учун Эркин акам мотамсаро кийимда бел боғлаб туради?”, “Нима учун бу тўғрида менга индамади, ё ростдан ҳам ҳамкасбимикин?” деган саволлар тинчлик бермайди. Жўнаш учун эрталабки йўналишли автобусга чипта олганимда, Гўзалнинг авзойи бирдан тундлашиб қолди. Ростини, чўчидим. Хаёлимдан дугоналаридан айрилгиси келмаяптимикин, ё тақдирининг чигал тушганига тоқат қилолмаяпти шекилли, дея тусмолладим. Йўк, муддаосини кечки пайт баён қилиб қолди.

– Аяжон, агар эътироз билдирмасангиз бир илинжим бор эди.

– Майли, айта қол, жоним қизим.

Шундай дедиму ташвишланиб қолаёздим. Ишқилиб, пишаётган ошни хом аталасини чиқариб турмаса гўрга эди. Гўзал ер чизганча иккиланди. Юз-кўзларида ҳамон изтироб излари кезинишининг ўзи юрагимни элакка ташлаганлигидан нимани истаса, шунини ижро қилмасам бўлмасди ҳам. Кутиб қолганимни сезиб, астагина бош кўтарди.

– ...Аяжон, бу ердан энди тамоман қадам узаяпман. Агар рози бўлсангиз Даврон акамнинг қабрини сўнгги бор зиёрат қилиб кетсам, армоним қолмасди. Ҳарқалай руҳи...

Қизимнинг ўта ҳазин, синиқ товушидан кўнглим бир қадар чўкиб тушди. Унга ҳозир қанчалар оғирлигини билиб турибман. Лекин ўзимнинг ҳам уни кўриб, кўнглим тўлиқиб келаётганлигидан базўр чидам топгандекман. Нимаям дердим, ноиложман. Кўнмай қаёққа!

* * *

Тонг отишига яқин йўл тадорлигини кўра бошладик. Дугоналари билан хайр-хўшлашиш ҳам Гўзалга қанчалар кийинлигини билиб турибман. Улар бир-бирларидан сира айрилгилари келмас, бир-бирларини маҳкам қучишганча бир қатор кўз ёши ҳам қилиб олишди. Аранг узилишиб, йўлга тушдик. Енгил машина бир зумнинг ичида қабристон бикинига элтиб кўйди.

Гўзал вазмин қадам босади. Мени эса юрагим тинмай безовта дукиллайди. Қизимнинг руҳиятини кўриб, унинг измига кўна қолганлигимдан ўзимни-ўзим койигандан-койийман. Совуқ шабада эсаётган қабристонга ичкарилаб борарканмиз, мавҳум хаёллар вужудимни титратиб, гўёки бир нималар оёғим остидан мўралаб, ё илашиб оладигандек сергак тортаман. Саҳар палладаги дўппайиб, эт-этгача узлуксиз сескантириб турувчи қабрлар кўзимга янаям бўй чўзаётгандек туюлиб, юрагим бехос орқага тортиб кетади. Пастқамликдан қиялаб юқорига кўтариларканмиз, ҳам нафасим қисиши зўрайди,

хам юрагимга хуружли ўйноқилик куч бериб, анчайин то-
лиқтирди. Ҳансираб қолдим. Гўзал эса олдинда ҳорғин қа-
дам ташлаб, ўз хаёлларига банди бўлганча бош эгкан. Ўтириб
олгим, бир нафас бўлса-да тин олгим келади. Лекин бунинг
сира имкони йўқ. Қизимдан орқада қолмаслик учун қадамим-
ни тезлаштираман. Гўё қабрлар ичидан ногаҳоний қўл чиқиб,
тортиб оладигандек хуркиб, ўзимни гоҳ у ёққа, гоҳи бу ёққа
олиб, қадамимни пайдар-пай босиб қоламан. Ўзимни обдон
кийнайман.

Илонизи сўқмоққа тушиб олганимизда қаршимиздан бир
нуроний чиқиб келиб, бизга йўл бўшатмоқчи бўлди шекил-
ли, ўзини қабрлар орасига илдам олди. Кўринишидан шу
ернинг хизматчисига ўхшади. Салом бергач, Давроннинг
қабрини суриштирдик. У бизга жавобсиз йўл бошлаб бориб,
янги қабрнинг бош томонида бағрини тупроққа берганча
зорланиш йиғисиди тўлғонаётган аёл ва оёқ томонида чўк-
ка тушганча унсиз бош эгкан, бизга орқа қилган кўйи йўғон
гавдасига мотамсаро кийими хунук хурпайиш берган эркак
тарафга кўз имосиди ишора қилиб, оҳистагина ортига бурил-
ди. Ўнғайсизлик ўз қамровига олиб, ўрнимда қотдим. Қандай
яқинлашиш, нима қилишликка ақлим ожизлик қилган палла-
да дафъатан кўтарилган аччиқ йиғи садосидан оёғимгача муз
югургилади. Кўз олдимни хира қоронғулик босиб турди-ю,
зум ўтмай хастагина тарқалди. Юрагим тўлиқиб, кўзларим
ёшга беланди. Идрок кучини йиғиб, Гўзалнинг чайқалганча
бориб ўзини қабрга отганлигини кўрдиму, баттар титраб кет-
дим. Унинг, кечиринг мени, акажон, нодон синглингизни ке-
чиринг, дегувчи басма-бас зор-қақшашлари то бу аччиқ, аммо
маънодор нолаларнинг нималарга ишора қилинаётганига
ҳали ақлим етмай довдираб турганимда, қабрдан бехос бош
кўтарган аёл сапчиб ўрнидан турди-ю, кела солиб Гўзални
бағрига олганча йиғига қўшилди. Эркак эса ялт этиб аввал
Гўзалга, сўнг мен томонга безовталаниб қаради. Қаради-ю,
нигоҳлар ногоҳ бир зум тўқнашди. Тўқнашган заҳоти аввал
аччиқ бир санчишлик вужудимни қақшатиб ўтди-да, сўнг эса
кўзларимга тамом ишонмаган каби қаққайганча қотдим. Гўё

бошим устида осмон гумбурлаб, оёғим остида ер ёрилди-ю, минг бўлақларга бўлиниб кетгандек бўлди. Эндигина латиф нур сочиб келаётган офтоб ўз нуктасида чирпирак бўлганча муттасил айлана кетди. Дўппайган паст-баланд қабрлар, анча наридаги қуёш нурини ўзида жилвалантиришга уринганча савлат тўкиб турган мовий гумбазли мақбара бирдан остин-устунликка учраб, ер ўпишга ошиқди. Кулоқларим аччиқ фарёдлардан қувват йўқотиб, миямни зиркиратувчи чийиллаш зоҳир бўлди. Оҳ, десам оғзимдан олов сачрагудек даражада жисмим ёнади. Даҳшатлардан, бу ҳаётнинг аччиқ зарбаларидан, алдовларидан эзилганим, эзгиланганимдан кўзларимни чирт юмдим. Зулмат қоплаган нигоҳим нақадар таниш кўзларнинг бежо тасвирига қарши қалам ургандек, айқаш-уйқаш чизиклар тортади. Ўз косасидан чиқишга уринган “у” кўзлар тасвири гоҳ йироқлашиб, гоҳи бостириб келгудек вазоҳатда бағримни аёвсиз тилади. Оловга ташланган бу жон гўёки меники эмасдек. Гўё бу оламда туш каби умр кечиргандек вужудим хилвираб қолди. Кимдир югура келиб маҳкам қучгандек бўлди. Базўр кўз очдим, зулмат пардасини йиртиб ўтган қуёш нурларидан кўзларим бехос қамашиб кетди. Қизимни аранг илғадим. У жон ҳалфида чиркиллаб, аллаёққа куч билан тортқилайди. Шунда уч-тўрт қадам нарида ўзим томон бақрайганча бетиним қалдирокқа тушган, энди умрбод бегонага айланган вужудни бояги аёл қучганча қакшарди.

– Вой, дадаси, кўрқитманг мени!..

Бу ёқда Гўзал мени қучганча ялиниб-ёлборади.

– Аяжон, юра қолинг, кетайлик бу ердан!.. Кўрқиб кетаяпман, ая...

Шу топда оғир вазминликни елкалаб, ҳорғин нафас олаётган қабристон бўйлаб кезган жон ҳайқириғидаги отилган исмим чор атрофга ларза бергудек таралди.

– Ю-юл-ду-уз!..

Чеки йўқ нафрат юз-кўзимга сапчиб, товуш келган томонга шуурсиз юз бурдирди. Аёлнинг куйиб-ёнишлари исқанжасида мен томон талпинмоқчи бўлган, алланимани чираниб айтмоқни, тушунтирмоқни истаган “бегона” вужуднинг

ажинларга тўла изтиробли юзини кўрдиму, хўрлигим чандон ошди. Гўзалнинг кучли тортқилашидан унга телбалардек эргашиб, пайдар-пай одимлаб кетдим. Шунда қулоғимга аёлнинг (Нима дедим, аёлнинг, дедимми? Ахир, у кундошим экан-ку! Эҳтимол, мен унга кундош бўлгандирман. Кундош бўлиб, хонумонини куйдиргандирман. Эҳтимол, у ҳали мендек кундошини билмас) аччиқ-аччиқ бўзлагани илашди-ю, кетиб бораётган жойимда қаттиқ қалқидим.

– ...Вой, касофатнинг қурбони бўлган, жоним болам-а!.. Кўз ёшимни юрагимга тўккан болам-а!..

Дод десам, фарёд урсам, юрагимни юлиб-юлқиб ташла-сам дейман. Мен, нодон, ўз хаёлларимга эрк бермаганимда, эҳтимол, бу кўша фалокатлар бўлмасмиди-а? Нима қилай, бу гуноҳларга тўла бошимни қай деворга, қай тошга урай? Наҳот, бу алдамчи ҳаётнинг чирмовиқли чигалликлари тақдиримга бешафқатларча бойланган бўлса? Наҳот, алдамчи сўкмоқлар мен учун атайлаб яралган бўлса? Э, воҳ, аламлар гирдоби азобу уқубатларга бунчаям тўлмаган бўлса? Бундан бу ёғига иймон қийноқлари исканжасида яшамоғим аниқ. Рухий қийноқлар ўз халқасига олмоғи аниқ...



ИККИ ЎТ ОРАСИ

Енгил машина бозор томон елдек учади. Ён ойнадан ури-лаётган шабада Зайниддиннинг юзларини қитиклаб, қўнғир сочларини тўзғитиб ўйнайди. Зайниддин кулимсирайди. Бугун унинг кайфи чоғ. Жажжи ўғилчасининг туғилган куни. Роппа-роса икки ёшга киради, азамат. Шу баҳона барча қўнгил яқинларини таклиф қилиб қўйган. Би-ир мазза қилишсин. Дилфуза телефон қилиб, қайнона-қайноталари ҳам йўлга отланишгани айтди. Эҳтимол, етиб ҳам келишгандир. Хуллас, бугун байрам...

Зайниддин бозор дарвозасига етиб-етмай кафтларини косача қилганча қаққайган лўли болачага дуч келди. Болача ҳам худди ўчакишгандек, шунча одамнинг ичидан келиб-келиб уни танлаб, йўлига тўғаноқ бўлиб турибди. Нуқул:

– Амаки, садақа радди боло, савобдан қолманг... – дея чулдирайди.

Зайниддинни қандайдир сеҳр босгандек, ўрнида қотди-қўйди. Болакай бўлса, худди оёқларига ёпишгудек бўлиб, ёлворишларини кучайтирди.

– Жон, амаки, садақа қилинг. Худо йўлига садақа қилинг.

Зайниддин оёқлари бўйсунгиси келмагандек олдинга юрмайди. У бошқа иложи йўқлигини туюб, шоша-пиша киссасини кавлади. Аксига олиб майда пули йўқ экан. Ўтган-кетганнинг назарини ҳис қилиб, баттар ўсал бўлди. Бу ахволидан ўзи ғижинди. Нега ҳадеб хижолат чекаверади? Бошқаларнинг нима дейиши билан нима иши бор! Бирданига болачани нари суриб, йўлида давом этди. Бола ҳам бўш келмади. Югургилаб ўтиб, яна олдида туриб олди. Умидвор нигоҳини тик қадаб, зорланиб тураверди.

– Амаки, топганингиз тўйларга буюрсин. Садақангиз қиёматда бошингизга соябон бўлсин...

“Тавба, бу тирранчага шунча гапни ким ўргатади экан? Муштдек жонидан шунча, ҳали катта бўлса!..”

Садақа бериб, қутилай деса, чўнтагида ҳаммаси йирик пуллар. Чурвақага йирик пул бериб тентак бўлгани йўқ. Қолаверса, ҳаммаси ҳисобли, тузуккина бозор қилиши керак. Лекин, қизиқ, Зайниддин гўё болакайдан қарздордек хижолат ҳам чекиб қўяди. Буни манови тушмагур ҳам пайқаган шекилли, қоп-қора, думалоқ кўзларини жовдиратиб, кўлчаларини чўзиб, қаршисида туриб олганча ёлворгани ёлворган. Зайниддиннинг тоқати тоқ бўлди. Ўзи ҳам худди ёш болага айланиб қолгандек, асабий жеркиб берди.

– Эй, қанақанги безбет боласан. Бо-ор, тошингни тер-е, зумраша. Қани, нари тур!

Болани бу сафар қаттиқроқ туртиб, четлатди-да, ўтиб кетди. Барибир бўлмади, сал нари бориб, ортига қаради. Болапақир унинг ортидан бир нималарни аламли чулдираб, қоп-қора, шалтоқ юзига митти ҳовучини ихлос билан суртди. Зайниддиннинг юраги шув этиб кетди. Эти сесқанди. “Нима бало, қарғадими, бу қораялок”. Бир кўнгли йириги бўлсаям бош-оёғидан ўгириб, садақага ташлаб кетгиси келди-ю, негандир тагин зикналиги тутди. Э, бор-е, сен мишиқи ким бўпсанки... деди-да, зардали кўл силтади. Одамлар тўпига қўшилиб, бозорга шўнғиди. Тавба, бир пасда таъбини тирриқ қилди. Тўтикушга ўхшаб чулдирайди-я.

Биласиз, бозор оёқлаган сари ғала-ғовур авжига минади. Ҳар ким ўз молини тез ўтказгиси, қоронғу тушмай, тезроқ кетиб олгиси келади. Зайниддин раста оралаб бораркан, қулоғига бир болакайнинг ингичка, ўтқир овози алоҳида ажралиб чалинди-ю, атрофга аланглади.

– Кеп қолинг, асал шафтолидан оп қолинг. Сотаману-кесаман...

Болакайнинг чорлови қулоғига такрор чалинганча, ўша ёққа қараб юрди. Шафтолиси яхши бўлса, икки-уч килоча сотиб олади. Қайнонасини бир қувонтирсин. Шўрликнинг тишлари

барвакт тўкилиб, бор-йўғи беш-олтитасигина диккайиб қолган. Шафтоли ҳар ҳолда юмшоққина, милкида “чайнаб” ўтказиб юборса ҳам бўлади. Ўзининг хаёли ўзига нашъа қилиб, кулимсиради. Ҳалиги дилхиралиги таркагандай бўлди.

Болакайга пештахтадан жой тегмаган шекилли, йўлакка тизилганлар қаторида туриб, икки оёғининг орасидаги бўшаган пақирига кийгизилган иккинчи пақирдаги шафтолилардан тарозида тортганча тўлачадан келган аёлга ғурурланиб чулдирайди.

– Мана, холажон, Ош бўлсин, айтганингиздек роппа-роса тўрт кило. Асал шафтоли-да бу, билсангиз. Ҳечам хижолат қилмайди лекин. Ҳовлимиз томонга йўлингиз тушгудек бўлса, текин бераман.

Аёл бош ирғаб-бош ирғаб, мийиғида майингина жилмайганча миннатдорчилик билдирди-да, йўлига равона бўлди. Болакай уни чўғ сачрагудек нигоҳида кузатгач, яна харидор чорлашга киришди.

– Кеп қолинг, оп қолинг!.. Сотаману...

Зайниддин сап-сарик бўлиб, ялтираб турган шафтолиларга кўзи тушди-ю, оғзи беихтиёр сув очиб кетди. У болакайнинг орт томонидан бориб қолганлиги учун уни ўзига қаратмоқчи бўлди шекилли, болакайнинг озғингина билагидан аста тутди.

– Шафтоли қанчадан бўлди, жиян.

Болакайнинг дами кесилиб, чўчинқираганча кетига бош бурди. Бош бурди-ю, негадир шамдек қотди-қолди. Нархини айтмоқ истагида жуфтланган лаблар очилганча қолди. Қисик кўзлари катта-катта очилиб, сийрак киприклари пирпиради. Қовоғи бирпасда бўртиб чиқди. Ранги бўзарди.

Зайниддин ҳам чаён чаққан каби болакайнинг билагини бехос қўйиб юбориб, кўзларига ишонмагандек ҳайратда қотди. Бирдан бошида қаттиқ оғриқ турди. Кўз олди қоронғулашди. Тушимми, ўнгим?!

Болакай кўзини ундан бир зум узолмаган ҳолда ўзини нарироқ олмоқчи бўлдимиди, кетига илкис тисарилди. Оёғи пақирларга қўққис урилиб кетди-ю, пақирлар даранглаб ерга

ағдарилди. Беш-олти дона шафтоли отилиб, думалаганча чангта беланди. У шоша-пиша шафтолилларни териб оларкан, хуркибгина Зайниддинга қараб-қараб кўйди. Бурнини ширт этиб тортди. Зайниддин эса гоҳ болакайга, гоҳ пақирдаги шафтолилларга, гоҳ ҳайратланиб жавдираётган атрофдаги со-тувчиларга олазарақ аланглайди. Ўтган-кетганлар ҳам ажаб-ланиб қараб-қараб кўйишади. Зайниддин ҳам, болакай ҳам ўзларининг ички кечинмалари, дардли ғалаёнлари қаршиси-да муз қотишган. Ниҳоят Зайниддин тилга кирди.

– Сенга ким айтди бу ерга...

Ажаб, томоғини бир нима ғип бўғиб келди-ю, сўрови ярмида янчилди. Алами келди. Аммо нима демоқчилигини зийрак болакай зумда уқди. Уқди-ю, қисик, чиройли кўзла-рида ёш ҳалқаланди. Товуши янаям ингичка тортиб, ҳазин узилди.

– Аям айтувдилар... Шафтолиллар тагига тўкилиб, ачиб кетаятувди, шунга... Кейин Дилор ҳам касал бўлиб қолди... – Болакайнинг ич-ичидан тошган оғир хўрсиниқ мурғак вужу-дини илкис титратиб ўтди. Хўрлиги келди. Дафъатан йиғлаб юбормаслик учун тинимсиз пирпираётган лабларини қаттиқ қимтиди. Зайниддиннинг ҳамон бир сўз демай, чакчайиб тур-ганлигига ер чизганча бир қур нигоҳ ташлади-ю, айб иш қи-либ қўйгандек оғрикли минғирлади. – Озгина қолди, шуни сотиб олсам, уйга нон, у-бу олиб бормоқчийдим...

Нон!.. Зайниддиннинг кўз олдида бирдан ўтли чизиклар чизилиб, кучли чақин чақди. Гўё борлиққа ўт туташди. Бо-зор турли қий-чувларга тўлиб-тошди. Юрак ўрнидан куч би-лан қалқиб, забтига олганча пала-партиш тепчилашга тушди. Ички тўлғониш жисмини чўғдек куйдира бошлади. Нафас ютиш ҳам қимматга тушгандек бурун катаклари керилиб, бўғзини хунук чўзганча оғир энтиқди. Ютоқишга уриниб кўрмоқчидек чиранди. Эпполмади. Эпполмагач, жазаваси тутди. Вужуд-вужуди титроққа тўлди. То ўзига келгунча бўл-май, болакайнинг қораси ўчди. Ҳар ён аланглаб, уни топол-мади. Унинг безовталигини нарироқдаги раста аттори куза-тиб турган эканми, ташвишланиб сўради.

– Тобингиз қочдим, иним. Кўмак керак бўлса, айтинг, тортинманг.

Зайниддин кескин бош чайқади. Нима қиларини билолмай, бир зум каловланиб қолди. Сўнг ўсмоқчилаб сўради.

– Бояги бола қаёққа гум бўлди, кўрмадингизми мабодо. Шафтолисидан олмоқчи эдим-а, эссиз. Шу юрак курғурнинг бироз мазаси йўқ-да, отахон. Айни нозик маҳалда хуруж қилиб қолади.

Аттор чол ҳам анойилардан эмас. Кун туғишидан тортиб минг хил турдаги одамлар билан муомала қиладиган, кўзи пишиб, дийдаси қотган, ёши улуғ савдогар бўлса. Жуда бўлмаса-да одамларнинг ичидагини кўзларидан уқиб, ҳам ўқиб оладиган бозорбоп қобилияти бор. Шу онда қариянинг хаёлидан, шунақанги бўйинбоғ боғлайдиганларнинг кўпида юрак хасталиги бор-а, тавба, аммо бунисиники бошқачароқ кўринади, деган хайратомуз ўй кечаркан, болақай билан Зайниддиннинг ўртасида қандайдир жиддий тугун борлигини пайқаб улгурди. Пештахтага коксуяк билақларини шақирлатиб тираганча Зайниддинга ўқдек тикилди. Ҳайроннамо тарзда елка учирди.

– Мижозим билан андармон бўлиб, қарамай қолибман шекилли. Аммо-лекин бу бола ҳар куни шу ерда. Ёнида бир жувон ҳам бўлгувчи эди. Сиз келмасингиздан бурунроқ бирга турганди. Эҳтимол, рўзғорига майда-чуйда харид қилиш учун дўкон оралаб кетгандир. Онаси бўлса керак десам, кеннойи, деб чақирганини эшитиб, бир ҳайрон бўлдим. Балким тоғасинингми, амакисинингми аёлидир-да! Яна ким билсин. Аммо назаримда бола шўрликнинг бошига тирикчилик ташвиши барвақтроқ тушганга ўхшайди.

“...тирикчилик ташвиши... тирикчилик ташвиши...”

Зайниддиннинг қулоғи остида бу сўзлар гумбирлаб, қалқиб кетди. Дод деб юборишига бир баҳя қолаёзди. Оёқлари чалишгудек бир амаллаб бозордан чиқиб одди-ю, ўзини машинасига урди. Титраб-қакшаб ўт олдиргач, газга аламли куч босди. Кетидан пагтачининг, ҳой, акахон, хизмат ҳақини тўлаб кетмайсизми, дея кичқирганига ҳам эътибор қилмади.

... Хом ғиштдан нари-бери урилган, пастқамгина девор билан ўралган ҳовли. Эсида, болалигида акаси иккиси дадаларининг дастёрига айланиб, шу деворни тиклашганди. Йиллар ҳам ўтавераркан, мана, отасининг ўтганига ҳам қанча бўлибди. Кўп ўтмай оналари ҳам омонатини топширди. Шу-шу ҳовлидан файз кетди.

Мана ўша девор ҳам бир ёнга бош ташлаб қолибди. Зайниддин ғалати ҳолга тушиб, сесканди. Гўё девор нусхида болалик лаҳзаларининг энг беғубор, беташвиш паллалари муҳрлангандек энтикди. Эзилиб-эзилиб, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келди. Бироқ йиғлолмади. Бу истагига нимадир, нимадир тўсиқ бўлганидан алами келди. Шунинг баробарида қандайдир кибрланиш ҳисси ғолиб келди. Обрў-эътибори топглаётгандек туюлиб кетди. Ҳозир бошлаб аламини олади-да, хуморидан чиқади. Машина эшигини қарсиллатиб ёпганча ҳовли томон йўналди. Қирган заҳоти ўзини кечки офтоб салқинига узала ташлаб олган кўпкак унинг шарпасини сезиб, илкис бош кўтарди. Таҳдидли вовуллади. Ётиб хуриши томоғини қирди шекилли, ўрнидан даст кўзғолди. Кўзғолди-ю, Зайниддинни таниб қолиб, соғинчли ғингшиганча дийдорига пешвоз чопди. Унинг оёқларига эшилиб, суйкаланишга тушди. Зайниддин чўккалади. Меҳр билан итнинг бошини оҳиста сийпалади. Хаёлидан, ит вафо, хотин жафо экан-да, деган ҳовур босгувчи кесатиқ ўтди.

– Барбос, тузукмисан? Соғинибсан-а? Шунақа!.. Бўлди-бўлди, талтайма! Қарагин, ҳаммаёғимни тукинга белаб ташладинг.

Барбос унинг қўл остидан отилиб чиқиб, ўзига ярашмаган алпозда ҳовли саҳни бўйлаб ҳар ёққа ғизиллаб чопа кетди. Чопа-чопа чарчади шекилли, тилини бир қарич осилтирганча келиб Зайниддиннинг олдига тушди. Йўл бошлади. Мана шу бизнинг уйимиз бўлади, хўжайин, кўриб қўйинг, дегандек ўқтин-ўқтин қараб кўяди. Эркаланиб думини ликиллатади. Дид билан безак топган меҳмонхонага туташган пастаккина уйнинг қаршисига етганида маънодор оҳангда бир-икки хур-

ди. Унинг ҳуришига безовталаниб, остонада кўриниш берган аёл қалин кўзойнагини ўнгларкан, кўзларини зўриқтириб қисди. Кўз четлари ғижимланиб, майда ажинларни қатлаштирди. Синчиклаб ҳовли саҳнидаги қора шарпага тикилди.

– Барбос, жим бўл! Ҳой, ким у?

Зайниддин ўрнида қотди. Оралиқ масофа ҳеч қанча эмас, жуда борса ўн қадамча, холос. Бўлмаса йўқ. Наҳот шу ораликдаги одамниям Зубайда илғаёлмай қолган бўлса? Кўзлари янаям хиралашибди-да бундан чиқди. Зайниддиннинг юраги ачиди. Бояги аламзадалигидан ўзи ҳам уялиб кетди. Ҳовликма хаёллар шунақанги маҳалда кишини ёмон ўсал қиларкан-да! Олдинга юришиниям, юрмасиниям билолмай иккиланди. Зубайда эса янаям безовталаниб, кескин сўради.

– Кимсиз, деяпман, ҳой. Нега индамайсиз?!

Зайниддиннинг томоғи қуриб битганидан товуши хириллаб узилди.

– Мен... мен келгандим...

Пайпасланиб пойгакдаги шиппагини оёғига илаётган Зубайда таниш товушни илғаб, титраб кетаёзди. Бир пой шиппакда турганча каловланиб қолди. Ранги докадек оқарди. Титроқ, аммо ўта паст оҳангда, келинг, дея олди, холос. Бирок бу такаллуфи ҳавога учди. Зайниддин миқ этмай бориб, сўри четига омонатгина чўқди. Ўртага ноқулай жимжитлик инди. Барбос ҳам уларга халал бергиси келмагандек, нари бориб йўлакка чўзилди. Тумшуғини ерга берганча гоҳ Зубайдага, гоҳ Зайниддинга мўлтираб кўяди. Учиб-кўниб ғашига тегаётган хира пашшаларгаям парво қилмайди. Ҳатто том бўғотида хурпайиб, белини ўрқач-ўрқач қилаётган олифта мушукка ҳам қиё бокиб қўймайди. Бошқа пайт бўлганда-ку ўзи биларди-я!..

Бу оғир сукунат, хаёлий ғалаёнлар исканжасида ҳовлини зимдан кузатишга киришган Зайниддин ариқ бўйида тарвақайлаб кетган, қулоч етмас баланд ёнғоқ дарахтига бош-оёқ разм солди. Эсида, раҳматли дадаси узун халачўпни маҳкам тутганча шохларга бир-бир ўрнашиб миниб, қарсиллатиб ёнғоқ қоқиб қоларди. Зайниддин то қўлидан иш

келгунга қадар дадасидан ортмаганди бунақанги юмушлар. Акасининг-ку на фойдаси теккан ва на зарари. Болалигидан ўзидан сира ортмаган китобга шўнғиб. Билимдон бўлса шунақа бўларкан. Саккизинчи синфни битирди-ю, пойтахтдаги ҳарбийлар билим юртига йўл солди. Шу-шу унинг этагидан сира тутиб бўлмади. Ҳарбий одам давлатники бўларкан. Гоҳ бу шаҳарда истиқомат қилаётгани ҳақида хабар берса, гоҳ у шаҳардан мактуб йўллаб қолади. Янгаси шўрлик дод дея олмайди-ю, кўч-кўронини кўтаравериб, бола-чақасини судрайвериб ҳолдан тояди. Илож қанча, тақдири азал.

Эҳ, ўша болалик, ёшлик дамлари қанақанги эди-я! Ҳашармисан ҳашар бўларди-да ўзиям. Маҳалланинг борки бола-бақраси шу ҳовлиларига жамулжам бўларди. Ёнғоқ қоқиш ҳам бир кунлик иш эмасди-да. Ўн қопдан мўл ёнғоқ йиғиштириб олишарди шу дарахтнинг ўзидан. Дадаси ҳеч қайси бир ҳашарчини қуруқ қўймас, бир дўппи-бир дўппидан тақсим қиларди. Мана, ҳозир ҳам шиғил мевалари шохларида куюлиб кўзга ташланади. Кишининг ҳавасини келтиради. Уч йилдан бери ким қоқиб бераётибди экан? Маҳалла болаларимикин? Зайниддин кўкрагини ишқади, юраги санчди. Шу кекса дарахтни бобоси ўтказган экан. Бобоси дадасига, дадаси Зайниддинларга авайлаб-асраб мерос қолдиришган. Зайниддин эса... Лоақал бу ҳақда ўйламабди ҳам. У ким учун боғ яратди? Кимга атаб бир туп дарахт ўтказди?! Бундай бош-кети йўқ тазйикли саволлардан чалғиш учун Зубайда томон ботиниб-ботинмай қайрилди.

– Болани бозорга солиб, нима ҳожати бор эди?! Ҳали суяги қотмаган бўлса, гўдак бўлса, ғўр бўлса! Пулга ўрганиб қолса, каззобнинг ўзгинаси бўлади, ё кисаввур.

Дилидаги оғрикни тилига кўчирди-ю, Зубайданинг аччиқ таънасидан тотиб, боши бехос айланиб кетаёзди.

– Боланинг тарбиясидан ташвиш чекманг. – Нафаси қайтди Зубайданинг. – Ёлғиз эмас, кўшни келин билан бир-галлашиб бориб келаяпти. Ўзимга қолса сира йўлатмасдим. Уйимнинг устуни шу норасидам экан, шунисига шуқр. Беадад шуқр. Шўрликкинанинг бошига эрта кундан тирикчилик

ғами тушибди, на илож. Майли, шундайин ёзуқ пешонасига битилган экан.

Зайниддиннинг тили кесилди. Кўққис шапалоқ еган боладек ёноқ-ёноқларигача ўт туташгудек ловуллаб кетди. Юраги шиғиллади. “Уйимнинг устунни” жумлаларига алоҳида урғули шукроналар берилиши унинг ҳаловатини азиз жонидан аччиққина юлқиб олгандек бўлди. Бўшашиб кетди. Йўлда келаётганида жуда борса кулоқ чўзгудек панд-насихатлар қилиб қўйиш алами туғилганди. Энди эса бунақанги ўғитлардан буткул бегона, ҳатто нолойиқ эканлигини чуқур англаб етди. Ибрат бўларли фазилати бўлмаганидан гарданига қандайдир зил-замбиллик босилгандек мунғайиб қолди. Лекин ҳеч қанча ўтмай, бу ҳақиқат кўзгусини кибр пардаси қоплаб, бошини ҳам бўлишига йўл қўймади. Ички туғёнларини босиш учун юзини томорқа тарафга ўгирди. Нигоҳи девор бикини бўйлаб саф тортган шафтоли дарахтларига қадалди. Ўзи ҳавас қилиб экканди тўрт йилча олдин. У маҳалда чинчалок йўғонлигидаги ниҳолчалар эди. Энди эса кўзни яшнатадиган даражага етибди. Шохларини аранг кўтариб туришлигини-чи... Остига тўкилганларининг ўзи қанча. Анави тахта супага қоқи қилиш учун бир талайини паллалаб қўйишибди. Ҳаммаёқ аввалгидек саришта. Эски молхона бикинида товук катаги бино бўлибди. Зубайда яримжон бўлсаям чакана эмас, тиниб-тинчимайди. Диди баланд. Товуқлардан бири тухумлади шекилли, ҳовлини бузгудек шовқин кўтарди. Тўполонини-чи бунинг. Қолганлари ҳасад қилибми, ё таомили шунақами, кўз ёрган шерикларига бирваракайига жўр бўлишга киришишди. Хўроз мағрур қанот силқиб, томоғи қирилгудек кепатада бўйин чўзди. Кундошлар ғалвасига қўшилди. Зайниддиннинг кузатуви-ни илкис бузиб, уй ичидан қизалоқнинг хорғин, ҳам мунгли инграшлари диққатини тортди. Сергаклиги ошди.

– Аё-ё, сув-в...

Эшик кесақисига елка тираб, маҳзун ўйга толган Зубайдага бирдан жон кирди. Ғайритабийй ҳаракат билан ўзини ичкари урди. Хиёл ўтмай, унинг жонсарақ юпанчи эшитилди.

– Ҳозир, ҳозир, қизалоғим. Сув эмас, қайноқкина сут бераман, асал қизим. Қайноқ-қайноқ ича қолгин. Ҳа, балли! Энди-чи ўраниб ёт! Сув-сув терласанг, сен кўр-мен кўр бўлиб кетасан. – Сўнг товуши заифроқ, аммо йиғига мойилроқ узилди. – Сенгинага теккан дард менга ёпиша қолса бўлмасмиди-я, жоним болам...

Зайниддин уйга қандай кириб, қизалоқнинг биқин тарафига қандай чўккалаганини сезмай қолди. Зубайда даст туриб, ўзини даҳлизга олди. Уларни ўз ҳолларига ташлади.

– Қизим!..

Ингрокли товуш кенг хонани бир айланиб, ожизгина сўнди. Ғалати сукунат чўкди. Зайниддин бирор илиқроқ сўз топишга қийналиб, ич-ичи куйиб кетди. Наҳот бу тил курғур бирор юпанч сўзга мойиллик тополмаса? Ахир хонаи хосида не-не ишчи-хизматчию қаёқдаги валломатларни чангитиб, кулоқларини қуймоқ қилиб ташларди шекилли. Наҳот шугина забони аччиқ-тиззиқ гапларга айлана қолса-ю, ўзининг пушти камаридан бино бўлган дилбандига келганда...

– Мана мен келдим, она қизим. Кўзларингни оч...

Дилором кўзларини мажолсизгина пирпирашиб, хиёл очди. Очди-ю, кўз олдида гуриллаб ёнган ўтлар қуршовида ҳеч нимани илғолмади. Бир оғиз сўз демакка ҳоли қолмаганди. Кўзларида аввал нур сўнгандек бўлди, сўнг хирагина ёш томчилари мижжаларида ғилтиллади. Ҳолсизланиб яна кўзларини аста юмди. Беш-олти томчи ёш донаси ҳалқасидан узилиб, ёноқларида илдизсимон из тортди-да, иягида осилганча қотиб қолди. Ингичка, нафис, курукшоқ лаблари нимадир дейишга шайланди-ю, жуфтланишга қувват тополмади шекилли, мажолсиз қимтилди.

Зайниддин оғир тўлғонди. Мижжалари ачишиб келди. Ичидан бир нима узилиб, томоғини қақшатиб бўғди. Қизчасининг сочларини титраганча авайлаб сийпалади. Наҳот шундайин ширин фарзандларидан воз кечиш шунчалик осон туюлган бўлса? Нима, кўзи шунчалик сўқирмиди? Эҳтимол, кўзи эмас, қалби, идроки басирлик қилгандир. Қувончу ташвиш қош билан қовокнинг ўртасида шунчалик муаллак

турарканми? Шу шўр пешонасига шунақанги чигал ёзуқлар битилган эканми?

Қизалоқ силаб-сийпалашга тушган кафтнинг ўта дағаллигидан, салмоғидан озорланиб ожизгина ингради.

– Қаердасиз, аяжо-он...

Зайниддин чўчиб кўл узди. Мижжаларида халқаланган ёшлар кўзини қолаб, хиралаштирди. Қизчасининг бир бора, атиги бир мартагина “дадажон” дейишини интиқ кутди. Унинг азобдан оғир тўлғонгани, алахсираганини кўриб юраги баттарроқ ёнди.

– ...Ҳозир... ҳозир йиқилиб тушаман, аяжон... Мени ушлаб олинг... мени ушлаб олинг!..

Зайниддин талмовсираб қолди. Шунда кадр-қиммат тарозуси палласида ўзининг салмоғи арзон эканлигидан оғриниб кетди. Оғриниб кетди-ю, вужуд-вужуди бўм-бўш бўлди-қолди. Фарзандлари хотиридан шунчалик четланибдики, тамом, бу ёғи ётсирашлик билан кечади, бу аниқ. Шу аччиқ хотима унинг куч билан ўрнидан кўзғолишига изн бергандек бўлди-ми, зил-замбил гавдасини ердан базўр узиб, деворга енгил кафт сурганча шошиб кирган Зубайдага кушқараш қилди. Сўнг ҳамон дард исканжасида тўлғонаётган қизчасига бир қур тикилди-да, оғир судралиб ҳовлига тушиб кетди. Унинг важоҳатига нигоҳи тушган Барбос бир четда думини оғир ликиллаганча бироз турди-да, таомилини адо этгиси келди-ми, кетидан соядек эргашиб чиқди. Аммо машинанинг куюк бурқсиган қоп-қора тутунига дафъатан кўмилганидан ори келиб, норози ғингшиганча ўзини орқага олди.

* * *

Машина гуриллаб ўрнидан силжигандагина Зубайданинг ич-ичини узиб олаётган алам дафъатан фиғонга айланди-ю, елкаларини силкитганча ўксик ёшларга белаб ташлади. Юз ажинлари ғижимланиб, кўнғир изларни кинғир-кийшиқ тусда ҳар ён тортди...

Оқшом чўкиши олдида ҳовлида ит энтикиб ғингшиди. Зум ўтмай, остонада ҳуркак нигоҳ ташлаб ўғли пайдо бўл-

ди. Зубайда кўзойнагини олиб, кўз ёшларини энги учларига шимдираркан, ўпкалади.

– Келдингми, болажоним. Бугунга келиб намунча ҳаялла-масанг экан? Кўзларим тешилиб битди-ку йўл пойлайвериб. Ўғлининг хомушланганини илғаб, ўзини юмшатишга уринди. – Кеннойинг билан бирга келдингми ишқилиб?

– Йўқ, ўзим келавердим. Суйдихон кеннойимлар дўкон айланиб қолдилар. Айтган нарсаларингизни эса олиб кела-вердим. Нон, чой, новвот...

– Балли, ўғлим. Лекин кеннойингни кутмаганинг яхши бўлмабди. Шу келин бизнинг коримизга яраб турибди ахир. Яхшиликка яхшилик билан жавоб қилишни ўрган, болам.

– Хўп бўлади. Айтмоқчи, Дилор тузукми, ая.

– Шукр, кечагилардан анча дуруст. Иситма анчайин қий-наб-қиймалаб қўйди-да шўрликни. Томоқ оғриғиям ёмон экан-да! Ёз чилласидаям шунақа бўларканми, Зухриддинбек. Тавба!

Зухриддин қўлидаги пақирларни тоқчага қўяркан, ая-сининг намланган кўзларига ортиқ боқиш тугул сўроқлаш-гаям ботинолмади. Хавотири ошди. Дарвоза олдидаги ма-шина излари дадасиники бўлмасин тагин. Шу гумон юра-гини эзғиб чимчилади. Аясининг оғзини пойлади. Йўқ, бу тўғрида гап бўлмади. Бугунги тасодифни аяси билмагани маъкул.

Зубайда ўғлига бир зум тикилиб турди-да, бир хўрсиниш олиб, хорғин сўзлади.

– Энди бозорга бориб юрмагин, ўғлим. Майли, бусиз ҳам бир кунимизни кўрармиз. Маҳаллама-маҳалла улгур-жи мижозлар юришибди экан, ўшаларга кўтарасига пуллаб юборсак, анча энгиллаб оламиз. Тўкилганларини қоқи қилиб қўйсак, қишда бирор кунимизга яраб қолар. Сениям рўзғор ташвиши эзиб қўйди, болажоним.

– Мен қийналганим йўқ, аяжон. Сиз ташвиш қилманг. Қайтага ёрдам қилаётганим ўзим учун ҳам-ку! Кунига неча маротаба бозорга борсам, ҳаммасини сотиб келаяпман. Кен-нойимлар ҳам шунақа.

– Айтганимни қила қол, жон болам. Сени жўнатиб, кўнглим тинч турса экан.

Зухриддин бир нимани сезгандек титраб кетди. Демак, машина излари дадасиники. Аясининг юзу кўзларидаги маъюслик шундан нишона бериб турибди. Шу топда унда қандайдир қайсарлик уйғонди-ю, аясига илтижоли тикилди. Лекин ичидаги исённи тилига кўчиролмай, астагина бош эгди. Майли, аяси нима деса шу. Аммо дадасига нисбатан аламли куч жунбушга келганидан вужудида титроқ турди. Бу нафратми, ғазабми, билолмади. Бу каби ҳисларнинг аҳён-аҳёнда бош кўтариши аввал ҳам мурғак дунёсини ларзага келтиргани кўз олдини бир зумда чизиб ўтди...

* * *

Дафъатан синф раҳбарлари ўзгариб қолди. Нега кетди, нима учун, ҳеч ким билолмади. Айтишларича, муаллиманинг соғлиғи ёмонлашганидан ишдан кетган эмиш. Бўлмаган гап. Ўқитувчилари ҳеч қачон соғлигидан шикоят қилмаган. Директор ўзи билан олиб кирган янги муаллиманинг кўзларида қандайдир қаҳрга ўхшаш нимадир борлигини пайқашган болаларнинг дами ичига тушиб, чўчиб қолишди. Фахмлаганларича бор экан. Биринчи куннинг биринчи соатиданок Нажмиддин деган боланинг қайсидир қилиғи ёқмаганидан қулоғини узиб олгудек чўзгилаб, бурчакка турғазиб қўйди. Барчанинг дами кесилиб, эркин нафас олишгаям ҳайиқиб қолди. Бу ёғи нима бўлади энди? Ўзларининг муаллималари яхши эди. Мулойим, меҳрибон эди. Болаларни тез-тез саёҳатларга, кинотеатрларга олиб чиқарди. Бу устоздан нимани кутиш мумкин? Ишқилиб ботаника фани саёзлашиб кетмаса эди. Ахир фанга кизиқтириш ўқитувчининг феъл-атвори, фазилати, муомаласигаям боғлиқ бўлса керак. Акси бўлса... билмадим.

Янги муаллима шу кунгидек ҳар бир ўқувчининг ота-онаси ҳақида маълумот ола бошлади. Бунинг нимаси зарур экан, барча ҳайрон. Ўзларининг устозларига бу тўғрида ёзма маълумот топширишганди шекилли.

Навбат Зухриддинга келди. Бусиз ҳам юраги безовта дукирлаб ураётган Зухриддин иккиланганча бир ўқитувчига, бир синфдошларига ҳадиксираб жавдиради. Сўнг титроқ товушда минғирлади.

– Аямлар уй бекаси, ногиронлар.

– Даданг-чи?

Зухриддин айнан шундай саволдан чўчиб турганди. Синфга ғалати сукунат чўкди. Муаллимадан тортиб болаларгача хамманинг диққати унга қаратилди. Динг қулоқлар, каттик тикилган нигоҳлар уни эсанкиратди. Ич-ичидан бир нималар исён кўтарганча тошиқиб чикди-ю, кўз олди қоронғулашиб кетди. Ўпкаси тўлди. Нима десин? Дадам йўқлар, десинми? Унақада ёлғон гапирган бўлади-ку! Ёки, биз билан яшамайдилар, десинми? У деса ҳам, бу деса ҳам бўлмайди. Боз устига диққати ошиб бораётган янги муаллимага кўзи тушган Зухриддиннинг юраги муз тортиб, ўз-ўзидан уни ёмон кўриб кетди. Шу пайт орқадан кимнингдир ғўлдирагани эшитилди.

– Дадаси ташлаб кетган! Умуман бошқа жойда яшайди!..

Зухриддиннинг қулоғидан янграб кирган бу товуш гўё ўк мисоли ич-ичини кавлаб, товонини ўпириб чиқиб кетгандек бўлди. Зухриддин қандай отилиб тургани, ҳалиги ғўлдираган бола томонга қандай учиб борганлигини ўзи билолмай қолди. Шунини идрок этдики, қизлар кўрқувдан чинқириб юборишди... болалар ўрниларидан кўрқа-писа кўзғолишди... Зафар эса чангалида жон таслим қилгудек типирчилай бошлади.

– Сен мишиқидан ким сўради-а, ким?..

– Кўйвор деяпман, кўй-вор-р!..

Зафар унинг темирдек бармоқлари исканжасида бўғилганча ҳирқиради. Катта-катта очилган кўзлари косасидан тошиб чикқудек кўрқувга тушган кўйи атрофга илтижоли аланглади. Зухриддиннинг қайта-қайта жон аччиғидаги чийилдок ҳайқириғидан синф ичи зириллагудек бўлди.

– Ёлғон! Ёлғон бу! Дадам ташлаб кетмаганлар! Ташлаб кетмаганлар, билдингми?!

У дафъатан чангалини ёзиб юборди. Бўғзи бўшаган Зафар унинг оёғи остига чўккалади. Чўккалади-ю, қарсиллаб туш-

ган тарсакидан юзи ловуллаб, лаблари бир томонга қийшайиб кетгандек бўлди. Зухриддин ўзини ортиқ тутолмади. Алам билан ўкраб юборди.

– Дадам ташлаб кетмаганлар!.. – Шу топда ўзини кимнингдир бағрида билиб, хўрлиги баттар тошди. – Қўйворинглар мени, қўйворинглар, дедим!..

Муаллима экан. Унинг кўзларида ҳам негадир, негадир ёш томчилари ҳалқаланиб турганлигини кўрди-ю, ғалати аҳволга тушиб қолаёзди.

– Узр, болажон, билмай ярангни янгилаб қўйибман.

– Бу ёлғон, устоз!.. Бир кун барибир дадам келадилар, келадилар...

Зухриддин муаллиманинг кучоғида ортиқ туролмади, куч билан юлқинди.

Бу воқеа чуваланиб, директорнинг кулоғига етган эканми, Зухриддин у ерда ҳам ўксинганча бўзлашдан нарига ўтолмади. Ахир буни аяси эшитгудек бўлса, қандай аҳволга тушади? Эзилмайдими?

Директор уни овулганча насиҳат қилган бўлди.

– Ўғлим, сен ўзингни бардам тут! Ўғил бола қатъиятли бўлади. Ҳали кўрасан, даданг, албатта қайтиб келади. Ҳаёт шунақа экан-да, кимгадир у тақдир, кимгадир бу. Ҳаммасидан ҳам онангнинг дуосини ол, дардига малҳам бўл. Бирор юмушингда қийналсанг, мана менга айт, қўлимиздан келганча кўмак берамиз. Қараб турмаймиз. Келишдикми?

Шу-шу Зухриддиннинг дадасига бўлган илҳаклик, соғинч ҳисларига қоришиб ўксиниш аломати руҳиятини, хаёлини чирмади. Баъзан бирор панага биксиниб олганча ўкиниб-ўксиниб кўз ёш қилар, шу билан кўнглини овуларди. Барибир, барибир кўнглининг бир четида қаҳрга ўхшаш туйғу бот-бот ҳаловатини оларди. Айниқса, ўртоқларининг дадалари бирор нима олиб берганларида, уларнинг оғиз кўпиртириб мақтанишларига бир ҳаваси келса, бир дош беролмай қийналарди. Юрак-юрагида маҳзунлик уйғониб, кўзларига мунг илашиб қоларди. Муштдек юрагидаги бу аламлар бориб-бориб унсиз йиғига, одамлардан узокрок

юришга ундагандек куч берарди. Биров дадаси ҳақида сўз очмаса, биров сира бу тўғрида суриштирмаса. Шу каби чўчинқирашлар унинг шаклланиб бораётган атворига қайсарликни, чўрткесарликни индираётгандек эди. Аммо-лекин боягина бозордаги тасодиф қаршисида қўрқув ғолиб келди. Дадасининг кўзларидаги ғазабга мойил учкунлар уни талва-сага туширди. Баъзи-баъзида у билан хаёлий суҳбат қурганида, ўзини эмин-эркин тутар, ҳатто эркаланар... Ҳозир эса ўзини йўқотиб қўйди. Эркалик ўрнини қўрқув, қайсарлик ўрнини заифлик эгаллади. Оёқ-қўли мадорсизланиб, қалт-қалт титради. Дадасининг сўровига аранг жавоб қиларкан, негадир хўнграб йиғлагиси келиб кетди. Бироқ йиғлашга ҳам нимадир йўл бермади. Шу аснода дадасининг кўзлари чирт юмилиб, киприклари, юзлари асабий титраётганини кўриб, ўтақаси ёрилаёзди. Бу ердан тезроқ қочиб қолгиси келди. Пақирларни апил-тапил юлқиб, шошганча одамлар орасига ўзини урди. Дадасининг ғазаблангани сабабини қанча ўйламасин, ақли етмади. Юрагида дадасига бўлган илҳақлик, унинг устига қарама-қарши уйғонган ётсирашлик бир-бирига қоришиб кетди. Шу қоришиқлик теғрасида талпиниш ҳиссини ҳам туйди-ю, ортига ўртаниб, аммо чўчибгина қараб қўйди. Негадир хўрлиги келди.

* * *

Зубайда ёлғиз ўғлининг бошига тирикчилик ғами барвақт тушганидан дили оғрийди. Ҳаловатини йўқотади. Айни ўйнаб-куладиган пайтида ташвишга кўмилиб қолганидан ўртанади. Янаям вазминлиги бор, шунисига шукр. Майли, кўзи пишади. Ўзи уринай деса, хира тортган кўзлари панд бериб турибди. Майли, бу кунлар ҳам ўтиб кетар. Ахир, дард ҳам мисоли меҳмон, дейишади-ку! Зора кўзлари аввалгидек нурга тўлиб кетса. Шукрки, дардига малҳам бўлгувчи кўни-қўшнилари бор, омон бўлишсин. Сира қараб туришмайди, барака топкурлар. Зубайда доим дуолар қилади. Айниқса, тиниб-тинчимас девордармиён келин – Суйдихонни кўп алқайди. Алқайди-ю, бир нарса-

дан бағри куяди: етти ёт бегона оғир кунида асқотиб турса-ю, умид билан бир ёстикқа бош қўйган эри бўлмиши шунчалик бағритошлик қилса... бундан-да аламлиси бўлмаса керак. Наҳот болалари кўзига кўринмаётган бўлса?.. Бардош деган ҳам бориб-бориб чокидан ситилиб битаётибди-ку, ахир!..

* * *

Зайниддин ҳарбий хизматдан янги қайтган пайтлар. Бир куни эшиқдан чиқаётиб, кўчадан ўтиб бораётган икки қизга кўзи тушди. Биттаси кўшни қиз – Зулайҳо. Иккинчиси... Зубайдами? Йўғе, шунчалар ўзгариб кетибдими?! Кечагина мактабда дугоналари билан қувлашмачок ўйнаб юрган қизалоқ эмасмиди. Бўйи чўзилиб, юзлари тиниклашиб, латофатли бир қизга айланибди... Зайниддин тинчини йўқотди. Қандай бўлмасин, уни ёлғиз учратиш, икки оғиз гаплашиш, кўнглини билиш ҳаракатига тушди. Аммо, қандай қилиб? Тасодифан бир-икки тўқнаш келдию гап қотиш у ёқда турсин, худди сеҳрлангандек тили танглайида қотди. Қиз бўлса, ҳеч нарсани пайқамаган каби бепарво ўтиб кетаверди. Ким билсин, балки пайқаган бўлса-да, сир бермагандир. Ёки назарга илмаётганмикин? Чиройли қизларнинг ғурури ҳам ўзига яраша бўлади.

Зайниддин табиатан қувноқ кўрингани билан ҳадеганда бировга дил ёрмас, ўзи билан ўзи олишиб юраверарди. Бошқа биров сезмас, лекин онадан сир бекитиб бўлармиди.

– Акангни-ку кўнглига боқавериб жуда кеч уйладик, – деб қолди бир куни онаси. – Мана, ҳозир тенгқурлари келин тушириш ҳаракатида юрибди. Акангнинг тўнғичи бўлса, энди биринчи синфга боради. Келиннинг қўлидан чой ичиб ялчимадим ҳам. Кўч-кўронларини кўтаришди-ю, кетишди. Илож қанча, ҳарбий одамнинг турмуши шунақа экан-да. Мол ўзингники, бола давлатники эканлигини шунда билдим. Энди сени тезроқ уйлаб қўймасак бўлмайди, ўғлим. Ахир бизниям дунёга боғлаб қўйган жойи йўқ. Хуллас, у десанг ҳам уйлантираман, бу десанг ҳам.

– Ўзи эндигина хизматдан келган бўлсам, ая. Аввал ўқишга кирай, кейин бир гап бўлар. Бунинг устига ҳали ишлашим, пул топишим керак. Ахир рўзғорга ёрдам қилмасам бўлмайди.

– Э, ишлаб тоғ ўнгариб берармидинг! Топганинг ўзингга етсаям катта гап.

– Йўк, ая, шошилманг. Ҳарҳолда кейинги тақдирниям ўйлашим керакдир.

– Бошимни қотирма! Барибир айтганимдан қолмайман. Кўнглингда бирортаси бўлса айт, шунга қараб иш тутай. Бўлмаса, ўзим кўз остига олиб қўйганим бор. Насл-насабиниям суриштирдим. Бизга жуда мос, тагли-тугли, тарбияли оиладан. Жуда дилкаш одамлар. Э, ҳуснини бир кўрсанг, пари дейсан, пари. Ширмон юзи сутга чайилгандек оппоққина. Чиройли кўзлари бирам ақлли, сочлари ер супуради.

– Нима, чиройига нон ботириб ермидим. Айтаяпман-ку ахир, шарт эмас, деб.

– Бекорларнинг бештасини айтибсан. Ҳам уйланасан, ҳам ўқийсан, гап тамом. Бўлди, ортиқ чуваланма! Сен аввал у кизни бир кўргин.

– Ўзи ким экан сизни шунчалик ҳам ром этган жодугар?

– Ўша жодугарни аввал бир кўргин, кейин аянгга қойил қоласан. Жа билгинг келаётган бўлса, майли айтай. Манови кўшнимизнинг Зулайҳо қизи билан яқин дугона. Кунора уларникига келиб туради. Менам шу ерда кўрдим, тушмагур, оқи оқ, кизили кизил бўлиб, бирам очилиб кетибдики... Тарбиясини айтмайсанми!.. Бамаъни одамларнинг кизи-да. Ё кўчадаги сочи пахмоқлар ёқадими, сен ярамасга.

Зайниддиннинг юрагига ўт илашди. Вужуд-вужуди ғалати, аммо ҳузурбахш ҳисларга тўлиб-тошди. Аяси ҳаммасини сезиб юрганмикан ё? Энди атайлаб синамаяптими ишқилиб?.. Шуларни ўйлаб, ўз-ўзидан кизариб кетаверди. Ўнгай-сиз аҳволга тушиб, онасидан нари кетди. Қизик, онаси ҳам унга ортиқ тирғалмади, ўғлининг сукутини розилик аломати деб билди шекилли-да.

* * *

Зубайданинг қадами қутлуғ келди. Бирор туёқ кўрмаган ҳовли говмишли бўлди. Косалари оқариб қолди. Хурсандчилик бир келса, қўшалоклаб келаверарканми, Зайниддин институтга сиртдан кирди. Ҳарбийдан аввал ишлаган жойи: дон маҳсулотлари корхонасида ишини давом эттирди. Биринчи курсни битирар чоғида ўғиллик бўлишди. Эр-хотиннинг ўртасидаги меҳр ришталари янаям мустаҳкам тортилди.

Ҳаёт деганлари баъзида шафқатсиз қиёфасиниям кўрсатиб қўяркан. Зайниддин ўқишини битиргунча бўлмай, чол-кампир бирин-кетин ўтиб кетишди. Бу йўқотишлар Зайниддинни ҳам, Зубайдани ҳам бирдек довдиратиб қўйди. Хонадон катталарининг ўрни бошқача бўларканми, ҳар лаҳзада ўзларини, ўзликларини ёдга солиб, қадрларини ўтказиб туришаркан. Айниқса, киши қийналган пайтларида ота-онасининг куюнчак панд-насихатларига шунчалик зор бўларканки, излаб изини, искаб исини тополмай, эзилиб-эзилиб кетаркансан. Гўё бу дунёнинг файзи бор бўйи билан чекингандек туюлавераркан. Бироқ вақт аталмиш олий ҳакам бу каби йўқотишлар давоси эмасми, бора-бора ҳаётнинг бунақа паст-баландликларига кўниктириб қўяди.

Зубайда кизчасига кўз ёрар маҳалида кўзи негадир хира тортиб, боши тез-тез оғрийдиган бўлиб қолди. Баъзан чидаб бўлмайдиган даражада оғриқ кучайиб кетарди. Муолажалар ҳар тугул наф бергандек бўлди-ю, бироқ буткул фориг бўлиб кетолмади. Кўз олдида қорамтир доначалар бетиним сузиб, ғашини келтиради. Бирор нимани аниқ-тиник кўришга имкон бермайди. Ҳаммасидан ҳам, болам эсон-омон дунёга келиб олса бас, деган ўтинч унинг бор ҳаловатини ўғирлаб, баъзан эса қандайдир тасалли бергандек бўлади.

* * *

Аччиқ азоблар икки йўл оралиғидаги кўринмас қилқўприк жонсарақликлари исқанжасида турмиш Зубайданинг нигоҳи қаршисида ботиний кўзгу тутади. Оғриқлар баъзан унинг ширин жонидан кечиб, абадий ором олмоқ дунёсига

тортқиламоқчидек тинимсиз куч йиғади... Шунда қулоғига узоқ-узоқлардан элас-элас акс-садо бера бошлаган жондан азиз чақалоқ йиғиси кўққис чалиниб, сергак тортади. Вужуд-вужуди бўшлиққа юз тутганидан энтикиб, чуқур тин олади. Шу тин олиши баробарида гўё ҳаёт нафасининг борки лаззати, эзгуликлари жон-жонига чуқур сингиб бораётганидан лабларида табассум ўйноқлашга тушади. Доя қўлидаги бир парчагина бўлиб, чираниб нола қилаётган жажжи дилбандига эхтиросли жилмайиб қўяди. Доянинг товуши нақадар жозибали, нақадар дилбар ва ўктам чалинади қулоқларига.

– Қиз экан, қиз. Қутлуғ бўлсин. Бунинг қошлари қоралигини айтмайсанми?! Ўсма суртишгаям улгурганини-чи! Зигирдеккина бўлиб ҳавасни келтиради-я, ширининг чикмай қолгур.

Зубайда гўё томоғини олов ялаб куйдираётгандек, оғир энтикади. Товуши хаста узилади.

– Опажон, эхтиёт қилинг, илтимос. Аммо-лекин дунё тургунча устунлик ярашсин сизларга. Қўлларингиз дард кўрмасин...

Бу қувончларга соядек эргашиб, дардчиллик ҳам илашиб келган эканми, Зубайданинг кўзлари хиралигича қолаверди. Узоқ даволанишлар фойда бермади. Унинг тушқунликка тушишига Зайниддин сира йўл қўймас, ҳамиша малҳам бўлишга тиришарди. Лекин Зубайда ич-ичидан эзилиб кетди. Бу ёруғ дунё хираликлардан иборатдек кўнгли ҳам тобора ғашланиб борарди. Кўз дегани нақадар бебаҳо неъмат эканини шундагина англаб етди. Англаб етди-ю, ўксиб-ўксиб кўз ёш тўкадиган одат чиқарди. Шу билан кўнгли бироз бўлса-да таскин топгандек бўларди-ю, аммо дарднинг аламли исканжасида барибир ўзини тинч тутиб туролмасди...

* * *

Зайниддин дипломини қўлига олгач, ўзининг муҳандислик лавозимида тинимсиз изланишга киришди. Аввалида иш юритиш жудаям қийин кечди. Эскини эплагунча эсинг кета-

ди, деганларидек носоз ускуналарни янгилаш учун қай бир раҳбарга сарғаймади-ю, қай бир мутасадди идоралар ўрта-сида елиб-югурмади. Шу каби муаммоларни йиғилишларда жамоатчилик муҳокамасига тавсия қила бошлади. Иштирок-чилар ичида жонланиш сезилиб қолган, кимдир унинг ташаб-бусини маъкул топса, яна кимдир норози ваъз қилиб, алми-соқнинг исканжасидан чиққиси келмасди.

– Кечагина тухум ёриб чиқиб, бугун карнайини бор дами билан пуфлашга тушиб қолибдими?! Шунча йиллар тўла қув-ват билан ишлаган ускуналар манави чурвақага куни қолиб, авра-астари ағдариладиган бўлдимми?!

– Шунақага ўхшайди. Ўзингдан чиққан бало ёмон бўлар-кан. Механиклигини уддалаб юрсаям бўларкан-у, ўзимиз “кўтар-кўтар“лаб аҳмоқлик қилибмиз-а!..

Ораларидан кимдир уларни кескин қайириб ташлади.

– Йўқ, бу айтганини қиладиган бола. Ўзимизнинг ходимга олача кўз билан қарамаслик керак. Ахир ўзининг манфаати учун курашаётгани йўқ-ку!..

Зайниддиннинг айтгани бўлди. Ишнинг унуми ошди. У ўзининг изланишлари билан андармон бўлиб кетди. Зубай-данинг дарди хаёлидан андак кўтарилгандек эди шу билан. Ё кўникиб қолдими, ҳар ҳолда фақат ёдига тушган чоғда юраги эзилиб-эзилиб кетади. Шунақанги пайтларда малҳам бўлиш учун режалар тузади. Аллақайси кўзга кўринган дўхтирларга олиб бориб, даволатиб келишни кўнглига тугиб кўяди. Кун-лар эса ўтаверади. Ниятлари ёдга тушган, ё аёлининг чеккан азобларини кўрган сайин режалари янгиланаверади. Бироқ ўзи билан ўзи ўралашиб қолганлигидан бунга сира вақт ажра-та олмайди. Уйига қаттиқ ҳориб қайтади-ю, бир пиёла чой ичиш ҳам насиб қилмай, ўрнида қотади-қолади.

* * *

Киши амалга мингани баробарида ҳар ер-ҳар ердан та-ниш-билишлар кўзиқорин каби бодраб чиқавераркан. Қаёқда-ги етти ёт бегона ҳам аллакимларни восита қилиб, бирпасда қариндош чиқиб қолади-ю, канадек ёпишиб олади. Мансаб

эгаси эса баъзан шунақанги хушомадгўйликлардан безиб, кўнгли минг қадар озса, баъзан шундай муомалаларнинг кулию хушторига айланиб ҳам қоларкан. Тўкин зиёфатнинг чўғи осмонда бўлса, не ажаб. Кунда бўлмасаям кунора бирор-бир дилхушроқ масканни тўлдириб, давра қуриб, ҳордиқ чиқаришга нима етсин ахир. Зайниддин ҳам шунақанги қозонда қайнай бошлади. Айниқса, зиёфатлардаги жононларнинг дилбар хиромларидан кўнгли сушт кетиб бораётганини ўзиям билмай қолди. Уларга ҳаваси келгани сайин ҳасадиям тобора ортиб борарди. Чунки бундайин давраларга кўп таниш-билишлари аёлларини қўғирчоқдек ясангириб келишар, уларни кўрган Зайниддин ўзининг Зубайдаси билан қиёслар, юрагидаги оғриқлар исёни бош кўтариб қоларди. У биларди, баъзи улфатлари ўз аёлларини эмас, жазманларини етаклаб келишганини. Ва шу каби давраларда аёлларнинг макру ҳийлаларини ўз кўзи билан кўриб, ҳайрону лол қолгани билан кейинчалик бу иллатларни унутишга уринди. Бир кўнгли Зубайдани қўлтиқлаб келгиси келди, лекин унинг анчайин қийналиб қолишидан, кейин эса бунинг эвазига обрўси тўкилиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, аҳдидан қайтди. Шунинг барбариди кўнглида бора-бора ғижиниш уйғона бошлади. Тақдирининг бунчалар чигал тушганлиги жудаям оғир бота бошлади. Тоби қайноқ зиёфатлардан уйга келгач эса, совуқ ўйларини унутгандек бўлади. Остона ҳатлаши билан чопқиллаб келиб, бўйнига осилган ўғилчаси, унинг кетидан эндигина тетапоя қила бошлаган қизчасининг акаси-дан қизғонган алпоздаги қайсаргина чириллаши ҳамма-ҳаммасини ювиб кетади. Зайниддин енгил ўйларидан ўзи ранжиб, Зубайдага нисбатан астойдил, ич-ичдан ачинишга тушади. Кейин-кейин эса...

Зайниддин ҳовлига киришда чап тарафдаги эски уйларни буздириб, ўрнига ҳашамдор меҳмонхона курдирди. Ахир кўп оғайниларининг хонадонларига бориб, салобатли иморатлар қаршисида оғзи ланг очилгудек бўларди. Ҳавас қилгани учунми, кўп меҳмондорчиликлар шу кенг хонада ўтадиган бўлди. Маншатбозликлар авж олгани боис, оилага аста-секин совуқчилик ина бошлади. Шунақанги пайтларда Зубайданин кўнг-

лига ваҳм оралаб қоларди. Ишқилиб кўзининг заифлигини сиздириб қўймаса бас. Тимирскиланиб хижолат тортмаса кифоя. Қани эди ўзига қолса, елиб-югуриб хизматини бажо келтирса. У ер-бу ерга қоқиниб кетиб, изза бўлишдан чўчийди. Зайниддин эса унинг каловланишини кузатиб туриб, бирдан тутоқиб кетади, бироқ нозик меҳмонлар олдида тиш босади. Улар тарқалгунга қадар ич-ичи аламдан ғимирлаб туради-ю, кузатиб қайтгач, Зубайдани гап билан ачитиб силташга тушади.

– Тўрттагина меҳмонни кутиб-кузатишнинг эпини қилол-масангиз қанақанги хотин бўлибсиз! Унақаларнинг аёллари кўз очиб юмгунча жондан ортиқ ноз-неъматни муҳайё қилиб ташлашади. Сиз эса уйга кирсангиз, уйда қолиб кетасиз, ташқарига йўрғаласангиз, ташқарида. Тўйдирвордингиз-ку, вей. Нима, шунчалик ҳам этагингизга ўралашиб қолдингизми-а?!

Зубайданинг дили оғрийди, лекин заррача бўлсин эрининг кўзларига тик боқмайди. Ич-ичидан унга инсофу тавфиқлар тиланади. Айбдордек бош эгиб тураверади. Турмушнинг азалий қонунияти шу: бири баланд келса, бири паст тушмоғи лозим. Бироқ жуда ўтиб кетганда ўзининг вужудий шароитини эслатиб қўяди.

– Дадаси, мен ҳам нима қилай, биласиз-ку. Ўзим ҳам қийналиб, адоий тамом бўлаёзаяпман.

Зайниддин бунақанги маҳалда қўлини асабий силтайди-да, нари кетади. Ранжиш, тақдирдан нолиш охир бориб рўзғорга ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Зубайда ҳатто қозон бошида ҳам ўзини эркин тута олмай, қийналишга тушди. Ишқилиб тайёрлаётган таомидан ҳам бирор нуқсон топилмаса эди. Шу каби тирноқли ўйлар ич-ичини тинимсиз кавлаштириб ўтаверди. Борган сайин эса юраги безиллайдиган бўлди.

* * *

Шу куни Зайниддин уйига аранг етиб келди. Гўё ичак-ичакларини нимадир шафқатсизларча чираниб тортқилаётгандек жон ҳалфидаги ингроқларга юз туттиради. Ичидаги

бор нарсани кўпиртириб келиб, муттасил қайд қилдиради. Ҳатто бурун катакларигача шилвираб битганидан жон-жони бешиб, азобларда қовурилади. Кўзига нукул ароқ аралаш коньяк тутаётган улфатларининг хушомадли башаралари басма-басига хунук манзараларда қоришиб, намоён бўлади. Кўз ўнгига урилган сайин баттар ўқчишга тушади. Кўзлари косасидан отилгудек бақрайиб кетади. Кўнгли озгандан-озади. Қаердан ҳам борган экан ўша лаънати ҳисобчисининг туғилган кунига! Аслида эса, бормаса бўлмасди. Ахир ҳисобчи дегани бошлиқнинг ўнг кўли, вазири саналади. Ҳамма сир-асрор калити шунинг кўлида бўлади. Бир оғиз қаттиқ гапириб кўргин-чи, зимдан пиймангни пойма-пой қилиб қўйиши турган гап. Бошлиқ наҳанг, ҳисобчи эса балиқчи. Шундай экан, у сенинг измингда йўрғаласа-да, сен унинг нафсига нарвон қўйиб турасану, эҳтиёт чорасини ҳам ҳар маврид оқилона кўриб борасан.

Аччиқ оғриқли ички тўлғонишлар етмагандек боши ҳам паққа ёриламан дейди. Қорнини жон-жаҳди билан чираниб чангаллайди. Атрофида гирдикапалак бўлаётган Зубайда унинг дардига маҳаллий табобати билан малҳам бўлолмаслигини билгач, “Тез ёрдам” чақиритишга мажбур бўлди.

Зайниддин шифохонада бир-икки кун ўзини ўнглолмай ётди-ю, аста-секин дармонга кира бошлади. Ичакларнинг оғриқ зўридан чўзғилаб, азоб беришлари ҳануз бош ололмайди унинг жисмидан. Ўрнидан кўзғолгудек бўлса, боши ғириллаб айланишга тушади-ю, қайтиб жойига чўзилади. Уз-зукун бир ерда ётиш ҳам бел жониворни астойдил дазмоллаб кўярканми, қақшатишдан бошқани билмайди шўрлик. Дўхтирлар ҳам бор бўлсин. Ҳарқалай одам қиёфасига келтириб қўйишди, барака топкурлар. Беҳуда зиёфатнинг шарофатию каромати қатикниям пуфлаб ичирадиган қилиб кўяркан.

Тонг сахарда ўқ томиридан қон олиш учун кирган ҳамшира уни тузуккина тузлади.

– Ўртоқ Салимов, бу ер аёллар шифохонаси эмас шекилли, бел ташлаб ётаверсангиз ярашса.

– Бош айланиб кетаяпти-да, яхши қиз.

– Яхши қизнинг ўзига яраша яхшигина исми бор. Тавба, бу эркак зотига бироз ён берсанг, тамом, бира йўла деворингга тирагич бўлишади-қолишади. Ичини ёрсанг кепакдан бошқаси кўринмайди-ю, тилларидан бол томишига ўласанми! Яхши қиз эмиш. Эҳтимол, ёмон қиздирман. Қаердан биласиз яхшилигимни?!

– Юз-кўзингиз айтиб турибди-ку! Одамнинг қалби тоза бўлса, юз-кўзига тепчийди, дейишади. Исмингиз ҳам жисмингизга ярашиб тушса керак, ҳойнаҳой.

– Шоир-поир эмасмисиз ишқилиб, бемор Салимов, жуда узоқдан ўтлаб юбордингиз. Шўрлик кеннойимизнинг юракларини дам-бадам ўйнатиб турасиз шекилли- а?

Зайниддин нина санчилган билагининг чимиллатиб оғришидан юзи ғижимланиб, дами кесилди. Шу маҳал дераза томондаги қария ҳасрат қилиб қолди-ю, ҳамширанинг исми аён бўлди.

– Дилфуза қизим, иложи бўлса, менга бирор дори бериб кетгин. Туни билан миҳжа қоқмадим. Қорин чангаллашдан тинмадим-да.

– Хўп, отажон, бирпас сабр қилиб турасиз энди. Манави аллома акамизни бир ёқлик қилиб олай, кейин келтириб бераман. Шунчалик қийналибсиз, тунги навбатчиларга индамабсиз-да!

Қария Дилфузанинг гапларини англолмадими, ё қулоғи оғирроқми, бироз анграйиб ўтирди-ўтирди-да, ўрнидан туришга чоғланди. Суяклари ожизгина шиқирлаб, азоб берди шекилли, рангсиз юзи аччиқ буришиб кетди.

– Қарилик ҳам бор бўлсин экан. Кечагина чопқиллаб юрган бўз бола эдик. Бугун эса тўрттагина суякнинг ичида килкиллаб ётибмиз-а бедаво бўлиб. Дунё-я, дунё! Умр оқар сув экан-а, дунё!..

Зайниддин чолнинг ҳасрати баҳонасида Дилфузанинг исмини билиб олганига хурсанд эди. Нигоҳи ҳамширанинг юзу кўзлари ва ҳаракатларидан бир дақиқа бўлсин узилолмай қолди. Ажаб, шунақанги латофатли бўларканми қиз бола дегани. Худди кўғирчоқнинг ўзгинаси-я! Оппоқ халатда янаям

очилиб кетаркан гўёки сутга чайилгандек. Оппокқина тўлик юзи, қоп-қора қош-кўзлари, хушбичим қоматию бўлик кўк-раклари юракни аёвсиз оловга топтайди-я ўзиям.

Дилфуза Зайниддиннинг билагидан қон олиб бўларкан, унинг пробиркадаги қип-қизил ранги ва кўтарилаётган кўпикларига ачингандек тикилганини пайқаб, кесатди.

– Жонингизни эмас, қонингизни олдик, холос, жаноби олийлари. Намунча рангингиз дока бўлмаса. Ўзи эркак зотининг жони мисоли момик пахта. Устига-устак ҳурмату иззатларини жуда ўринлатишади. – Чиқиб бораётиб яна гап билан узиб олди. – Келбатингиздан от хуркади-ю, ялпоқланиб ётишингизга нима бор! Сиздан олдин шу ўринда товукбоқар бир амаки даволаниб кетганди. Қисқаси, шу хонанинг ашаддий хўр-рози эди. Тонг саҳардан ивирсиниб йўлакда туриб оларди-да, ҳамманинг уйкусини бирдек ўчирарди. Бу кишим бўлсалар тамом акси эканлар.

Зайниддин, олов экан-ку бу, дея мулзам торганча нигоҳида уни кузатиб қолаверди. Кейин Дилфузанинг тақдирини баъзи беморлардан эшитиб, кўнгли эзилди. Шундоқ жувонни тирноққа зор бўлиб турмуши бўлмагани, кўнгли кемтиклиги хаёлидан сира нари кетмай қолди. Лекин Дилфуза ички дардларини ҳеч ким билан бўлишишни истамагандек ўзини доим бир хил олиб юриши Зайниддинни таажжубга солди. Аммо шундай гўзални ташлаб кетган эр жонивор туппа-тузук аҳмоқ экан, ноинсоф экан, дегувчи изтиробли ўйлар кўнглидан бот-бот кечди.

Ёмғир шаррос куйиб турган куни ёмон бўлди. Ёнгарчилик бўлаётгани етмай, чироқлар ҳам хоналарни заифгина ёритиб, ғашни баттар келтиради. Дилфузанинг навбатчилик куни бўлганлиги учун тушлиқдаги дори-дармонларни беморларга эндигина тарқатаётган маҳалида ним қоронғи йўлакда ўғилчаси етагида Зубайда пайдо бўлди. Оёғини авайлаган кўйи қадам босиб, хонага кирар чоғида эшик кесақисига бе-хос қоқиниб, мункиб кетишига бир баҳя қолди. Ўғилчаси ҳам олдинга бир силтаниб, ўзини аранг ўнглаб олди. Ранги оқарганча бир аясига, бир ўрнидан шитоб кўзғолган дадасига,

бир ув тортиб юборган икки-уч бемор ва шу томонга ҳайрон боққанча қолган ҳамширага чўчибгина кўз югуртирди. Аяси-га ич-ичи ачишиб кетди. Ўпкаси тўлди. Зубайда эса хижолат тортганидан товуши титраброқ чикди.

– Вой, ўлсин, кўрмай қолибман. Йўлак қоронғироқ эканда, узр.

Сўнг Зайниддин ва хонадагилар билан ҳол-аҳвол сўрашган бўлди. Курсига омонат чўкди. Зайниддин билан кучоклашиб кўришаётган ўғилчасига биров термулиб қоларкан, вужудида кезган титроқни босиш учун ўзини чалғитмоқчи бўлди. Тўрвадаги нарсаларни тумба устига тартиб билан авайлабгина жойлаштираркан, қалин кўзойнагини бир-икки ўнглади.

– Ёмғирга қолдик, дадаси. Сира тингиси келмайди-я. Қизингизни кўшнида қолдириб келавердик.

– Бехуда уринибсизлар-да! Бола шўрликни қаранг, ивиб кетибди. Шамоллаб қолмасин тагин.

Зайниддин ўғилчасининг намиқиб кетган сочларини оҳиста силаркан, бехос дераза томонга нигоҳи тушиб ўтди. Дори тақсимлаётган Дилфуза бу вақтда Зубайдага ўғринча бош-оёқ назар ташлаб, негадир беписандлик билан бурнини жийириб қўйди. Зайниддиннинг бундан юраги зирқираб кетди. Беихтиёр ўғилчасини кучоғидан бўшатди. Боз устига ҳамон тимириланаётган хотини ҳам кўзига кўринмай қолди. Дилфуза чиқиб бораётиб, қошларини маъноли керганча Зубайдага яна бир қур зимдан боқди-ю, эшикни ёпди. Зайниддин унинг кўзларидан, хотинингни аҳволи шуми, дегувчи ачитки ишорани укқандек бўлди. Алами келди. Уларни холи қолдириш ниятида кетма-кет ташқари чиқиб бораётган шерикларининг қоралари ўчгунча чидам топиб турди-ю, кейин аччиқ захрини бор бўйи сочди. Лекин хонада бош-оёқ бурканганча ётган қария томонга ижирғанганча бот-бот қараб қўйди.

– Мен сизга неча марта айтаман, ортиқ ўзингизни қийнаманг, деб. Очимдан ўлаётганим йўқ шекилли. Ҳамма нарса етарли, дегандим-ку!

– Гап овқатда эканми, дадажониси. Хавотирланамиз-да барибир. Болаларингиз ҳам соғиниб қолишди. Қизингиз ҳар куни йиғламоқдан бери бўлади, дадамларга бораман, деб.

Зайниддин каловланиб қолди. Аламини қандай олса бўлади ўзи-а?! Нима қилса хуморидан чиқади?!

– Бир-икки кундан кейин жавоб бериб қолишса керак. Қайтиб уриниб юрманглар. Ўзи оғайнилар ҳам қаторлашиб келавериб, зериктириб юборишди. Ахир бу ер ялпайиб, дам оладиган сиҳаттоҳ эмас-ку! Кейин... анави нарсаларингизни қайтариб тўрвага солинг. Ейилмасдан бекор исроф бўлади.

– Вой, нега энди, дадаси. Ахир атай ўзингиз суйган чучвара килувдим. Қатикниям ёғликқина ивигандим.

– Олиб кетинг, дегандан кейин минғирламай...

Бирдан она-боланинг авзойи ўзгарди. Зухриддин Зайниддиннинг ғазабланган нигоҳидан чўчиб, онасининг пинжига суқилди. Юраги эзилиб ёлборди.

– Аяжон, кета қолайлик. Дилор ҳам инжиқланиб, йиғлаб ўтиргандир.

Зубайда эрининг кўзларидаги қатъийлик, бехос туғилган қайсарликдан эсанкираб, беихтиёр тумба устидаги егуликларни қайтиб халтасига соларкан, тўлиб келаётган ўпкасини аранг босди. Ачишиб келган кўз ёшларига эрк бергиси келмай, бош эгди. Хаёлидан, мендан номус қиляптилар шекилли, деган аламли ўй ўтди. Ўтди-ю, бутун танасига ўт мисол ёйилди. Ўрнидан аста кўзғолди. Хастагина оҳангда хўшлашди.

– Майли, дадаси, яхши қолинг. Тезроқ соғайиб чиқинг.

Зайниддин уларнинг кетидан тўсрайиб қараб қоларкан, ўғилчасининг бир қур бўлсин қайрилиб қўймаганлигидан ич-ичи тилимланиб кетди. Ўзига анчагина келолмай, узола тушиб ётди. Кўз олдидан Дилфузанинг беписанд бурун жийириши сира нари кетмайди. Нега бунақа қилди экан, нима ҳаққи бор эди?! Нима, менсимасликми бу? Ўзинг ким эдингки, бировга бурун жийиришга лойиқ бўлсанг! Турган-битганинг оддийгина бир ҳамшира бўлса! Шу қаёқдаги ҳамширани деб хотинига аччиқ қилдими? Шуни деб номус қилдими? Шуни деб-а?! Ўғилчасининг мурғак дилини вайрон

қилиб жўнатмадимми шуни деб? Унинг нигоҳий илтифотга зор бўлиб қолганини қандай таърифлаш мумкин? Шўрликнинг уст-боши ёмғирдан ивиб кетибди-я. Атай соғиниб келганида... Аёлининг дардини кўра-била туриб, шу аччиқни боласига ям ўтказадими? Эҳ, хомкалла, нима, обрўни ўйладими шу топда? Наҳот қаёқдаги бевафо обрўни деб кўп нарсаларга кўл силтайверса! Наҳот, ўз оиласига шунчалик безътибор бўлиб кетган бўлса?! Ҳимоя қилиш, қадрини устун қўйиш қўлидан келмай қолган бўлса, наҳот?.. Зайниддиннинг кўз олдидан мунғайганча кўл ушлашиб кетаётган Зубайда ва ўғилчаси сира нари кетмай, аламу армон юрагини аёвсиз чўкилашга тушди. Кетма-кет ўксик ун тортиб юборганини ўзиям сезмай қолди. Шу пайт дераза томондаги каравот аянчли ғичирлаб, кўрпа шишинқираб лопиллади-да, қариянинг дурра боғланган боши кўринди.

– Ўғлим, хафа бўлмангу, лекин хунук иш қилдингиз. Келинни беҳудага мулзам торттирдингиз! Шундоқ ёмғирда бу ерга келишнинг ўзи бўларканми?! Бошқа бунақа қилиқ қилманг, жон ўғлим. Келин янаям ориятли, вазмингина экан, лом-лим демади. Бошқаси бўлгандами, осмонни нақ узғилаб, чилпарчин қиларди-кўярди. Ҳали ёшсиз билинмайди, кексайганингизда биласиз аёл кишининг қадрини. Дилни оғритмаслик ҳам ибодат, ўғлим. Навқиронлигимизда бир ота-хон бўлгучи эди. Ҳар маҳал фотиҳага кўл очилганда, илло, ҳаммангга кампирингдан аввал омонатингни топширишлик насиб қилсин, дерди. Биз кулардик. Мўйсафид тўғри айтган экан. Эркак киши кампирсиз қолса, кенг ҳовли тугул дунёга ям сиғмас экан. Хотин киши эса ҳар ерга сиғиб кетаверади. Қозон осади, набираларини парвариш қилади. Ўҳ-ҳў, қилмаган, бажармаган юмушининг ўзи йўқ. Қани эди кампирим ҳаёт бўлганида эди, ҳаҳ... Ўғилу қизларнинг йўриғи бошқа экан, ўғлим. Мана, ўзимиз, ота-оналаримизга нима қилиб берибмиз? Кези келиб, бу сассик чол бекорга валдирамаган экан, деб кўярсиз.

Зайниддин ўсал бўлди. Лекин ўзининг ҳам дили оғриб турганлигини сездирмади. Ноилож бош ирғаб, тасдиқлаган-

дек бўлди. Аммо хаёлида эса, қуввати ариб, энди панд-на-сиҳатга ўтган-да, дея ғижинди. Шу алпозда бўғиқ нафас қай-тарди. Бунинг маъносини уққан қариянинг дами кесилиб, ни-гоҳи узилди. Насиҳати ночорлик топганидан ранжиб, дераза томонга юз бурганча жим қолди.

* * *

Зайниддин кечки муолажага оёғи тортмайгина йўнал-ди. Эшикдан аста мўралаб, Дилфузанинг ёнида оёқларини чалиштирганча қандайдир кизик тафсилотларни зўр бериб таърифлаётган кўшни бўлимдаги ҳамшира – Сумбулага кўзи тушди. Иккиланганча остонада туриб қолди. Халал бергиси келмади. Санчқиларни махсус йилтироқ идишга жойлаётган Дилфуза эшик томонга орқа ўгирганча берилиб ишлагани билан икки қулоғи дугонасида эди. Сумбула Зайниддиннинг шарпасини сездими, нафаси ўчди. Шоша-пиша этаklarини ўнглади. Дилфуза у нигоҳ ташлаган эшик томонга бош бурди. Кўзлар ихтиёрсиз тўқнашди. Зайниддиннинг бояғи аламла-ри ҳали ҳам тарқаб улгурмагани сезилиб турарди. Ҳозир ҳам сира киргиси йўқ эди-ю, муолажа олмаса бўлмаслигини би-либ ноилож борганди. У Дилфузанинг нигоҳида аллақандай совуқлик ва бу ҳисларга қоришиқ мағрурликни сезиб, ғаши келди. Бу қарашларга дош беролмаслигини англаб, кўзлари-ни олиб қочди. Кўнглидан, бемор, ҳарқалай кайфият бандаси бўларкан-да, деган ўй ўтди.

– Кечки уколнингиз ҳам бормиди, ўртоқ Салимов.

Зайниддин истар-истамас, ҳа, дегандек димоғида минғир-лаб кўйди. Дилфуза жой кўрсатди. У ўтирди. Сумбула гурун-га халал берган Зайниддинга озорланиб қараб кўйди-да, шашти биров пасайганча давом этди.

– Эй, Дилфуз, у кинони кўрмабсан, дунёга келмабсан. Ҳиндлар жуда дўндиришади-да ролларни!

– Ҳа-а, ишқий дostonларга ўч улар. Романтика кучли.

– Нимасини айтасан, ўртоқжон. Лекин маза қилдим, ҳам...

– Ҳам маза қилиб йиғладим дегин. Унинг гапини кесиб, шарақлаб кулди Дилфуза. – Ғуломжон акангнинг супадек ел-

каларига бош кў-ў-йи-иб, хуморингни тоза босибсан-да демак. Бошқа нимаям қилардинг?! Яхшиямки, сиз ошиқзодалар учун кино деганлари яралиб қолган, йўқса тунги капалакдек пана-паналарни кўзлаб қолармидинглар.

– Жуда гапирасан-да, Дилфузабону. Унақанги пайтда Ғуломжон акамлар кўзимга кўринарканми? Қизиқсан сен ҳам. Истаганча кўз ёш тўкаверинг, деб дастрўмолини узатиб турибди-ку! Лекин-чи тушларимгача кириб чиқди, савил қолгур бу киноси. Сен ҳам бир тушгин-чи, тўлиқиб-тўлиқиб бўзлаганингни ўзим мириқиб томошалар қилармидим.

Дилфуза унга ярим ўтирилди. Қошлари ҳайратомуз чимирилди. Кўзларида киши англаб бўлмас ҳислар кезди. Гўё ички дарди товушига қоришиб, ҳазин узилгандек эди.

– Ажойибсан-да, Сумбул. Сени-ку олиб тушадиганингни бор, мени-чи? Кимгаям керагим бор?..

Шундай дея Зайниддиннинг билагига нина санчди. Гўё унинг аччиқ тақдиридаги аламлари шу нина тигларида мужассам топгандек Зайниддиннинг суяк-суягини илон чаққан каби сирқиллатиб ташлади. Юзи ғижимланган қоғоздек аянчли буришиб кетди. Қизлар қаршисида инграб юбормаслик учун лабларини қаттиқ тишлади. Дилфуза парвоям қилмади. Бироқ ўйчан оҳангда шивирлади.

– Бу кўнгилнинг ортиқча кўз ёшлари соб бўлган. Аммо-лекин қалбан қадрим учун йиғлашим мумкин. Бу ҳолимни биров билмайди, ҳеч ким тушунмайди, дугонажон. Кимнинг менга кўзи учиб турибдики, кинога таклиф қилса экан. Лекин рост, боргим бор, уйингта буғдой тўлгурлар, фақат шерик йўқ. Тўғрими, бемор Салимов. Манави эчки қиз боядан бери бошимни қотириб ётибди. Мақтанишини кўрмайсизми бунинг.

Зайниддин ўлганининг кунидан беўхшов ишпайди. Билмасам, дегандек елка учирди. Лекин кўнглидаги бояги ғуборлар ариб, ҳазиллашгиси келдимиз, оғиз очди.

– Ўзингизни бунчалик ҳам ерга ташлаворманг, Дилфузахон. Шундай гўзални қаёқдаги кино экан, дунёнинг нариги чеккаси бўлмайдами, ғириллатиб обориб опкелардим, менга

қолса. Бу қандайин бераҳм дунёки сиздек малакни шунчалик ташвишларга кўмиб қўйган бўлса?!

Шундай дейишга деди-ю, хонани тутган шўх қийқирикдан боши бехос айланиб кетаёзди. Сумбуланинг ўзини ҳар ён ташлаб хушхандон кулиши Дилфузанинг авзойини негадир унчаям ўзгартира олмади. Бу эса Зайниддинни бир зумда ўйга толдирди. Қалтис ҳазил қилдимми, дегандек ҳар бир сўзини хаёлан ҳижжалаб, таҳлил қилишга уринди. Бўшаган санчқиларни йилтироқ идишга беписанд ташлаётган Дилфуза Сумбулага юзланди.

– Сенинг бўлимингда ҳам шунақанги шоввозлардан борми, Сумбул. Менинг сенга зиғирдеккина маслаҳатим: бизникиларга суқланиб боқаверма, кўзинг тегиб қолмасин тагин.

– Қаёқда? – Афсусланди Сумбула лаб буриб, – Жаррохлик бўлимидагилар кинотеатрларга борар эканми? Қай бири мен, ё сен шўрлик билан сариқ чақалик иши бўлсин, дугонажон. Мана, сенга дурустгина ҳамроҳ. Вақти, кунини келишингларда, бораверинглар. Сизлардан нима кетди? Бир мулла, уч сўм пул, бир калла қанд деганларидек-а!

Шундай деди-ю, Сумбула шарақлаб кулиб юборди. Қаттиқ ҳазил қилмадимми, дегандек иккисига ажабланиб қараб ҳам қўйди.

Дилфуза чуқур энтикиб кетди. Негадир майин жилмайиб Зайниддинга боқди.

– Дам олиш куни борсак қалай бўларкин, Зайниддин ака. “Зайниддин ака!” Оҳ-оҳ, намуноча жозоба бермаса экан бу майин илтижо. Шу пайтгача лоақал исмини бирор мартагина тилига ола кўрмаганди-я, бу шайтон қиз. Олов-ку, бу, олов! У бу илтифотдан иккиланиб қолди.

– Сиз қайси кунга десангиз, биз тайёр.

Зайниддин юраги илкис куйганидан култ этиб ютинди. Умида бунақанги куюк туйғуларга сира банди бўлганмиди ёки йўқ, эслолмади. Зубайда ҳам ўзига шунчалик эҳтирос бериб тортганмиди? Ҳеч ноз қилганмиди? Ёки ширин ғамзалар, таманнолар тортиқ этганмиди? Йўқ-йўқ, бунақанги нозик

хислатлар унга ёт, бегона. Бунақанги фазилатлардан буткул йироқда у.

Ҳордиққача ҳали икки кун бор. Эҳ, тезроқ кела қолса эди ўша интизорли кун. У кун келгунча Зайниддиннинг тинчи ўғирлангандек ҳардамхаёл, тунлари бедор бўлди-қолди. Юрак-юрагини ҳовучида куйдираётган бу нима ўзи? Ҳижронми, нима? Гўёки вужудини бир нималар тимдалайди, энтиктириб ширин чимчилайди. Тавба, бўйдоқлик маҳалларида Зубайдасини ҳам шунақанги интиқ кутганмиди? Шунақанги ишқий савдоларга ўралашиб, тунларни бедор ўтказганмиди? Пойларига поёндоз тўшагудек бўлганмиди ҳеч. Назарида бу каби ишқ сўқмоқларидан илк бор йўргалаётгандек эди. Йўргалаганида ҳам чексиз ҳадик, шубҳалар билан ишончсиз нигоҳ ташлаб қолади. Қизик, наҳот энди икки фарзанднинг отаси бўла туриб юрагига чўғ илашиб, ўзгасининг сиймосини кўрга белаб ётган бўлса? Наҳот Дилфуза томон қалби талпинаётгани чин бўлса? Бу ҳазилми, ё... Йў-ўк, бу Дилфуза дегани ўзининг кадр-қимматини тарозига жуда соладиганлардан. Унда кишини ўзига тортувчи қандайдир сеҳр бор, жозиба бор. Барибир, барибир у бошқача. Ахир ўзи сўнгги нуқтага етказиб, атай қочирим қилди-ку! Чиппақка чиқариб кетмас ахир. Жиддий тортиб таклиф қилмаганидаям майли эди. Яна ким билсин. Ишқилиб...

* * *

Орзикиб кутилган кун минг азобларда оппоқ тонгни Зайниддиннинг безовта юрагига тақдим этди. У энтикиб-энтикиб хўрсинди. Гўё ўзини ўн саккиз яшар норғул йигитча каби кўркам, енгил сизди. Қайга қарамасин гўё Дилфуза мийиғида ширин жилмайиб чиқиб келаётгандек кўринаверди. Негадир нонушта ҳам томоғидан ўтмади. Қизик, тушликка сайин вақт оғиб бораётибди-ю, Дилфузадан ҳамон дарак бўлмасди. Зайниддиннинг эса кута-кута кўзлари тўрт бўлганча жонсарақлиги ошгандан-ошди. Ахир учрашув жойи шу бўлимнинг ўзига тайин қилинганди-ку! Тушлик ҳам тошбақадек бир амаллаб ниҳоя топди-ю, вақтнинг аччиқ ичакдек чўзгиланиши диққа-

тини баттар оширди. Шомга яқин қолганда Зайниддин чув тушганини фаҳмлади. Фаҳмлади-ю, ич-ичига муз парчалари ёғилгандек, асабий титраб кетди.

Эртаси куни Зайниддинга жавоб берилди. Дилфуза билан хайрлашиш ҳам насияга қолди.

* * *

Зайниддин ҳовлисига кирган заҳоти чопқиллаб келган қизчасини бағрига маҳкам босаркан, бошқача бўлиб кетди. Ҳардамхаёлликлари ўзига айил ботди. Шундоқ дилбандларига хиёнат қилишга наҳот йўл излаган бўлса? Яхшиям, яхшиям қалтис нияти амалга ошмай қолгани, йўқса қай кўзу, қай юз билан кириб келарди дийдорларига муштоқ бўлиб.

Шу чоғ ўғилчаси Зухриддин бир кучоқ ўтинни ортмоқлаб ўтаётиб, дадасининг овозини эшитиб қолди-ю, елкасидаги юкни тандир томонга тез элтиб, чопқиллаганча истиқболига ошиқиб борди.

– Яхши бўлиб қолдингизми, дадажон.

– Балли, ўғлим, жуда яхшиман. Аянг негадир кўринмай-дими?

– Сигир соғаяптилар. Кейин нон ёпадилар, хамир қориб қўйганлар.

Оғилхона тарафдан шарпа эшитилди. Зум ўтмай, тор йўлакда пешонасига дурра тангиган Зубайда кўриниш берди. Қўлида илиқ ҳовур кўтарилиб турган сут тўла пақир. Чўккалаб ўтирганча сигир соққанлиги учунми, ҳарсиллаб нафас олади. Суюнчилагиси келган қизчаси уни кўриши заҳоти қийқирди.

– Аяжон, дадамлар келдилар.

– Вой, даданг келдиларми? – У Зайниддинга яқин келиб, чуқур энтикди. – Яхши бўлиб қолдингизми, дадаси. Узр, мен ҳозир. Зухриддинбек, қайда қолдинг, болам. Дарров жой ҳозирламайсанми-а? – У пақирни ошхонага элтиб, ўзи чойга унади. Қайтиб чиқиб, шошганча дастурхон ёзди. – Тинкангиз анча қуригандир, дадажониси. Иссиққа қолибсиз-да ўзиям. Бирпас дам олинг. Хамирим қочиб кетмасин тағин. Мен ҳо-

зир! Зухриддинбек, сизлар даданглар билан биргалашиб чой ичиб ўтиринглар, хўпми? Мен эсам бирпасда нон ёпиб келтираман.

Зайниддин қизчасининг бижир-бижир чуғурлашига маҳлиё бўлганча завқланиб ўтираркан, нигоҳида Зубайданинг кетидан кузатиб қолди. Унинг оёғидаги эскигина шиппак, эгнидаги шалвираган кўйлаги кўзига негадир жуда хунук кўриниб кетди. Шу топда Дилфузанинг сутга чайилгандек оппоққина чехраси қайноққина тусда жонланди. Ўзиям ём-мон лаққа тушириб кетди-да, абжир қиз. Шу алам Зайниддиннинг хаёлида қайта бош кўтариб, юрак-юрагини элакка тутгандек бўлди. Шу топда негадир Зубайда билан уни такқослашга тушди. Тарози палласининг бир томони-ни барибир Дилфузанинг салобати босиб тушгани юрагига янаям ўт қалагандек бўлди. Ҳаловатини олди. Бояги афсуси аллақайгадир йўл олгандек эди.

Ажаб, шифохонага тушган одам қандайдир ғашликни кўнглида туйиб, хаёли негадир хира тортиб кетади. Даволаниб чикқач эса, яна шундай ҳолатни уйда бошдан кечиради. Юраги негадир бесабаб ғашланаверади. Ғашланган сайин ниманидир, нимасинидир йўқотиб қўйганга ўхшайверади. Нималигини аслида ўзиям билмайди. Бора-бора шу ҳолатни унутиб борадими, бу ҳақда ўйламай ҳам қўяди. Ҳозир Зайниддиннинг кўнгли шу каби безовтароқ эди. На иштаҳаси бор ва на кайфияти. Бир-икки хўплам муздеккина қатик ҳушини андак бўлса-да жамлагандек бўлди. Барибир кўнглига нимадир ёқмадими, бироз дам олгиси келди. Қизчасини бағридан узиб меҳмонхонага ўтди. Ҳализамон қулоқма-қулоқ хабар топганлар келиб қолишса, янаям толиқиши мумкин. Ҳозирдан ўзини эплаб олгани маъкул.

Зайниддин шу меҳмонхонани ўзиям рисоладагидек курдирди-да. Кенг ва шинамгина бўлганлиги учун ҳам кирган кишига қандайдир кўтаринкилик бераётгандек, кўнглига аллақандай сокинликни индираётгандек бўлади. Ором беради. Сархуш хаёлларга толдиргандек туюлади. Ҳозирда Зайниддин ҳам шу хона ичида ана шундай кайфи-

ятда Дилфузани ўйлай-ўйлай, қандай қилиб кўзи илинганини сезмай қолди. Қанча ётганини билмайди. Бир маҳал ташқаридан кулоғига элас-элас чалинган ғўнғир-ғўнғир товушлардан безовталаниб кўз очди-ю, ўрнидан эринибгина кўзғолди. Кимдир енгилгина қадам босганча кириб келди. Ўғилчаси экан.

– Дада, ўртоқларингиз келишди. Супага жой қилайликми, ё шу ергами? Аям сўраятувдилар.

– Шу ерга ҳозирлайверинглар. Баҳаво. Ташқари ҳалиям дим бўлса керак.

Ўғилчаси чиқиб кетгач, у меҳмонхона биқинидаги ювиниш хонасига кириб, юз-қўлини чайишга тушди. У ердан чиқаркан, ҳовли саҳнида узун-қиска турганча гурунглашаётган оғайниларининг гапларига ичи тошганча қувлик билан кулоқ тутди.

– Зайниддинбекнинг ҳам ҳафсаласи ёмон эмас лекин. Шу саҳн устига баландроқ ишқом қилдирганда ҳовлининг юзи янаям очиларди.

– Тўппа-тўғри, Соҳибжон. Яна бир томони саҳннинг бошдан-оёғигача нақшинкор панжара ўрнатилса, чакки бўлмасди.

– Барибир ҳовлига етмас экан, Илҳомжон ака. Мана биз ҳам юрибмиз-да каталакдек “Дом”да яшаб.

Шу топда томоқнинг маъноли қирилган товушидан суҳбатдошлар кетларига қайрилишди. Қайрилишди-ю, дафъатан қий-чув кўтарилди. Зайниддинни бир-бир бағриларига босишаркан, қайта-қайта ҳол-аҳвол сўрашишди.

Муслимбек ҳазил қилди.

– Ҳаммомда экансизу, биз йўлакка тикилиб ётибмиз-а, Зайниддин ака.

– Шифохонанинг гардини қоққим келиб кетди-да, Муслимбек.

Кувноқ кайфиятдаги илтифоту изҳорлар қоришигида меҳмонхонага йўл олишди. Ҳеч қанча ўтмай, хона кўни-қўшни, ошна-оғайниларга тўлиб кетди. Сигарет ва ичимлик исига кўмилган ғала-ғовур ярим тунгача чўзилди.

Меҳмонларни кузатиб, эски уй айвонидаги супага чўзилган Зайниддин боши тарс ёрилгудек даражада уйғонди. Зубайда нонушта тайёрлаш билан банд эди. Унинг ивирсиниб юмуш бажараётганига зимдан тикилиб қолган Зайниддиннинг негадир зардаси қайнади. Нонушта маҳалида эса ортиқ тоқат тополмади.

– Намунча каловландингиз?! Пиёлани узатганим қачон эди. Нима, чойни дадангизнинг чойхонасидан дамлаб келтирганмисиз?!

Зубайда бу кесатикдан ич-ичдан титраб кетди. Дадасининг хожатбарор юмушига таъна тоши отаётган эридан оғри-ниб-оғриниб кўйди. Шу пайтгача номус қилмаганди-ку, бу нимаси энди. Дилида аламли гаплар чир айланди-ю, аммо тилига кўчиришга ўзи изн бермади. Майли, эр-хотиннинг ўртасида нималар бўлмайди. Шу киноягаям ота гўри қозихонами? Салгаям ловуллайверса, қачон тонг отади?

– Кўрмай қолибман, узр, дадажониси.

– Кўз кўрмаса, фаросат деганлари, зийраклик деганлариям бўлиши керак-ку бир мундоқ.

– Шунчалик кўриб турибман ҳам, шунисига шуқр. Кўйинг, дадаси, ортиқ аччиқланманг.

Бу шукроналик ва овутишлик Зайниддинга айилдай ботди. Гўё хотини, сен менинг дардимга малҳам бўлолмаясан, даво излолмаясан, дегандек туюлиб, фиғони қайнади.

– Бу таънами, нима ўзи?! Ҳар дўхтиру табибларга боқтирганларим буткул ерга кўмилибди-да?! Э, ўзи хотин зотига яхшилиқ қилиб ҳеч ким обрў топмаган. Топмайди ҳам. Садқаи сар яхшилиқ.

– Дадаси, сиз мени тушунмадингиз. Мен сира таъна қилаётганим йўқ, ношукрлик ҳам. Раҳмат, мени деб шунча ҳаракат қилдингиз. Демокчиманки, шу кўришимнинг ўзиям бир бахт, бир давлат.

Ўртага оғир сукунат чўмди. Ота-онасининг ўртасида шу пайтгача бунақанги келишмовчилик сира бўлмаганидан саросимага тушган болалар не қиларларини биллолмай, пушишганча жавдираб қолишди. Зубайда уларга таскин берди.

– Зухриддинбек, синглингни олиб халтадаги сузмани саватга юмалоқлаб, курут қилиб қўйинглар. Кейин бошқа юмушларга уринамиз. Қўлларингни совунлаб ювиш эздан чикмасин, хўпми?

Зубайданинг болаларни турғазиб, юмушга йўллашим Зайниддинга оғир ботди. Бу билан, отанг жаҳл отига минди, сизлар кўздан нари туринглар, демоқчими? У шу алам искан-жасида ёнаётган маҳалда Зубайда дилини баттар хуфтон қил-гудек оғиз очди.

– Дадаси, маслаҳатли гап бор эди.

Зайниддин чурқ этмай, ўқдек тикилганча бел тираб ёта-верди. Унинг жим қолганини, гапиравер, кулоғим сенда, қабилда тушунган Зубайда яна шу оҳангда давом этди.

– Бирор жойдан иш топиб... Ҳарқалай дардимни бироз бўлсин унутармидим...

– Нима?! Зайниддин сапчиб ўрнидан кўзғолди. Кўзлари косасидан қайнаб чикқудек важоҳатда тупук сачратди. – Ҳали корнингиз оч, эгнингиз юпун қолдими? Ё бу турмуш кўнглингизга ёқмаяптими?! Гапиринг!

Зубайда чўчиб сўри четига тисарилди. Лаблари, юз лунжи титроқли учиб қўйди.

– Тавба қилдим, дадаси, ношукрчилик қилаётганим йўқ. Фақат ўзимни иш билан чалғитаё деб...

Зайниддин кинояга ўтди.

– Сизнинг топадиган тўрт тийинингиз битта товукнинг тухумига арзирмикан. Ё мени маҳаллада юзимни ерга сувашни истаб қолдиларми? Кўнгиллари яна нимани хоҳлаб қолди, шуни эшитайлик.

Зубайда ортиқ бир сўз демади. Бош эгтанча аламданми, нимадандир эзилиб, пиқ-пиқ кўз ёш тўкишга тушди. Зайниддиннинг эса фигони баттар қайнади. Ҳеч қачон бундай аҳволга тушмаганди. Ўзининг ҳайқириғидан ўзиям ғалати ҳолга тушди, аммо дилида ўрлаган аламлар тилидан шилиниб улгурди.

– Сен... сен ўзи тайёр кўрнамаксан, кўрнамак. Мана бу еримга келдинг лекин. У томоғига бармоғини кесиб тортди. – Нима, дунё топиб берармидинг менга!..

Ошхона тарафда юмушга уннаган болалар кўркувдан тит-рокка тушишди. Зухриддин ўзини аранг босса-да, Дилором каттик чўчиганидан чириллаб йиғлашга тушди. Зубайдага шу баҳона бўлди-ю, болалар томон шошилди. Зайниддин эса кўлидаги гулли пиёлани ерга урди. Унинг чил-чил синиб, ҳар ён учишига қараб, бақрайиб қолди-да, жазаваланиб ўрнидан сапчиди. Аламланиб ўз-ўзига бир нималарни висирлади-да, кўчага отланди. Бораётиб ўрнида таққа тўхтади. Қаёққа бормоқчи ўзи? Боши ғовлаганидан бир ниманинг мўлжалини ололмагани ҳам алам қилди. Бироқ беихтиёр олдинга босилган қадам бемақсад томонни ишора қилгандек чикди-кетди. Хаёлидан эса, бу нодон хотин нималарни чамалаб ётибди ўзи, дегувчи исёнли саволлар қоришиб ўтишга тушди...

* * *

Зайниддин кейинги пайтларда ўзининг хом ўлчови билан Зубайданинг дардини негадир тушуниб етишни истамай қолди. Борган сайин ундан кўнгли совиб бораётганини ҳис қилар, ҳис этган сари эса бу совуқ туйғуларга банди бўлаётганини сезмас эди. Ҳатто Зубайданинг куймаланишларига кўзи тушган заҳоти баттар ғаши келар, келаверарди. Энди, оддий чойхоначининг кизи-да, деган қатъий ўй ғолиб келганидан беписанд қарашни одат қилди. Ахир бир муҳандиснинг аёли шунақанги бўлса, хурмати пастлаб кетмайдими? Аёл бўлсин, соғлом бўлсин. Ана, қанча ёр-биродарлари, казо-казо танишларининг аёллари мисоли париваш, хури тимсол. Эрларининг парваришлари ҳавасни келтирадиган даражада. Тақдир ҳам шунақа тузсиз, таъмсиз бўлса эркакнинг шўри экан-да! Бирор лозиманда маросимга қўлтиқлашиб бора олмасанг, ўзинг етим кўзидек мунғайиб ўтирасанми ҳаммага томоша бўлиб, ҳамманинг турмушини ҳавас қилиб? Йўқ, бўлмайди. Тунов кунги ночор фикрининг ўзи етиб ортади. Нимасига етмаётибди экан, бу эси пастнинг, нимасига? Еганинг олдингда, истамаганинг кетингда. Шукр қил. Кимдан каминг бор, аввал шуни сарҳисоб қил. Ўзи аёл кишига бир умр таҳисанг ҳам ҳеч вақонинг фарқига бормайди. Тайёр товукмиянинг ўзгина-

си бўлсаям ёмон экан. Яна юзингга чанг солгудек, нима қилиб қўйибсиз, деб тасрайиб тураверади. Зайниддин шу зайлда гоҳ ўзини овутади, гоҳ тақдиридан нолиб кетади. Ўзи учун бунёд қилаётган ишқ ўти алангасидан тафт топиб исингандек бўлади, гоҳи инсофга келиб, ўз-ўзига тасалли беради.

* * *

Исоқжон деган бир яқин дўсти тоғлик оғайниси тўйга таклифнома бериб кетганини, бир ўзи сўппайиб бориши ғалати бўлаётганини айтиб, илтимос қилиб қолди.

– Зайниддинбек, йўқ демайсиз энди, ошнажон. Сизнинг машинангиз дурустрок, обрўлирок. Узоқ йўлга ҳатто мик этиб қўймайди ҳам.

– Тўй бераётган ким ўзи?

– Борганимизда яқиндан таништириб қўяман. Келишдикми? Ҳар ҳолда керакли одам. Хуллас, ишдан чиқишингиз билан етиб бораман.

Зайниддин эътироз билдиrolмади. Кўнди. Ахир бу дўсти ҳам керакли одам, тўй бераётган ҳам. Таниш орттирган яхши-да.

Тўй тоғ этақларида жойлашган қишлоқчада экан. Табиат манзараси ҳам бор бўлсин-да лекин. Қуюқ дарахтлар оралаб кўп юришди. Илонизи бўлиб кетган торгина сўқмоқ анча чуқурликда биланглаб оқаётган дарёнинг шундоққина қирғоғига олиб чиқар экан. Юқоридан қараган одамнинг ҳавасини келтиради. Қиялаб тушган ёнбағирликдаги мевали дарахтларининг шохлари эса лорсиллагудек ер ўпади.

Зайниддин машинасини қияликка яқин жойдаги йўл четига тўхтатаркан, Исоқжонга кўнглини ёрди.

– Шунақанги манзаралар жуда ёқади-да, оғайни. Табиат қўйнига болалиқдан ўчман.

– Холмат аканинг диди жуда ўткир. Бу ерлар кишининг чарчоғини олади, асабини тиклайди. Шаҳарнинг диққинафас ҳавосидан танамиз ҳам заҳарланиб битганми, доим бир нима етишмаётгандек сезаман ўзимни. Бунақанги жойларга келсам, ҳамма ташвишларни унутаман.

Исоқжоннинг айтганича бор экан. Ҳовли ичкараси ҳам шаҳар хонадонларидан қолишмайдиган кўринишда дид билан безак топганлиги Зайниддиннинг ҳавасини келтирди. Бу эса хонадон соҳибининг табиати ўта нозиклигидан дарак бериб турарди.

Исоқжон Зайниддинни тўй эгасидан тортиб, бари нота ниш меҳмонларгача таништириб ўтди. Бир-икки қадахдан сўнг, ҳар ким ўзининг дилтортар кишиси билан тил топишиб кетди. Тўй авжига минган маҳал шом аста чўка бошлаган эди. Зайниддин узатилган қадахлардан бош торта олмай, бир-икки тотган бўлди-ю, рулда эканлигини айтиб, бас қилди. Анча ўтиришгач, ёнидагига тинмай бир нимани куюниб уқтираётган Исоқжонни аста тўртди.

– Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Турайлик энди.

Исоқжоннинг юз-кўзларида илтижо аралаш норозилик ҳисси ёқимсиз кезинди.

– Борасиз-да, дўстим, ўша кулбаи вайронангизга. Агар шошилаётган бўлсангиз ... яна ўзингиз биласиз...

Зайниддиннинг алами келди. Эшак лойдан ўтиб олгач, бу ёғи ҳолва экан-да. Туф-е, бунақанги бемаза ошна-оғайнигарчиликка! У жаҳли чиққанини сездирмай, ўрнидан аста кўзғолди. Ёлғиз ўзи чиқиб кетишни эп кўрмай, ҳовлини ярим айланиб, очиқ этак томонга ўтди. Этакдан бошланиб кетувчи сўқмоқдан эниб юқорига кўтарилса, машинаси қаршисидан чиқиши мумкинлигини ҳали обдон кузатиб олганди. Сўқмоққа ўткир нурли чироқлар ўрнатилгани учун юриш унчалик қийинчилик туғдирмади. Бироқ оёқ остидаги бўртиб чиққан қиррали тоғ тошлари қоқинтириб, ё пастликка мункитиб юбориши мумкинлигидан Зайниддин ҳар бир қадамини авайлаб босиб борарди. Ҳар ер-ҳар ерда тўп-тўп гурунглашиб турган кимсаларнинг гоҳ ҳазиллари кулоққа чалинса, гоҳ нима ҳақдадир тортишишлари, гоҳи эса ғижиллашиб қолганлари устидан чиқиб, ўзини ўтлоқ жойга олади-да, то у ердан ўтгунча кийналиб кетади. Булар қанақанги одамлар ўзи, на йўл бўшатишни билишади ва на қаршиларидаги кимсага эътибор қилишади. Дарё қирғоғи томондан эса аллаким-

ларнинг кийкирикларини эшитди-ю, ўзининг ҳам шунақанги хордиқ чиқаргиси келиб кетди. Шу интиқлик билан ўзининг соясига эргашган кўйи тепаликка ўрлади. Бунақанги жойда пастликка эниш ҳам, юқорига кўтарилиш ҳам кишини анчайин толиқтириб кўйишидан оғриниб кетди. Бир амаллаб чиқиб олгач, нафасини ростлашга уринди. Кечки совуқ шабада кўкрагига урилиб, вужудини яйратиб юборди. Бирок терлаб-пишгани боисми, баданига ёпишган ички кийими бироз сескантириш бериб турди-ю, тиши тишига қасд қилгудек тахлитда таъсир ўтказиб, вужудида кучли қалтироқ турғазди. У тартибсиз саф тортган машиналар қатори томон қадам кўйди. Иссиқликни истаб, ўз машинасини излай бошлади. Хайрият, қийналмай топди. Топди-ю, қайсидир пандивақи шалок аравасини кетига тиркаб кўйганлигини кўриб, хуноби ошди. Асаби кўзиганидан совуқ қотаётганиниям унутди. Ишқилиб тўйхонада учиб қолмаган бўлсин-да, бефаҳм. Йўқса, узоқ кутиб туришига тўғри келади. “Запорожец” ҳайдовчиси билгандек ҳаялламай етиб келди. Зайниддиннинг ишорали сигналидан тезроқ йўл бўшатиши лозимлигини англаб, узр маъносида кўлини кўксига кўйди-ю, чаққонлик билан машинасига ўтирди. Трактор монанд кучли гуриллаган машина кўчани шовқинга тўлдириб, кетидан куюқ ис қолдирди-да, тор муюлишда кўздан ғойиб бўлди. Зайниддин унинг кетидан ижирғаниб қараганча машинасини ўт олдирди. Худди ўчакишгандек бир алангаланиб, хириллаб нафас чиқарганча ўчди-қолди. У асабийлашганча пастга тушди. Шу пайт сал наридан икки қизнинг тортишуви қулоғига чалингандек бўлди. Товушлардан бири танишдек туюлиб, сергак тортди.

– Уйга кеч қоламиз, Лола. Дадамлар кўнганларидаям майли эди.

– Тўйни тугаллаб қайтмасак бўлмайти. Нозима қаттиқ хафа бўлади. Ўзинг ҳам яхши биласан-ку уни. Бусиз ҳам синфдош дугоналаридан иккимиз келибмиз холос. Қолган қизларнинг бари курсдошлари.

– Йўқ, Лола. Эрталаб ишга боришим керак. Нима бўлгандаям бу бегона ерда қололмайман. Шунча қолиб кетдим,

етар. Сени эса билмадим. Ўчакишгандек акам ҳам келмади. Вақт ҳам анча ўтиб қолди.

– Мен ҳам шуни айтаман-да, Дилфуз. Бошқа ҳечам иложи йўқ. Эрталаб шу ердан ишингга бораверасан.

Зайниддин энди таниди. Ахир бу ўша шаддод ҳамшира-ку! Алдамчи Дилфуза-ку! Хаёлларини чўғ каби оловлантириб, буткул ўғирлаган бу Дилфуза нима килиб юрибди экан бу ерда? У қаттиқ энтикканча қизлар тарафга қандай бориб қолганлигини билмай қолди. Гўё юрагида отлар улоқ чопаётгандек ҳам ҳузурли, ҳам эхтиросли эди.

– Дилфуз, бу сизмисиз?

Дугоналарнинг уни бирдан ўчганча чўчинқираб, Зайниддин томонга қарашди. Дилфуза аввалига уни танимади. Тўйхонадан тушаётган ёруғликка унинг юзини бир муддат солиб кўргач, ҳам кўрқув, ҳам ҳаяжон аралаш сўради.

– Ие, Зайниддин ака, ўзингизмисиз? Уйлариңгиз шу ёқдами?

– Тўйга келгандик. Энди қайтаётган жойим эди. Товушингиз таниш туюлиб... Ўзларинг-чи?

– Биз ҳам дугонамизни узатиб келгандик. Ҳаяллаб қолдик. Қайтишимиз керак. Эрталаб ишга бормасак бўлмайди. Биласиз-ку ўзингиз.

– Қайтмоқчи бўлсаларинг бирга кетаверамиз. Мана, тайёр машина.

Қизлар иккиланиб қолишди. Дилфуза Лолани минг бор қистаса ҳам, лекин у келин қаттиқ хафа бўлишини такрор-такрор чуғурлаб, сира унинг йўригига юргиси келмади. Анча тортишувдан сўнг, Лола қоладиган, Дилфуза йўлга отлангани бўлди. Дилфуза минг кўрқув билан Зайниддиннинг машинасига ноилож чўқаркан, Лолага озорланиб боқиб қўйди. Ҳатто дугонасининг қувноқлик билан қўл силташигаям парво қилмади.

Машина силжиши заҳоти Дилфузанинг юраги илкис ортига тортиб кетди. Чўчинқираш, кўрқув унинг вужуд-вужудини омбур каби сиқимлашга тушди. Қайтиб тушишга шайланганда машинанинг тезлиги кўққис ошганидан тили кесил-

гандек жим қолди. Ён ойнадан ғириллаб урилаётган шаббода гўё уни мазахлаётгандек тим қора сочларини юлқиб-юлқиб тортқилашга тушди. Кўкрак бурмаларини хилпиратиб, нафасини қайтарди. Тўхтатинг, демоқчи бўлади-ю, негадир яна тили айланмай, дами кесилади. Тавба, шаддодлиги қаёққа гум бўлди? Аёл кишининг кучи тилида эканми, нима бало. Шунда у шабада аралаш димоғига урилган коньяк исидан боши айланиб кетди-ю, баттар талвасага тушди. Бир томони ширакайф ҳолатда машина бошқариш не оқибатларга олиб келишини ўйлаб чўчигандан-чўчиса, яна бир томони маст-аласт одамнинг хурмача қилиқлари... Дилфуза ёлғизлигидан, ношудлигидан, калтабинлигидан йиғламоқдан бери бўлиб, орқа ўриндиқнинг четига қапишганча борарди. Билиб бўладими ахир бу қанақанги одам экан. Одамнинг оласи ичида, деб бежиз айтишмаса керак. Нега энди барвақт ўйламади экан шуни. Қайдан ҳам узатиб келди шу келин бўлмиш дугонасини. Шунчалик шартмиди? Мана энди ўз ёғига ўзи қовурилиб ётибди. Анави лаванг Лола эса ўзига ўзи хон, кўланкаси майдон. Қизик, биргина арзандалари билан ота-онасининг заррачалик ишлари ҳам йўғ-е! Қаерда юрибди, нималар қиляпти, кимлар билан юрибди, ташвиш ҳам қилишмайди. Эртага “юз очди”сини ўтказиб кетмаса, кўнгли саранжом топмасмиш бу лаллайганнинг. Тулкининг сутини эмган бу киз нима учун бунақанги маросимларга ўч экан, билиб бўлмайди. Ҳа-а, мана гап қаерда экан? Ахир келин дугоналари бойваччанинг ўғлига тегаяпти-ку! Ахир, бу ялла айтиб, бирор нимадан куруқ қолишни истарканми?! Э-э, қуриб кетсин ҳаммасиям, ҳатто ўша бир кафтгина матосиям. Тавба, акаси нега келмади экан? Ўзи ваъда қилганди қатъий, бораман, деб. Қанча кўз тикди-я. Ё бирор иши чиқиб қолиб, ҳаяллаб кетдимикин? Яна ким билсин?

Машина эгри-бугри кўчалардан ўтиб, кенг, равон йўлга тушиб олгандагина ортиқ кучанмай, енгилгина физиллаб кетди.

– Намунча чўчимасангиз, Дилфуз. Ахир биз бир-биримизга нотаниш эмасмиз-ку! Бемалол ёзилиб ўтираверинг.

Шифохонангизда бизнинг ғужанак бўлиб олишимизга сира йўл қўймасдингиз шекилли?

Дилфузанинг кўнгли бироз ёришгандек бўлди-ю, кейинги илмоқли гапларда қандайдир кин бордек туюлиб, юраги ҳадик билан оғир қалқди. Лекин ўзини қўлга олишга уринди. Ич-ичидан ўзини ачитиб қойган бўлди. Қаердан ҳам чиқди шу машинасига! Ички исёнларини сездирмасликка уриниб, дадил бўлишга тиришди.

Зайниддин машинани бир маромда бошқариб бораркан, Дилфузанинг қўли ўта енгиллигини тилидан бол томиб мақтай кетди. Мақтов Дилфузанинг ақлу ҳушини олганидан кўнглидаги бояги шубҳаларни қувиб солгандек бўлди. Шундан кейингина қаддини бироз ростлади.

– Келинпошша сизларга ким бўлади, ё тўй эгасининг бирор қариндошчилиги борми?

– Лола айтди-ку, синфдош дугоналардан иккимиз эканмиз холос, деб. Эшитмадингизми?

– Очиғи, гапларингизга кўп ҳам эътибор берганим йўқ. Бировларнинг ўзаро суҳбатига қулоқ тутадиган одатим ҳам йўқ.

– Шунақами? Яхши одатингиз бор экан. Келин синфдош дугонамиз бўлади. У институтни битиргунча куёв шўрлик кутди. Очиғини айтганда, ҳавасим келди уларга. Ҳар икки куда томонлар шифокор. Дугонамиз ҳам шу касбда. Куёв муаллим экан. Зиёлилар оиласи барибир бошқача бўларкан.

– Ҳавасда гап кўп. Кимки астойдил ҳавас қилса, албатта муроди ҳосил бўлади. Бу хислат ҳар кимдаям бўлавермайди-да, Дилфуз. Аммо-лекин баъзида ҳавас ҳасадниям кўз очдириб қўйиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Шунисидан эҳтиёт бўлган маъкул.

– Ким билсин. Бўлса бордир.

– Оддийгина мисол: мана, мен сизга астойдил ҳавас қиламан. Ҳар доим бир хилда юрасиз. Лекин наздимда ҳозир сал бошқачароқсиз. Ё бирор нимадан хафа бўлдингизми?

– Э, йўғ-е, нимадан хафа бўлардим. Фақат уйга тезроқ етиб олишни ўйлаяпман холос.

– Ташвиш қилманг, кўз очиб юмгунча етказиб қўяман. Лекин ўзимга қолса, сиздек гўзални кун бўйи эмас, умр бўйи машинада сайр қилдириб юрсам дейман.

Дилфузанинг ўтакаси ёрилаёзди. Тили музлади. Нима бало, илондек авраяптими? Кўнглига қўл солмоқми нияти бунинг. Нима учун чикди ўзи шу машинага? Қайси йўлдан кетаяпти ўзи? Ишқилиб, боши оққан овлоқ томонга йўл солгани йўқми, бу овсар. Унинг оёқ-қўлларида мубҳам титроқлар турди. Бир зум ўзини йўқотгандек бўлди-ю, ўзини тез ўнглади. Товуши титраб узилди.

– Зайниддин ака, илтимос, уйга тезроқ бормасам бўлмайди. Дадамлар хавотирда қолишгандир.

Зайниддин ғалати илжайди. Гўё бу анчайин, тақдиринг каминанинг қўлида бўлса, қаёққаям чиранардинг, нодон қиз, дегандек туюлиб, Дилфузанинг ранги дока бўлаёзди. Зайниддиннинг шу топда Дилфузанинг лаққа тушириб кетгани хаёлини багтар чувалаштирар, алами янаям тошарди. Лекин бу алам ўша маҳалдаги аччиқ аламлардан эмасди, аксинча қандайдир энтикиш бергувчи сархуш алам эди. Бу ўтли ҳислар унинг вужудини таранг тортқизар, эҳтиросу энтикишлар индиргандек бўларди. У ўрнида бир-икки қимирлаб қўйди. Дунёсига сиғмай бораётганлигидан завқи тошар, хаёлий тасвирлар ажибгина тўлғонтириб-тўлғонтириб юборарди. Сўнг эса, ширин ўйларга толганидан жимиб қолди.

Машина икки ёни тутлар билан тизилиб кетган дара йўлига бурилиши ҳамона Зайниддин кўкдаги ойнанинг сутдек ёғдуси йўлни анчагина ёритиб юборганлиги учунми, чироқларини ўчириб қўйди. Тунда тутларнинг бўртиб, букчайган серажин коматлари кўзга янаям қорайиб ташланади. Гўё ҳар бир кадамда шумкампирилар бехос отилиб чиқаётгандек этни совуқ сескантиради. Ён ойнадан шувиллаб кираётган совуқ шабада эса кўкракка урилиб, жимир-жимир китиқ беради. Энтиктириб-энтиктириб нафас юттиради. Анча юришгач, машина шитоб билан йўл четига чиқиб тўхтади. Машинанинг ҳосил қилган кучли шабадаси чанг куюнини ой нурида увада қилиб ўйнаганча нарига суриб кетди. Зайниддин машинадан

тушиб, капот қопқоғини кўтарди. Ҳавога вошиллаб қуюқ ҳовур кўтарилди. Уни қарсиллатиб ёпди-ю, орқа томонга ўтиб, юкхонани очди. Резина пақирни оларкан, ранги ўчганча жавдираб қолган Дилфузага хотиржам кулимсиради.

– Мен ҳозир, бирпасда сув олиб келаман. Лаънати радиатор чўғдек қизиб кетди. Истасангиз сиз ҳам юра қолинг.

Дилфуза товуши титраброқ сўради.

– Қаёққа? Қаердан олиб келасиз? Узоқми?..

– Хув анави пастқамликда катта булоқ бор. Ўша ердан олиб келаман. Ҳар ҳолда сиз сўроқлагандек узоқроқ. Аммо томошанинг айни пайти. Ҳар гал шу йўлдан ўтганимда сув куйиш баҳонасида, албатта, мўъжизаворликни кўрмасдан қўймайман. Балиқларнинг кўкка сакрашларини кўрсангиз эди, эҳ-ҳе! Ойнинг шуъласида зўр кўринади-да ўзиям. Худди эртакка ўхшайди.

– Мен кечикаяпман, Зайниддин ака. Уйда хавотир бўлиб ўтиришибди, ахир.

Зайниддин унга бир зум ғалати термилиб турди-да, индамайгина капот қопқоғини қайта кўтарди. Кўриб қўй, дегандек жиддий тикилди. Қуюқ ҳовурнинг кўтарилишини кўрган Дилфуза ноилож бош эгди. Шу топда ич-ичидан муздек қиринди ўтди.

– Агар кўркмасангиз ўтириб тураверинг. Ўзим бирпасда бориб келаман.

– Вой, бунақанги хилват жойда ёлғиз ўзим кўрқаман. Дилфуза машинадан шошиб тушди. – Кундуз бўлгандаям бир нави эди.

Эссиз, тўйда Лола билан қолаверса бўларкану, шайтоннинг измига учиб... Ишқилиб манави хунар кўрсатиб қолмасин тагин.

Зайниддин шошиб машина ичига бош сукди-да, суви қочган кулча нон олди. Қўлтиғига қистирди. Эшикларни зичлаб ёпди. Кулфлагач, Дилфузанинг олдига тушиб, йўл бошлади. Дилфуза истар-истамас эргашди. Юраги негадир совуқ увушди. Кўз олдига яна остонада мижжа қокмай, йўлига илҳақ кўз тиккан ота-онаси келди. Кўзига ёш қалқди. Ялинчоқ оҳангда илтижо қилди.

– Зайниддин ака, уйга кеч қолаяпман. Шу сув курғурни бошқа жойдан, яқинроқданми куйсангиз бўлмайдами? Булокням, манзарасиниям кераги йўқ. Майли, жуда керак бўлса сиз бораверинг. Мен шу ерда кутиб тура қоламан.

Зайниддин нима қилишини билмай қолди. Ранжиди. Ахир сув куймаса бўлмаса. Радиатор эриб кетмасин тагин. Ўзи чўғи чиқиб, бир зайлга келиб ётган бўлса.

– Майли қолаверинг бўлмаса. Мен йигирма дақиқаларда келиб қоламан.

Дилфуза бу томонигаям кўнмади. Зайниддин ўн-ўн беш кадам силжимамай, атрофга чўчинқираганча аланглади. Гўё бу оғир сукунат кезинган хилват жойда аллақайдан бош кўтариб, кутқу солган қора-қура шарпалар аёвсиз бостириб келаятгандек, ўпкаси тўлди. Юраги ўйнашга тушди. Анави энкайган тутлар тизими кўзига бадбашара махлуқлар қиёфасини тасвирлаб тиркагандек юрагини баттар мавхум ҳисларга тўлдириб ташлади. Кўрқувдан сесканиб, ҳаллослаганча кетиб бораётган Зайниддиннинг соясига шитоб эргашди. Тойғониб-тойғониб пастликка тушишаркан, бир-икки бор мункиб кетишига сал қолди. Етиб боришгач, Зайниддин унинг билатидан маҳкам тутганча уқтирди.

– Жим! Балиқларни хўрқитиб юборишингиз мумкин.

Зайниддин айтганчалик булоқ ҳам, атрофи ҳам жуда ажиб манзарани ўзига жо этган экан. Ойнинг ёруғида сув юзи ойнадек ярқирайди. Майин жимирлаши танга қандайдир сокинлик, ҳам ҳузур бахш этади. У ер-бу ерида “чўлп” этган товушлар эшитилиб қолади.

– Майда балиқлар хўрак излашяпти шекилли. Шивирлади Зайниддин Дилфузанинг диққатини ўша томонга тортиб. – Катталарини бир кўрсангиз эди.

У қўлтиғидан бояги кулчани олиб бурдалади-да, бир ҳовучини сувга сочди. Жимир-жимир тўлқинчалар янада жонланиб, кучли чайқала бошлади. Билакдек келадиган, танаси ости сап-сарғайиб кетган балиқлар галаси басма-басига сакрашиб, хўрак талаша кетишди. Зайниддин вақт ўтказиб, яна ушоқ сочди. Энди билақдан ҳам каттароқлари ой ёғду-

сида баданлари ялтираб, сув юзида ғужғон ўйнашга киришдилар.

– Манг, сиз ҳам би-ир сочқилаб кўринг-чи, маза қиласиз. Эҳ, бу балиқлар кишининг дардини олади-да! Зайниддин вужудига титроқ индиргудек керишди. – Роҳат қилади одам.

Дилфуза истар-истамас нон ушоқларини сочаркан, бирдан чўчиб ўзини орқага ташлади. Булоқ қирғоғида каттагина балиқ оғзини каппа-каппа очганча унга бир зум қараб турди-да, атрофга сув сачратиб кетига сакради.

– Намунча хунук бўлмаса экан, бу каттаси? Туф-туф-ей, сал бўлмаса юрагим қинидан чиқиб кетаёзди-я! Кўзларини бўртиб чиққанини-чи бунинг. Бу туришида анави кичиклари-га ўла қолса емак туттирмайди, ордона қолгур.

– Балиқ, бундай олиб қараганда, ваҳший жонивор. Ўзининг боласини еб, кунини кўраверади. Аммо-лекин қовурдоғига нима етсин. Жоннинг роҳати-да ўзиям. Тушниям ўнглайди деган гап ҳам юради-ку, ахир.

– Бўлса бордир. Аммо ҳозирги башарасини кўриб, рости емоқликниям хаёлимга келтирмасам керак. Қовурдоғиям бош-шидан қолсин, бошқасиям.

Зайниддин резина пақирни сувга ботириб олаётганида Дилфуза илон чакқан каби бирдан чинқириб, ўзини ёнга отди-ю, бир оёғи сувга илкис тушиб чиқди. Зайниддин кўлидаги пақирни бехос ташлаб юбориб, қизни аранг тутиб қолди. Нигоҳи эса майсалар ичида пилдираб бораётган типратиканга тушди-ю, нима гаплигига дарҳол тушуниб етди. Лекин бағрида дир-дир титраётган Дилфуза хушини йўқотган кўйи мажолсиз хансирар, кўзлари катта-катта очилганча қотгандек эди.

– Оддийгина типратикандан шунчалик кўрқасизми?

Дилфуза ўзини туюлмай, Зайниддиннинг елкасига бош кўйганча ҳиқиллаб йиғлаб юборди. Ўзини тутишга ҳарчанд уринса-да, кўрқув барибир устун келиб, юрагини бехузур этмоққа тушганди. Юпқа лаблари шунга монанд пир-пир учди.

– Бехос ушлаб олибман-да!..

– Бўлди, Дилфуз, бўлди. – Зайниддин ўзининг энтикиб эркалатганидан, майин шивирлашларидан орзикиб кетди. Ўзини сира идора қилолмаган ҳолда Дилфузанинг лов-лов ёнган ёноқларига қайноқ лабларини босди. Лабларига илашган шираликдан баттар хумори тошди. Дилфуза эса қаршилиқ қилишга уриниб, илкис тўлғонди. Бир-икки чиранди-ю, сира мадори етмаганидан ноилож қолди...

Тевада ҳукмона сузиб бораётган тўлин ой гўё уларнинг гуноҳларини ёймоқни истагандек атрофидаги парку булутларни ҳатто юзига бир сония бўлсин тортгиси келмайди. Борлиққа хоинларча кўз-кўз қилгиси келади. Янаям тўликиб нур сочади. Гўё боягина ўзларининг чирилдоқ ҳуштакчалари билан оғир сукунатни мутгасил бузиб турган чигирткалар гуруҳи ҳам жим қотганча уларни ҳар тешик-тервақдан синчков кузатишади. Бақаларнинг найнов наволари ҳам тиним топгандек жимжит. Симёғочдаги қунишган бойўғли ҳам бу каби кўргуликка илк бор дуч келганидан инсон зотининг бу қадар ҳаёсизлигидан ва бунга гувоҳ бўлиб қолаётганидан бир умр ожиз зайлида қолмоққа ризолик бергиси келади. Хунук кўзларини чирт юмади. Кўршапалаклар ҳам бу дақиқадаги емакларини ҳаром санашган каби изсиз йўқ бўлишган. Анави покиза қалб душмани пошилаб, ҳамон ўзининг ҳирсий нафсини қондиролмай ҳалак. Инграб, аччиқ тўлғонаётган замин фарёд чекишгаям мажולי етмай доғда. Фиску фасодга тўлган жирканч бағрини аламланиб, паққа иккига ёргиси келади...

Шу маҳалда нималар содир бўлаётганини англай олмаётган Дилфуза эркак нафасининг қайноқ ҳовури жонини қий-малай бошлаганидан беихтиёр аччиққина инграб юборганини сезди. Ингради-ю, бирдан ҳушини йиғиб, Зайниддиннинг бўғрикиб кетган башарасига кўққис чанг солишга қувват топди. Номуси поймол бўлганидан ўзига сиғолмай қичқирди шекилли, Зайниддин шошиб, аммо қаттиқ-қаттиқ хансираганча кетига чўккалади.

– ...Дил-фуз-з!.. Дилфуз-з!..

– Йўқол!.. Йўқол, дейман, иблис. Кўзимга қайтиб кўринма, ифлос. – Дилфузанинг тирқираб ёш қуйилаётган кўзлари

аламдан қаттиқ қисилиб кетди.— Ҳали кунингни кўрсатмасам, сен номуссизни!.. Бировга ёпишишнинг оқибатини ҳали кўрарсан ҳам, аҳмоқ.

Зайниддин қаттиқ қалқиб кетди. Кимга илашди ўзи? Нималар қилиб қўйди? Наҳот ўзини-ўзи тириклайин жаҳаннам қаърига итқитган бўлса? Зубайда шу лаҳзада бир муддат кўзига тўтиё каби нақадар азиз, нақадар қадрли кўриниб кетди. Ўпкаси тўлди, лекин эркаклик ғурури кўзларига ёш индиришга изн бермади. Наҳот шириндан-ширин дилбандлари кўзига кўринмаган бўлса? Манави алвасти нималарни алжияпти ўзи? Наҳот энди тошзиндонга шундоққина итқитиб юбора қолса? Ҳа, асоси бор. Қасоси бор. Бунақаларнинг қўлидан келади. “Тошзиндонда борки чўпчакларингни айтавераркансан-да энди Зайниддинбек”. У ўз ўйидан совуқ сесканиб кетди. Вужуд-вужуди мажолсиз шалпайди. Қуймаланиб жон оғриқларига банди бўлаётган маҳалида анчайин тасалли бергувчи бир хаёл мия-миясини ёргудек шитоб чақнади. Нима, дуркун эдимики, оху воҳ қилса арзиса! Қаёқдаги итқитилган ялангэтак матоҳ-ку! Нимасига жони ачияпти ўзи, бу мегажиннинг. Нима, бағрига шабада урдириб юраверадими? Қачонгача?..

Дилфуза ўрнидан аранг кўзғолди. Қияликдаги юлгинларни асабий чангаллаб, инграганча тепага кўтарила бошлади. Шу пайт йўл бошидан қандайдир машинанинг безовта сигнали кетма-кет чалингандек бўлди. Дилфуза қўққис титраб, тахтадек қотди. Хаёлига, ким бўлди экан у, ё акам ахтариб келдимикин, деган қўрқув соя солди-ю, орқасига чўчиб қаради. Зайниддин ҳам товуш келган тарафга каловланиб қулоқ тутаркан, ўзини тез ўнглади. Сув юзида ярим-ёрти кўзга ташланаётган резина пақирни шоша-пиша юлқиди. Дилфузанинг тош қотганча гезариб турганини фаҳмлаб, чўчиброк қараб олди. Уни ёнлаб ўтаётиб, ер билан битта бўлгандек сизди ўзини. Назарида шошиб эмас, ўрмалаб ўтаётгандек танаси оғирлашиб кетаёзди. Дилфуза унга ер остидан ўқрайиб қараб қоларкан, бегона машинанинг кейинги устма-уст сигналларидан яна чўчиб, оёқларигача сирқиллаб кетди. Рост-

дан ҳам акаси бўлса борми, анави шўртумшукқа кўшиб тик-ка сўяди-кўяди. Бу турган гап. Эҳтимол, тўйхонага ахтариб борган бўлса, шу рақамдаги машинада йўлга чиқилганини Лола айтгандир. Ох, бу шармандалиқдан ўлгани минг марта афзал эмасмиди? Унинг энди жонидан сира умиди қолмади. Шалвираганча ўрнида ўтириб қолди. Аёвсиз эзгилаётган аламли андухларини бир дам бўлса-да унутди. Бутун дикқати дам-бадам чалиниб узилаётган безовта сигналга қаратилди. Нигоҳи қокила-қокила пилдираганча бораётган Зайниддинга тушгач, одам бўйи яккам-дуккам қад чўзган янтоқзорда ёлғиз қолишдан чўчиб, бир амаллаб ўрнидан кўзғолди. Зайниддиннинг кетидан эргашди. Нимаики бўлса пешонасидан кўради энди. Ҳақиқатан ҳам акаси бўлгудек бўлса, бор гапни оқизмай-томизмай айтиб беради. Анави гўрсўхта бир таъзирини есин, кейин сўкир кўзлари очилар. Ўзгаларга ёпишмайдиган ҳам бўлади. Вой, нималар деяпти ўзи? Ахир бу гапларни ака-сига, қолаверса бировларга билдириб бўларканми? Қайси юз билан айтади, ахир... Қандок айтади? Э, вох, қандок кунларга қолди? Оёқларига санчилаётган ўткир тигли тиканларгаям парво қилмай, қадамларини оғир судраб борганча Зайниддиннинг қоп-қора соясига қасд қилгандек, аламдан оёқ уради. Билиб бўладими, бу ерда қолиб кетса, яна нима балолар кутиб турибди экан уни.

Янтоқзор тугаб, ёввойи нашалар, бангидевоналарнинг димокни ёриб, бошни силқиб оғритувчи ўткир хидлари қоришган сўкмоқ бошланди. Дилфуза оғзини кафтлари билан беркитганча бораркан, ажриқзорга етганда энтикиб-энтикиб нафас олди. Атроф яланглик бўлганлиги билан тутларнинг қатор кетган қинғир-қийшиқ сафлари юракни нохушгина тимдалайди. Кўркув беради. Устига-устак безовта сигнал босиб-босиб чалинади-да, бутун дара бўйлаб ёйилиб узилади. Дилфузанинг нигоҳи узоқдаги ўзи келган оқ “Жигули”нинг олдида турган қора “Газ 31”га тушди-ю, хушини йиғди. Ҳайрият, акаси эмас экан. Эҳтимол, ўзининг машинаси носозла-ниб, бирор-бир ўртоғининг машинасида йўлга чиққан бўлса-чи? Айтиб бўладими ахир. Шу пайт нотаниш машинанинг

эшиклари шахд очилиб, уч қора шарпа тушди-да, “Жигули”-нинг атрофида тимирскилана бошлашди. Маст-аласт бўлишса керак, бир-бирларига найнов гап отиб, қўлларини паншаха қилишганча алланималарни баланд овозда вайсашга тушишди. Дилфузанинг юраги орқага тортиб кетди. “Қаерга келиб қолди ўзи? Нималар бўлаяпти? Эҳ, нодон, элтиб қўяман, деса машинасига қилпанглаб осилаверасанми-а? Шифохонага тушган ҳар бир бемор билан ҳам ош-қатиқ бўлаверишнинг оқибати мана шунақа бўлади, тентак қиз. Лекин анавиларнинг кўзидан ҳам узоқроқ тургани маъқул. Йўқса улар ҳам шилликқуртдек... Минг лаънат бунақанги чигал тақдирга!” У кўрқа-писа ўзини йўғонроқ тут панасига олди. Унинг ғадир-будир танасига елка берганча аччиқ-аччиқ йиғларкан, ёш тўла нигоҳини йўл бошидан сира узолмади.

Зайниддин етиб борган заҳоти бирдан жазавали шовқин кучайди. Бегона йигитлардан бири унга яқин келди-да, бир нималарни уқтирганча қўлини арра қилди. Зайниддин елка қисди. Йигит баттар дағдаға қилишга ўтди.

– Бўлмаса бакингдагини қуйиб берасан! Йўқса капутсан, биродар.

Нарироқда улардан кўз узмай, бақувват қўлларини белига тираб тургани ёнидагига бир қараб олиб яқин келди-да, шеригининг кўкрагидан авайлаб итарди. Сўнг ўзини Зайниддинга рўпара тутди.

– Ҳали сен овсарга гап етиб бормади шекилли-а?

– Ахир...

Барзанги унинг илоннусха бўйинбоғидан чангаллаб, ўзига таранглаб тортди. Оёғидан бусиз ҳам мадори ариган, танаси буткул шалвираган Зайниддин шунчаки тортқилашгаям дош беролмай, барзангининг бурни остига тақалиб қолди. Ўхшатиб йўлланган тизза тепкисидан бақадек шашт сакраб, ерга юзтубан қапишди. Бўйинбоғи сиртмоқ сингари томоғини ғиппа бўғди. Кўзларидан тирқираб аччиқ ёшлар қуйилди. Товуши хириллаб қолди. Буни узоқдан кузатиб турган Дилфуза ўтакаси ёрилар даражага етди. Ҳали бу ёққаям етиб келишмаса гўрға эди, деган ўй уни тамом эсанкиратиб қўй-

ди. Шу топда акасининг кадри жуда-жуда ўтиб кетди. Бежиз қаттиққўллик қилмас экан-да! Қани эди ҳозир етиб келса-ю, анавиларнинг барини бир боғ похолдек четга уюб қўйса. Ох, кишининг иши чорасиз қолса, қилган гуноҳлари кўзига шундоққина кўриниб кетаркан. У ботиниб-ботинмай яна ўша ёққа хуркиброқ кўз югуртирди. Бу вақтда Зайниддин ўрнидан турган, энкайганча машина кетидан алланимани суғуриб олишга тушганди. Қўлида биланглаб эшилган резина ичакни бак оғзини очиб суқди-да, барзанги кўрсатган пақирга унинг учини тутиб, энкайганча сўра бошлади. Ёнилғини кўкқис ютиб юборди шекилли, бир-икки оғрикли ўқчиди. Ғижиниб-ғижиниб туфлади. У пақирга бензинни то тўлдиргунга қадар йигитлар уни маза қилиб калака қилишди, ҳам кимларгадир ўхшатиб қўйишди. Зайниддин бу кунидан ўлар бўлса ўлиб бўлди. Йигитларнинг ишлари битгач, Зайниддиннинг “зикна”лиги ор келиб, тоза дўппослашди. Пайдар-пай тушган мушт ва тепкилардан насибасини ундирган Зайниддин ерга чалпақдек чиппа ёпишди. Йигитлар басма-басига хайрли сигнал беришиб, кўздан ғойиб бўлишди. Шу топда Дилфузанинг Зайниддинга нисбатан қандайдир хўрлиги келиб кетди. Бир амаллаб унинг қошига етиб келди. Қонга беланган гавдасини ердан узишга уринаётган Зайниддин унинг кўмагида оёққа калқди.

– Тфу-у!.. Номардларга яхшилик қилсанг ҳам...

– Ёмон уришдими? Вой, лаънатилар-ей! Юзингизни кўриб бўлмайд кетибди-ку ахир. Шунақаям ноинсоф бўлишадими-а?

Зайниддин, зарари йўқ, дегандек қўл силтади. Товуши хириллади. Бўйнига узун-қисқа бўлиб осилган бўйинбоғини жаҳл билан юлқиб, четга улоқтирди.

– Бензинлари соб бўлган экан. Ортиқчаси йўқ, дейшимгаям қўйишмади, аблаҳлар. Даюсларга тайёри топилиб турганидан кейин... Сўнг ёрилган лаби ва ёноғига кафт босди-да, оғриқдан буришган юзини чирт четга бурди. Айни пайтда кўнгли ачиб турган Дилфузанинг бояги қатъийлигини юмшатишга изн топди. – Мени кечиринг, Дилфуз. Бу-

нақа бұлишини сираям хаёлимга келтирмагандим. Ишонинг. Илтимос сиздан, мени кечира қолинг энди. Бир нави анави газандалардан ҳам сизни эҳтиёт қилмасам бўлмасди... Ҳеч нимадан тойишмайди, унсурваччалар.

Зайниддин хаёлида дафъатан туғилган бу ҳаракати билан Дилфузанинг кўнглини бўшаштириб юборганини сизди. Бундан ўзиям шодланди. Лекин одамнинг оласи ичида, билиб бўлмайди-да. Энди то алам ўти кул бўлгунга қадар юмшоқ муомала қилиб турмаса бўлмайди. Аёл киши мисоли бир шағам. Шабада сал нохушроқ эсса бас, шуниси кифоя, дарҳол ўчади-қўяди. Бирок тутамаса бўлгани. Шуниси ёмон.

Дилфуза Зайниддиннинг ёлборишларига ачинганча тикилиб қолди. Бўшашиб машинага суюнди. Нигоҳи Зайниддиннинг моматалоқ бўлиб кетган ёноғидаги қон изларига қадалиб тураркан, юраги илкис оғрикка кирди. Аста эгилиб, резина пақирдаги сувдан ҳовучига тўлдирди. Эҳтиёткорлик билан парваришлагга киришди.

* * *

Шу-шу Зайниддин Дилфузанинг шифохонасигача тап тортмай бостириб борадиган, ишдан чиқишини сабрсизлик билан кутиб оладиган, хилват сайлгоҳларни мўлжаллаб, ўша ёқларга саёҳатлар уюштирадиган бўлди. Гўё бу дунё Дилфузасиз бефайз, усиз кўнгли ҳам бўм-бўшдек эди. Бир томони шу гўзални кўлга илинтириш пайида эди. Дилфуза эса аввалида рўйхуш бергиси келмади-ю, кейин-кейин ўзининг кўнглида ҳам Зайниддинга нисбатан қандайдир илиқлик пайдо бўлганини қалбан туйди. Бу илиқлик бора-бора қайноқ ҳисларга тўла бошлади. Гўё кўнглида мудраб ётган ўксикликларни шу ҳислар қувалаб солаётгандек эди. Ногаҳон... ногаҳон бўм-бўш қалбининг остида мурғак бир жоннинг майин ва ҳузурли тепчилашларини ҳис этди-ю, на суюнишни, на қайғуришни билолмай қарахт қотди. Бу нима ўзи? Ростдан ҳам... Наҳотки? Наҳот... Аввалги турмушида шунақанги жонли уйғонишлар бир умрга юз ўтирмаганмиди ахир. Энди... энди нима қилади? Эшитган қулоққа ким деган одам бўлади?

Кимга дардини ёради, онасигами? Аяси шўрлик бу иснодни кўтара олармикин? Дадаси-ку ҳеч иккиланмай чавақлаб кўя қолар. Ҳаммадан ҳам кичик акаси-чи? Сира чидолмаса керак. Йўқ, чидолмайди. Катта акаси-ку чўлу-биёбонидан ортмайди. Туриш-турмуши ер кавлаб, бир балоларни қазиб топиш. Унга дадаси айтганчалик, бу дунё ҳам бир, у дунё ҳам.

Аслида шу кичик акаси Сатторнинг энг яқин дўстига турмушга чиқиб, бахтсиз бўлди. Беш йилдан ортиқ яшаб, тирноққа зор бўлишди. Натижа эса ажрим билан якун топди. Эри Қамаридиннинг, ҳеч бўлмаса бирор бола асраб олайлик, Дилфуз, дея ёлворишлари ҳам зое кетди. Ажрашишгач, эри бошқасига уйланди. Йил ўтар-ўтмас фарзандли бўлди. Шунда Дилфузанинг тунлари қаро, кунлари азобли исёнларга айланди. Айбни энди ўзидан излашга тушди. Шифокор ҳам-касбларининг даволари ҳам, маслаҳатлари ҳам қор қилмагани ўшанда. Кўнглимни синдирмаслик учун авайлагилари келяпти шекилли, дея тусмолларди. Мана, энди эса... Лекин бу ҳомила ҳалоллик билан вужудга келаётгидими ёки ҳаромлик биланми, ҳозирда бу Дилфузанинг хаёлига сира келмас, ўй-фикри ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолмоғи устида хаёлий шартнома тузиш билан оворадек эди. Бироқ...

* * *

Миш-мишнинг қулоғи узун бўларканми, ё дардни яширса, иситмаси ошқор этиб қўярканми, маҳаллада зимдан висир-висирлар болалаб, мавҳумлик оралаб қолди. Нимамиш, Зайниддинмиш биров билан дон олишиб юрармиш. Биров у деди, биров бу. Бу миш-миш Зубайданинг қулоғига етиб келди-ю, гўё борки дунёси куйиб, кул бўлгандек бирдан эсанкираб қолаёзди. Нима гуноҳ қилган эканки, эри шу қабих хиёнатни дастак қилган бўлса? Нима айби бор эдики, вужудидаги дарди етмагандек юрак-юрагига шу аламларни индириб, хузур-ҳаловат топаётган бўлса? Нима, кўзларининг ногирон бўлиб қолганлиги шунчалар қимматга тушган эканми? Етаклаб юринг, демаётганди шекилли. Ҳавас эканми шу шум тақдир. Наҳот норасидаларини зиғирча бўлсин ўйламаган

бўлса? Ўқиган, мартаба кўрган одамнинг тутган тутуми шу бўлса, бундан ортиқ азоб, бундан зиёд аччиқ алам бор эканми одамга.

Зубайда Зайниддиннинг юзу кўзларидан хиёнат изларини излаб қолади. Лекин аксига олиб бу кўзлар юздаги, кўздаги кезмоқда бўлган ҳисларни илғолмай қийнайди. Алам қилади. Эрининг тўнг муомаласи ўша-ўша, ҳануз ўзгармайди. Назарида ҳеч қандайин ўзгариш йўқдек кўринади. Шу билан таскин топгандек бўлади. Одамларга қўйиб берсанг нималар дейишмайди. Кимки душманликни раво кўриб миш-миш тарқатаётган бўлса, бекорларнинг бештасини айтибди!

Кези келиб, борки тасаллилари ёлғонга айланиб, дунёси айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Зубайда шунда ҳар қандай миш-мишнинг остида озгина бўлсаям жон бўлмоғини идрок этди. Идрок этди-ю, дунё чиппа айланиб, кўз ўнгини ҳам, кўнглини ҳам бирдек қаро тортирди.

Зайниддин Зубайдани ортиқ қийнаб ўтирмади. Ширакайф пайтида тўпорчасига уқтириб қўя қолди.

– Сениям ташлаб қўймайман, ташвиш қилма. Икковинг-нияма боқишга қурбим бемалол етади, аммо-лекин бир-бирингнинг сочингни бир-бирингга юлдиртириб ҳам қўймайман. Истасам, икковингнияма кавушингни тесқари қилиб ташлайман.

Зубайда титраб кетди. Бир нима оёғидан шиддат билан қириб, миясидан ўқдек учиб чиққандек эс-хушини йўқотаёзди. Қалбининг бир четда омонатгина илашиб турган умид учқуни бир сониядаёқ сўнди-қолди.

– Ахир... ахир жилла қурса болаларингизни ўйламадингизми, дадажониси. Майли эди, майли эди менгинани зиғирчагина ўйламасангиз ҳам. Норасидаларимизнинг тақдирлари нима кечади энди! Сиз бор бўла туриб, оталик меҳридан узоқ... У ортиқ чидолмай айъоҳаннос солганча овоз кўтарди. – Болаларимнинг кўз ёшлари, нолалари тутмаса рози эмасман, розимасман ўша номаҳрамдан. Дилимни бугун қақшатган бўлса, эртага ўзиники шикаст топмаса, розимасман. Билдингизми, асло розимасман. Ахир сизсиз болаларга ота-

лик тарбияси қандай бўлади? Йўқ-йўқ, бунга сира йўл қўй-майман, қўймайман! Кундош тутгунча бу кунимдан ўлганим яхши. Энди камим бир умр у юзсиз билан олишиб ўтиш эди. Юзи қаро бўлсин ўша мегажинни. Тузук-курук бўлганида эди, биттасининг этагидан ҳалолу пок тутиб, хонадонини гулгул қилиб ўтирарди, бировларнинг қўйнига қўнж тутмай...

Зайниддиннинг фиғони фалакка ўрлади. Қўлини пахса қилганча ўшқирди.

– Нима, мени тошзиндонда чириб-битишимни истаб қолдингми, тентак. Ахир улар тиш қайраб, зўрға туришибди. Сал қия кетсам, тамом. Тағин чапак чалиб қолмагин кетимдан.

Зубайда ҳаммасини, ҳаммасини англаб етди. Бояги титроқлар, эзилишлар ҳолва экан. У қалтироқлар, илтижоларга, ўтинчларга чўк тушган, сарғайиб сомон бўлган пучгина қувват экан. Лекин у қалтироқлар ижирғаниш, хўрланишлардан кўз очган аччиқ саробларнинг силсиласига айланиб улгурди. Зубайданинг юрак-бағри аламли титроқлардан холи бўлган каби бўм-бўш, хиссиз-туйғусиз вужудга қопланди-қолди. Энди бу бўшлиқдан ҳеч қандайин ҳислар ҳам, ҳеч қандай туйғулар ҳам жой топа билмайди. Тополмайди ҳам. Лекин барибир инсон зотида фарзандлари ҳаққи кўнгилининг қат-қатида бир мисқолгина илҳақлик яшириниб ётарканми, айни қийноқларга тушган маҳалларида, айниқса дилбандларининг оталарини йўқлаган онларида исён кўтариб қоларкан. Илҳақлик гўё хаёлий тортишувларга, андуҳларга айланиб бурканаркан. Шунақанги пайтда Зубайда ўзини қаерга қўйишини билолмай қолади. Унсиз йиғи, тунлари билан нининг устида бедор тўлғонишларга юз тутиб, аччиқ тақдирдан оғриниб-оғриниб кетади. Шу зайлда кумуш кокилларини ёйиб отаётган оппоқ тонгни қаршилаш унга доимий дардкаш, ҳамроз бўлади. Шундай лаҳзаларда тинимсиз таваллолар қилар, Зайниддинга инсофу тавфиқлар тиларди. Дилфузани кўз олдига келтирмасликка уринган сайин қандайдир куч устун келиб, сурбетларча унинг қиёфасини чизғилаб қоларди. Юрак-юраги таскин деган неъматдан тамомила бебахра тушгани учунми, безовталиқ бутун вужудини оловдек қамраб,

ўтли тигларга тутарди. Бўзлай-бўзлай дилбандларига умр, иймон тиланиб, кўз ёшларига баттарок эрк берарди...

* * *

Аёл зоти ҳар қандай мушкулотга қалқон бўлса-да, аммо кундош ағалмиш хўрланишларга асло дош беролмайди. Кундош кундошга пахта отади, деганлари ғирт ёлғон экан. Аксинча, бир умр тан ғанимининг, аслини олганда турмуший рақибининг изтеҳзоли боқишлари кўз ўнгида хаёлан жонланиб, аламини узлуксиз кўзғайвераркан. Кўзғайвериб, сира ҳол-жонига қўймас экан. Тинимсиз руҳий олишувлар чидаб бўлмас аламларга қоришиб, асаб торларини ниҳоятни даражада таранглаштириб ташларкану, дарднинг укубатлар тўлиб-тошган кулбасига косов тиктириб тураркан. Айниқса, одамларнинг юз-кўзларидаги кинояомуз имо-ишораларни илғаб қолмоқдан кўра, бир умр сўкир ёки гунг бўлиб ўтган афзалроқ туюларкан. Зубайда ана шу аччиқ кечинмаларни ўзига сиғдиролмай, сингдиролмай қийноқларга тушади. Лекин у ўйлаганчалик Дилфуза томонидан ҳеч қандайин ачитқи ёки илмоқли гап-сўзлар йўлланмади. У тараф неғадир осойишта. Бу эса Зубайдага янада қаттиқ алам бериб, хаёлан Дилфуза билан баттарок қирпичоқ бўлиб кетади. Унинг сепсайган сочларини тинмай юлади. Айни оломон ичида шармандасини чиқаргиси келади. Бироқ амалан бунинг урдасидан чиқа олмаслигини билади. Орияти йўл бермайди. Эрининг тақдирини ўйлайди. Аслида бу каби хаёлий олишувлар уни тамомон бошқа одамга айлантириб улгурганди. Баъзи бир насиҳатгўйларнинг йўриғига йўртиб, эрининг иш жойига жанжал кўтариб бормади. Судма-суд чопмади. Тақдир остонаси қаршисида қадди дол бўлди, холос. Ҳатто болалари учун ундириладиган нафақа деган матоҳдан ижирғаниб, юз ўгирди. Шу аснода Зайниддин ҳам ўзича мардлик қилгандек бўлди. Ҳовлини Зубайданинг номига хатлаб, чиқди-кетди. Аммо бу хатоларнинг аччиққина дебочаси кейинроқ тотим беришини Зайниддин хаёлигаям келтирмади. Унғача эса инсонийлик неъматларидан тошиқиб, лаззат топиш у учун айни муддаодек эди гўё...

Аслида Зайниддиннинг Дилфузага етишиши осон кечмади. Дилфузанинг ота-онаси қаттиқ оёк тираб туриб олишди. Аъзам оқсоқол ўта қаттиққўл, баджаҳл бўлиши баробарида жуда мулоҳазали одам эди. Зайниддиннинг таг-тугини обдон суриштиртиргач, кўнгли андак таскин топгандек бўлди-да, бироқ оилавий аҳволини билганидан сўнг, бирдан жазаваси тутиб, зардаси қайнаб кетди. Кампирини қақшатгудек қистовга олди.

– Ахир гулдек хотини, икки норасидаси бор экан-ку, тентак кампир. Кундошликка рўпара қилаяпсанми қизингни, эси паст. Қорақўзларининг кўз ёши тутмайдами-а? Анави эсанкираган совчиларингга етказиб қўй, яхшиси, қадамларини узишсин, йўқса барингни қийма-қийма қилиб ташлайман. Сен ҳам икки кулоғинг билан уқиб ол: бир балони бошлаб қўйган бўлсанг, мендан ўпкалаб юрмагин тагин.

Лекин... лекин Аъзам оқсоқолнинг тетик қадди қўққис букилди. Дол бўлганига дош беролмай, тўшакка қаттиқ михланди. “Дунёда энг ёмони, ўз пушти камарингдан бино бўлган, “папа”лаб катта қилган фарзандинг исноди қаддингни етти буклаб, тириклайин муздек гўрга тикиб ташларканми, воҳ. Шундан кўра, шундан кўра бир умр тирноққа зор бўлиб ўтгани афзал эмасмиди, бу ярамас қиз. Шундан кўра, ҳаётингдаги энг бахтиёр кунингда омонатингни беҳос топшириб қўйиб, кадр-қимматинг борида кўзингга тупроқ тортганинг маъқул эмасмиди, Аъзам. Иснод! Иснод!.. Эй, ҳаёт, наҳот инсон тақдирини бир зумнинг ўзида чалкаштириб, ечиб бўлмас тугунларга айлантириб ташлайсан, нега? Нима учун? Айт, эй, фано, қай бир инсон ёмонлик, худбинлик сари интилиб, ўз қорақўзларига шу зайлдаги қора кунларни соғинибди? Бу жирканч кунларни ўз кўзлари билан кўргиси келибди, айт. Оҳ, шу кунларни кўргувчи кўзлар, шу кунларнинг вужудни тилка-пора қилгувчи руҳий зарбаларини идрок этгувчи юрак, эшитгувчи кулоқлар ҳамма нарсадан, ҳамма кусурлардан бегона бўлса қани эди-я! Шу кунларнинг лаънатланган кўринмас қамчинларидан калтак-

ланиб, бир ғужум бўлгунча қаро ерга ошно бўлса афзал эмасмиди, афзал эмасмиди?!” Аъзам оқсоқол руҳан ва халёлан ўз-ўзи билан виждони арконида аёвсиз қийноқларга тушганди: “Шу ниятда боққанмидим-м-м...”

Ҳали бу ёруғ дунёни кўрмайин туриб, иснод тамғасини аллақачон ўзининг мурғак гарданига муҳрлаб, сўнг эса насл-насабининг шаъни-шуурига босиб улгурган, ташриф буюрмоққа шакл-шамойил топаётган чақалоқ чол-кампирнинг борки ҳаловатларини ўғирлаб қўйганди. Шу исноддан қандай бўлмасин қутулмоқ чорасини кўзлашиб, эл кўзига ҳашамдор, зимдан эса аламу азобларга беланганча тўй беришди-ю, қутулдик, дея чуқур тин олгандек бўлишди. Бироқ одамлар ҳам кўчада қолган анойилардан эмас. Бири фаҳмламаса, бири шипшиб, уқтириб қўяди. Бири бепарволик қилса, бири туртиб сергак торттиради. Тўй кунидан бошлаб бармоқ букиб, кун санайдигани қанча. Шўрлик болафақир то дунёга келиб, айбюҳаннос солмагунча кун тунга, тун кунга бош қўшаверади, уланаверади. Шунга кўра ҳар бир кун чўтга қоқилаверади, кун ҳисоби чақилаверади. Иттифоқо, барвақт туғилиб қолсам миш-мишнинг қора кулбасида жонланиш кўзғолади, кеч кўз очсам. Эҳтимол, ўзлариям турли миш-миш билан дунё юзини кўргандир, буниси эса қизиқтирмайди сира. Аслида эса хаёлга келмайди. Ўтмиш улар учун-да орқага ташланган кирқямоқ хуржун, бошқа нарсасиз эмас.

Чол-кампир учун отгувчи ҳар бир тонг маломат тошини елкалатгандек оқариб келади, келаверади. Гўё тонг юзида конталаш доғлар пайдо бўлиб, кундан-кунга кенгайиб бораётгандек уларнинг юрак-юрагига кўринмас ханжарни санчишга тутинади, тутинаверади. Сим-сиёҳ кўнгиллари чумчуқлар шом маҳалида безовта чирқиллашлари каби ғашланиб, тобора зимистонлашиб боради, бораверади. Ички дард-аламлари кун сайин янгилангандан-янгиланади. Ҳатто аранг ютаётган нафаслари ўткир тиғларда ўлчаб кесилаётгандек узилиб-узилиб, ўпка-ўпкаларини шафқатсиз қиймалаб-қийнайди.

Чол-кампир бу ёқда гўр азобини тортиб ётишса-да, у ёқда қаллиқлик гаштидан кундан-кунга ойдек тўлишиб бораёт-

ган “келин-куёв”ларнинг бахтиёрликлари асал монанд хузур топади. “Минг лаънат ит боқмай, киз боққанга! – Аъзам оқсоқол ижирғаниб туфлайди, ижирғангани сайин ҳаловатини баттар йўкотади. – Яхшиям, яхшиям тўйга яқин шоллик дарди инган оёқларга дармон кириб қолгани, бўлмаса одамларнинг висир-висирлари баттар газак олиб болалармиди? Ахир одамнинг дўстидан кўра, душмани мўлроқ бўлади. Душман-ку лойга чиппа ўтқазиб кетар, лекин пинжингдаги дўст бира йўла балчикқа ботириб олмасин. Ботирдими, қайтиб одамлик нусхингни топишинг қийин. Барибир, барибир икки томонгаям эҳтиёт бўлмаса бўлмайди. Одамнинг оласи ичида. Ақлли одам пилдирпис иш тутади. Шундоқ қилмаса ҳам бўлмайди чоғи”.

Аъзам оқсоқол ўзининг йўрғақда теккан феъли салобатини яхши билади. Шу боисми, анави мишиқи муҳандис куёвчасининг тўнғак чакагини ёнғокдек чақиб кўйгиси келади. У ким бўлибди ўзи?! Хузур-ҳаловатини ўйлаган битта иймонфуруш-да, ким бўлибди тағин. Сирасини айтганда, кечагина тухум ёриб чиққан искирт бойвачча-да! Оқсоқол билади, билади бу фоний дунёда топган-терган бойликлари қабрининг намхуш лабида бевафоларча қолиб кетишлигини. Билади, ўздан сўнг фарзандлари ўртасида гоҳ пинҳон, гоҳи ошкор шу мерос талаш-тулаш бўлишлигини. Шунини мулоҳазалаб, борки бойлигини учров фарзандига эҳтиётлаб расамади қилиб қўйган жойи бор. Кези келиб омонатини топшириш пайида бўлиб қолса, васиятини осонгина бўзлаб, жони ҳаловатда узилар. Одамлар орасига нифоқ соладиган, кўнгил кўзини кўр қиладиган, қайноқ меҳрларни ўчирадиган ҳам шу искирт бойлик эканлигини унга болаликданок қулоғига кўрғошиндек қуйишган. Отаси раҳматли кўзга кўринган сахий бойлардан бўлган. Кўрли бой бўлгани билан мол-дунёга ружу қўйганлардан эмасди. Шу падарибузруквори айтгувчи эди: “Ўғлим, бойликнинг жилосига алданиб, қалбингизнинг чўғдек азиз неъматидан бенасиб бўлманг. Бу қалбда иймон нури маскан топгайдир. Эҳтиёт бўлгайсиз”, деб. Қизик, шу гаплар, шу ўғитлар қулоғи-

га сингиб кетган эканми, ё қон-жонида бойликка ҳирс кўйиш ҳаром саналгани учунми, қанчалик ундан ўзини олиб қочмасин, бойлик баракаси унинг этагига узлуксиз чиппа ёпишгани-ёпишган. Унга отасининг зуваласи шундоққина кўчириб олингандек қовоғи доимо солиқ, кўзлари кишининг нигоҳини тешиб юборгудек ўткир, жиддий боқади. Ҳар бир сўзига салобатли урғу бергандек, салмоқлаб гапириши ҳар қандай шошқалоқликка барҳам беради. Гапни кесиб-кесиб уқтириши нишонга беҳато тегади. Лекин... лекин манави лаънати иснод борки дунёсини хазонга айлантириб ташлади. Ҳатто юрак-юрагини ўйиб-ўйиб олгандек бўлди. Биттаю битта кизи катта бошини эл орасида ҳам қилиб кўйди-я, э, воҳ. Аъзам оқсоқолнинг ғамноклик инган кўзларидан алам учкунлари сачрайди. Азоб бергувчи хаёлий ғалаёнлар исқанжасида жони чандон қовурилади...

Бола ғўрлигида бола экан. Улғайгач, куйдиргининг ўзи бўларкан. Собик куёви тирноққа зор бўлганида ҳам ажрим бўлишни истамай, қанчалик ёлворганди-я. Дили қаттиқ оғриган экан-да шўрликнинг. Аслан ўша куёви инсофли экан. Ҳатто бола асраб олишни айтганида, айил ботган экан-а. Оилани сақлаб қолиш истагида бўлганини ҳар икки томон на ўйлашибди, на фикрлашибди. Алам устун келган экан-да. Боз устига кичик ўғлининг энг яқин ошнаси эди. Шундан кейин ўртоқчиликлари ҳам бузилди уларнинг. Одам бўлса, куёв бўлса, ўшанчалик бўлар-да. Қизи ҳам куёвнинг кадрига етавермаган экан, мана энди қаёқдаги битта лўтти-бознинг макрига учраб... Энди бу муҳандисча не кароматлар кўрсатаркин... Яхши бўлса ошини ер, ёмон бўлса бошини. Лекин Аъзам оқсоқол икки дунёда ҳам уни яқинига йўлатиб бўлибди.

Аъзам оқсоқол шу аччиқ изтиробларда куйгани билан кўнглининг қайсидир қатида қизига нисбатан эзилишлик сезади. Бир нави Дилфузагаям қийинлигини билади. Ахир тенгдошларининг бағри болага тўлиб, тўйлар устига тўйлар қилиб бераётганликлари юрагини эзмайдими? Албатта, эзади-да! Лекин шунчаликка бориш шартмиди?! Сабр қил-

са бўларди-ку! Таомилини вақтида қилса бўларди-ку! Аммо у гўрсўхта муҳандисча билан ҳали оқсоқол кўп гаплашади, ҳали кўп юзлашади. Ҳали чучварасини хом санаттирмаса юрган экан.

* * *

Зайниддин шу кунни бир умр ёдидан чиқара олмаслигини билган, ўз хатоси бошига кўпгина балоларни ола келишини ҳам идрок этганди. Бутун ўй-хаёли шу билан банд бўлиб юрганда хонасига бегона йигитнинг беписанд бостириб киришидан тутоқиб, юмшоққина курсисидан қўзғолишга мажбурлик сезди. “Тавба, одам ҳам шунақанги беўхшов, бадбашара бўларканми? На бир салом бор ва на калом. Осмондан тушдими, ердан чиқдимми? Қаёқдан бино бўла қолди ўзи, бу гўрсўхта. Котиба қайга қараяпти экан?! Алмаштирмаса бўлмайди шекилли, бу таннозни? Яна директорнинг котиб йигити билан аймоқлашиб ўтиргандир-да! Ё афтидан чўчиганидан ҳам киритиб юбордимикин?”

Зайниддин таажжубда. Ҳатто ҳайронликдан муз қотганидан вужуди совуқ титради.

– Ўртоқ, сизга ким керак ўзи? – Аранг товуши узилди унинг. – Бу ер сиз ўйлаганчалик карвонсарой эмас шекилли. Боз устига ҳали иш вақтим бошланганича ҳам йўқ.

– Менга иш вақтининг сариқ чақалик дахли йўк! – деди барзанги унга яқинлашаркан, таҳдидли тикилиб. – Сен мишиқида зарур ишим бор. Аслида бу ерга, яъни чалпакка ўраб ташласа, ит ҳам искаб қўймайдиган битта мағзаванинг олдига киришнинг ўзи нодонлик. Шуни айтиб қўяй, дод-фарёдингга кулоқ иладиган аҳмоқлардан эмасман. Сен билан асли тўйдан олдин гаплашиб олишим керак эди, имкон бермадинг сира, баччағар. Сен, ифлосни деб дадамлар тўшакка қапишдилар. Йўқса, харом терингни бир қатор шилиб, эгнингга почапўстин тиктиртириб берардим.

Зайниддиннинг миясига қўққис санчиқ урилиб, юрагида бирдан от дукирлади. Ўзи сезмаган ҳолда ялтоқланишга тушди.

– Э-э, Гаффорбекман, демайсизми, ухахон. Ҳа, ҳазилингиз ҳам бор бўлсин. Аммо-лекин қийиб ташларкансиз мутойибани. Қойил! Мен эсам, танимай гарангман. Айтишади-ку ахир, танимаганни сийламас, деб.

Гаффор кучоқ очганча яқинлашаётган Зайниддинни хушламайгина қаршиларкан, ўзини шашт четга олди. Бу ҳаракати билан, менга яқинлаша кўрма, дегувчи ишорани берди. Зайниддин буни дарҳол англаб етди. Аммо негадир тили баттар бийронлашди.

– Шунчалик келишингиз бор экан, сим қоқиб қўймабсиз-да, Гаффорбек. Бир чўким ош устида бафуржа қаймоқлашишга нима етсин ахир.

– Сен хумпар, мени ким деб тусмоллаяпсан ўзи?! Мен сенга ўхшаган итялокилардан эмасман, укдингми? Айтиб қўяй, агар синглимнинг кўзида бир қатра ёш кўрсам, чотингни шоти қилиб қўяман маромига келтириб. Фарғонада иккита безори бўлса, ўшанинг бири менман. Агар битта бўлса, ўша ўзим. Ким билан тўкнаш турганингни фахмладингми, галварс. Мен билан сузишгинг келса, шохинг синади. Иркитлигингча қоласан лекин, сен аҳмоқ.

Зайниддиннинг боши айланиб кетаёзди. Кўз олди қоронғилашди. Тили калимага келмас, қулоғи остида эса қайноғасининг таҳдиди тинай демасди.

– Айтилган гапларни унута кўрма! Аяб ўтирмайман аммо.

Зайниддин бир аҳволда шалвираб, унинг кетидан нигоҳида совуққина кузатиб қоларкан, гезарганча ўйга ботди. Бу ёғига энди каллани тузукроқ ишлатмаса бўлмайди шекилли. Шу топда Зубайда кўзига ўтдек кўриниб кетаёзди. Хўрлиги келди. Нималар қилиб қўйди ўзи? Наҳот энди жаҳаннам азобларининг тотимини шу дунёнинг ўзидаёқ тотаётган бўлса? Шундан кўра бир умр тошзиндонда чириб битса бўлмасмиди?! Зубайда кўз ўнгида жонланган сайин юраги тўлиб-тошиб келади. Тўлиб-тошган сари болалари жигар-бағрини эзиб, қиёфа ростлашади. Шунда у бир нарсани аниқ англаб етди. Энди Зубайда ва болаларининг дийдорини кўриш учун кўринмас тўсиқ пайдо бўлганди. Шунда у шу азиз неъмат-

лардан ўзининг кечириб бўлмас хатолари оқибатида айри тушганлигидан оғриниб, инграб юборди. Шу эзгин руҳият ва кайфиятда иш столига муккасидан кетганча санчиклар искан-жасида беланиб қолди...

* * *

Зайниддин Зубайда билан шунча йил умр кечирган бўлса, бирор маротаба бўлсин илмоқли гап эшитмаганди. Дилфуза эса...

Дилфуза билан ҳар ҳолда дурустгина яшагани билан кези келиб, бу рўзғори ҳам омонат эканлигини баъзида англаб қолади. Бирор нимадан ўт чиқиб, оила барбод бўлиши ҳеч гап эмасдек туюлади. Ўз хаёлларидан ўзи совуқ титраб кетади. Ҳатто худди ялиниб-ёлвориб яшаётганлигини ва шунга мажбурлигини ўйлаб қолган вақтда эса, ўз-ўзидан нафратланиб кетади. Ҳуркиб, кўркиб кунни ўтаётганлигидан алами тошади. Дарди фақат ўзининг ичида ғимирлайди, холос. Уни бировга на дастурхон қилиб бўлади ва на билдириб. Ўзининг суйган интиқ оши, энди айланиб ҳам ичади, ўргилиб ҳам. Ажаб, киши ҳаётида нимани увол қилса, хор қилса, кези келиб ўша неъматлар ўзини уволу хор қиларкан.

Зайниддин ҳаётда яна бир нарсани увол қилганди. Буни ўзининг инон-ихтиёри билан қилганмиди ё Дилфузанинг доимо кўғирчокдек ясаниб юришини истаганмиди, билмайди. Дилфузани кафтида қанчалик кўтариб юрса, анави чакаги сираям тинмас қайнонаси, серзарда қайнотаси ту-гул муштумзўр қайноғаси шунчалик тиш қайраб қолишадди. Хатоси: пора олишни одат қилди. Тўғрироғи, бир нави одамларнинг ўзи ҳам ўргатди. Ўзи эса шу йўлда ҳожатмандларга ҳожатбарорлик қилди. Ким кўп, ем-озуқага келувчилар кўп. Турадим тирбанд навбатда қинқайиб. Осонгина йўлини топиб йўрғалайверади-да таъзим бажо келтириб. Зайниддиндан бир “пүф” холос. Омборчига бир сим қоқса бас, олам гулистон. Унақанги мижозларнинг тури кўп. Мижоз дегани қуруқ келмайди. У ҳам кейин нима қилишини, кимдан, кимлардан ундиришини жуда яхши билади. Ахир

сарғайиб орттирган даромади кўйнидан кўнжига тўкилиб ётибди-ку!

Зайниддин тушларида кўпинча ўзини қаёқдаги тубсиз гирдобларда, деворлари захлаб, чак-чак томаётган сероҳанг, аммо дилни ғашлантирувчи чаккалардан оёқ ости балчикқа айланган торгина тошзиндонларда кўриб қолар, дафъатан дод солгиси келар, бироқ бунга сира мажоли етмай, қаттиқ тўлғонганидан илкис уйғониб кетарди. Нафаси томоғига тикилганча юраги дук-дук урар, туши эканлигини идрок этгач, чуқур-чуқур таскинли тин оларди. Аммо тушидаги кўркинчли тасвирларни кўз олдидан ўтказиб, ҳуркибгина хотирлашга киришарди. Шунда ҳайбатли гавдасини намоён қилганча ваҳимали ўшқираётган зиндонбошининг товуши кулоғига чалингандек бўларди.

– Бас!– дерди тутоқиб зиндонбоши. – Бас қилмасанг, гўштингни нимгалаб оловга ташлайман, нокас.

Аёвсиз урилаётган дарранинг ҳар бир товушида чақин чаққудек жон-жонни куйдирувчи ўтлар туташар, гўё Зайниддиннинг терисини шилиб, туз сепгандек вужуд-вужуди узлуксиз қакшашларга тўларди. Тушларида кечган кечинмаларнинг таъсиридан бир неча кунлар инсофга келиб қоларди-ю, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек тағин қалтис қилиғига эрк берарди. “Киши дунёга бир маротаба келади, ахир бир мундоқ еб-ичиши, ўйнаб-кулиши керакми ё йўқми? – дерди ўзига-ўзи, – Отинг жадал йўртиб турганида қамчинни аямай бос, даври даврон сеники бўлганидан кейин. Оғзингни очиб, пашшага макон қилмасанг бўлгани”. Бироқ тасалли бергани билан кечга бориб, зулмат кўйнида яна ақли шошиб қолади. Яна ёмон тушлар кўришдан юраги безиллайди. Шунда яна таваллолар қилмоққа тушади. Тушлари ўнгига йўғрилишидан, муз-муз хаёлларидан ўзи чўчийди. Ажаб, бари аён бўлгувчи махлуқларнинг башараси бир, қилиғи бир, жазо усули бир, таъкиди бир. Наҳот энди Зайниддиндан ўзгасини топишолмайди булар? Нима, унга ўхшаш совға-саломга ўчлар қуриб битибдимики, таъқибдан бошқа қиладиган ишлари бўлмаса. Яна бир ҳайратланарли томони шундаки,

барисининг юзи куюк тортган бўлса-да, товушлари нақадар таниш. Қўллари косов каби ингичка, аммо чайир. Ушлаган жойидан шартта узади. Лекин юзу кўзларида пулнинг яққол акси жилваланиб турганлиги кишини янаям таажжубга солади. Серпанжа қўлларида ҳам даста-даста пул чирпирак бўлганча тўзғийди.

– Шуни олиб қўясиз энди, акахон. Бизга ўзингизнинг химматингизга қараб...

– Зайниддин Бурҳонович, – дейди яна бири хунук иршайиб. – Сизга муҳтарам раис буваамиздан қайноққина саломлар келтирдик. Албатта, таомилидек муҳайёлик билан, акахон.

Яна бири ялиниб-ёлборади.

– Озгина инсоф билан йўлида қилиб беринг, ака, илтимос...

Ажаб, улар гоҳ инсон шакли каби муомала қилишса, зум ўтмай Зайниддиннинг остидан баралла ўт қўйишади. Гуриллаган оловнинг ўткир тиллари ва унинг азобларига дош беролмай аччиқ инграйди-ю, шошиб кўз очади. Яна жирканчли дунё укубатларидан кутулиб, шукроналар бажо келтиради...

* * *

Минг мафтункор гўзалнинг ҳам, хурилоқонинг ҳам нуқсону камчилиги турмуш қўрғонида билинаркан. Бу ишқ дегани ҳиссий туйғуларнинг икки жинсга бўлган талпиниши эканми, бир-бирига етишач, бир-бирининг камчилигини сезиб қолишаркану аста-секин ҳовурлари босилиб, вазмин тортишаркан. Зайниддин бошқачароқ ўйлаган экан. Дилфузасиз бу дунё қоронғудек, юраги ҳувиллаб қоладигандек сезган экан ўзини. Лекин барибир, барибир бир ёстикка бош қўйиб, кўз очиб кўрган илк жуфти ҳалоли бошқача бўларкан кишининг. Яхшими, ёмонми, шунисидан айри туширмасин экан. Зайниддин ана шу аччиқ ҳақиқатни англаб етди. Англаб етганида эса, ҳаммасига кеч бўлган эди. Узоқ қишлоқлик аммаси айтгучи эди, кўз очиб кўрганинг рост, кейингиси дод, деб. Тўғри айтган экан, иккинчиси барибир тилла бўлолмас экан.

Дилфуза баъзан Зайниддиннинг қитиқ патига тегиб кўяди.

– Зайниддин ака, кўзимни шамғалат қилиб Зубайдабонунинг кўнглини овлаб юрган бўлманг тагин. Ҳарҳолда уришиб-талашиб қолишдан кўрқаман-да. Аммо-лекин ўша таннозхон билан кучимиз тенг келгудек бўлса, дурангнинг поғонасида турганингиздан кейин қоқ иккига бўлаклаб оламиз-да, сиз шўрликни. Ярмингиз у кишимларга тегса, ортгани кўзгинамга тўтиё.

Шундай дейди-ю, мазахомуз шарақлаб кулиб юборади. Кулиб бўлиб-бўлмай, бирдан жиддий тортади. Қошлари хунук керишади. Шу тусга кирдимиз, тамом, Зайниддин, албатта ачитқи исёндан ўзини қайга пана олишни билолмай гарангсиди.

– Эҳтимол, у томонларга машина моккиси бўлиб қолгандирсиз, мен шўрликкина қайдан билиб ўтирибман. Лекин билиб кўйинг, мен у кўр хотинчангизга ўхшаб латталаниб ўтирмайман. Масалангизни ўз жойида ҳал қилиб кўйишга курбим этади. Кейин эса ёмон бўлади, тўрт кўчанинг ўртасида қай томон бормоқликниям билолмай қоласиз шалвираганча эсанкираб. Ҳолингизга маймунлар йиғлаб, дастрўмолча тополмай қолишади, мана кўрасиз. Лекин ўша кампирсифат маликангизга жонингиз ачиётган бўлса, марҳамат, дардингизни бемалол дастурхон қилаверинг. Мен битта гапираман. Биласиз-а мени?!

Ана шунақанги маҳалларда Зубайданинг қадри чунон ўтиб кетадики, Зайниддиннинг юрак-юрагига беҳисоб санчиқлар ёғилади. Ўзининг қилган хатосидан нафратланиб-нафратланиб кетади. Кўнглининг калтабинлик кўчасига ўт кўйгиси келиб кетади. Бир маҳаллар Дилфузага жони ачиганди тақдирини эшитгач. Ачингани билан нима бўлди-ю, ким бўлди?! Обрўси янаям кўтарилдимиз, нима бўлди? Орттиргани дард бўлди, бало бўлди, бошқа ҳеч нима эмас. Юраги безовта тортадиган, ўқтин-ўқтин хуруж қиладиган дардга йўлиқди. Дилфузанинг истаган маҳалида иш жойига сим қоқиши ходимлар ўртасида, хотин зўр, эр ғўр, деганга ўхшаш қочиримлар пилдирпис болалаб, оралаб қолгани ҳам юрагига

оғриқларни индиради. Шу тахлит обрўси зимдан туша кетди. Хотинига на дўқ ура олади ва на пўписа. Дилфуза битта бўлса экан, ахир ортида мустаҳкам суюнчиқлари, остида пухта пойдевори бор. Аяб ўтиришмайди лекин. Зайниддин буни яхши билади. Билганлиги учун ҳам чурқ этолмайди. Гўё у суюнчиқлар Зайниддиннинг кутилмаганда рўй берувчи хатосини илҳақ кутиб ётишгандек чексиз шубҳалар туғдиришади. У шунисидан чўчийди. Шу боис дардини ичига ютиб, зўр-базўр кун кечиради.

* * *

Зайниддин елиб бораркан, кўнгли негадир ғаш, гўё кўзининг олдини нимқоронғилик босгандек эди. Руль чамбарагини маҳкам сикқанча шом пардаси босиб келаётган кўкка тикилиб-тикилиб кўяди. Алам, армонлар бош кўтарган кўнглида ҳали ўзи тушуниб етмаган аччиққина ҳақиқат бирдан из солиб ўтади. Ажаб, бу ёқда шу бугуннинг ўзида зинодан бино бўлган боласининг икки яшар бўлганлигини ўта қойиллатиб ўтказишга бел боғлашиб ётишибди-ю, у ёқда ҳалолдан вужудга келган қоракўзи бир бурда нон илинжида бола бошидан бозор оралаб, иситмага беланиб ётган синглисига ҳам жон ачитаётибди. Дилфуза бўлса обрў-эътибор, қадр-қиммат, иззат кушандасига тамом айланган. Мана шу бугун ташриф буюрувчиларнинг совға-саломлари хаёлини буткул ўғирлаган. Зайниддин шу топда икков аёлини тарозу палласига кўйиб, ақлан таккослади. Салмоқлади-ю, ҳар галгидек Зубайданинг тоши оғир келганидан, шундай хотиннинг қадрига ета олмаганлигидан хўрлиги келиб кетди. Эсида, кечагидек эсида. Қиш чилласи эди ўшанда. Кимнингдир зиёфатидан ширакайф аҳволда қайтаётиб, нима бўлди-ю, ўзининг туғилиб ўсган кадрдон маҳалласидан ўтиб қолди. Шунда норасидаларини кўргиси, дийдорлашгиси, бўйларида тўйиб-тўйиб ис олгиси, бағрига босгиси келиб кетди. Шу куни оппоқ қор гупиллатиб ёғиб турганлиги учун ҳаммаёқ бирдек момик кўрпага бурканиб, кўнгилни кўтаргувчи илик ҳавони димокқа уради. Зайниддин боя машинасига кимдир қоғоз халталарда ул-бул

солиб кўйганини нигоҳи қирида кўргандек бўлувди-ю, ўзини кўрмаганга олиб, зимдан кузатганча дилдан шодланиб кўйганди. Шулардан бирини қўлтиқлади. Гўё Дилфуза изидан тушиб келаётгандек атрофга ўғринча аланглаб олди-да, тезгина ўзини ҳовлига урди. Салобатли меҳмонхона ёнида қалин қор залворидан янаям мунғайишликни ўзига сингдирган пастаккина уй томон бораётганида ошхона тарафдан “қарсқурс” этган товушлар қулоғига чалинди. Зубайда ўтин ёраятти шекилли, деган ўй ўтди хаёлидан. Бироз ўрнида туриб қолди. Ёрдамлашгиси келди. Лекин негадир бунга ғурури йўл кўймади. Энди бу товушлар ғашини келтирадиган даражада асабига таъсир ўтказишга тушганидан тез-тез юриб бориб, даҳлиз эшигининг яхлаб кетган тутқичини ушлади. Темир тутқич кўлига чиппа ёпишганидан ич-ичи муз тортиб кетаёзди. Вужудида ноҳис титроқ турди. Эшикни оҳиста ичкари итарди. Пойгакка оёқ кўйгач, зичлаб ёпди. Хонага ғириллаб кирган изғириннинг чоки шу билан кесилди. Сандал четида совуқдан қунишиб, ранги бир аҳволда ўтирган қизалоғининг нигоҳи бирдан унга тушиб, дик этиб ўрнидан турди.

– Дадажон!.. Ўзимнинг дадажоним-м!..

Зайниддин қизчасини энтикканча бағрига босаркан, қоғоз халтадаги олмалар тўп-тўп этиб, шолча бетига тўкилиб думалади.

– Ие, кап-катта қиз ҳам йиғларканми, оппоқ қизим. Уят бўлади-ку! Шундай деяётипти-ю, ўзининг ҳам ўпкаси тўлиб келиб, кўзларидан дувиллаб ёш қуйилганини сезмай қолаёзди. Ички хўрликни босиш учун чуқур-чуқур хўрсиниб кўйди. – Бўлди, ширин қизим, бўлди, бас. Мана, мениям йиғлатиб юбординг..

Ичкари уйдан ўғли Зухриддин чопиб чикди. Чикди-ю, дадасига бир зум тикилиб қолди. Сўнг ўзини унинг кучоғига отди. Ўғлининг ҳам, қизининг ҳам юз-кўзларидан қайноқ соғинч ҳисларини уқиб, бир хил бўлиб кетди. Шу топда ич-ичида бир нима чирт этиб, жон оғриғида узилгандек бўлди. Оғир тўлғонди. Болаларининг залворларидан қоғоз халта бира йўла йиртилиб, ичидаги бор нарсалар шолча юзига

сочилди. Бу эса ота-болаларнинг ўртасидаги қайноқ соғинч хисси олдида ҳеч қандайин эътиборни жалб қила олмасди.

– Энди ҳечам кетмайсиз-а, дадажон. Дилором ёш тўла кўзларини унга илтижоланиб қадади. Янги йилни биргалашиб кутамиз-а энди.

Бағрига бош қўйганча лом-лим демай, ўпкаси тўлиб турган ўғли ёш ғилтиллай бошлаган кўзларини яширишга уринди. Митти елкалари учиб-учиб қўйди.

– Э, бунақа эмас-да, ўғлим. Йиғини қиз болага чиқарган-ку!

Болаларнинг совуқдан муз қотган қўллари Зайниддиннинг қизиб турган ҳарорати олдида жуда тез сезилди. Ғалати бўлиб кетди. Шу пайт ташқаридан оёқ товушлари эшитилди. Зухриддин дадасининг кучоғидан даст узилиб, ўрнидан шошганча қўзғолди. Оёқ остидаги тўкилган нарсаларни тезгина териб, тоқчага қўйди. Сўнг сандалга ташланган қалин кўрпачаларнинг бир ёнини шитоб қайиргач, яна ўша чаққонликда хона эшигини ланг очди. Ташқаридан шувиллаб урилган совуқ изғирин ёпирилиб кириб, хонани баралла тутди. Этларни кескин жунжиктирди. Куракчага ланғиллаган чўғдан тўлдирганча Зубайда кириб келди. Чўғи тўкилмаслиги учун нигоҳини сандалдан узмаганча нолиган бўлди.

– Қиш бизнинг қишлоққа келади доим. Ўтин-чўп ҳам касод бўлди. Сўнг болаларини шоштирди. – Оёқларингни дарҳол сандалга тиқинглар. Акашак бўлиб кетгандир ахир.

Зайниддин ўзини билдириш учунми, бир-икки маъноли томоқ қирган бўлди. Чўғдан бўшаган куракчани сандалдан тортиб, кўрпачаларни ростлаётган Зубайда чўчиб кетига ўтирилди. Кўзойнагини шошиб ўнглади. Таниб қолиб, ўрнидан шахд турди. Нимчасини тўғрилади.

– Вой, қарамай қолибман. Келинг, дадаси.

Зубайда хижолатдан қимтинди. Сандалга бирин-кетин жойлашаётган болаларига жавдираб қўйди. Уларнинг дадаларидан кўз узолмаётганликларини пайқаб, кўнгли ўксинди. Юз-кўзларида зоҳир бўлмиш соғинч ўтини юракдан туйиб эзилди.

Зайниддин истамайгина, келдим, дегандек бош ирғаб кўйди. Зубайданинг кийимидан анкиётган ачимсиқ тутун исидан димоғи бўғилиб, бурун жийирди. Негадир ўкрайиб кўйди.

– Тагин газ бўлмадимми?

Аясининг ўрнига қизчаси бижирлаб жавоб қилди.

– Ҳамманикида шунақа-ку, дада.

– Уйлар совуқ. Болалар тоза қийналишяпти. Бир ҳовуч кўмир кўзга тўтиё ҳозир. – Зубайда тоқчадан яқандоз олиб тезгина тўшаркан, Зайниддинни тўрга ундади. – Дадаси, болаларнинг ёнига ўтинг. Мен ҳозир. Ўзи овқат ҳам тайёр бўлиб қолганди.

Зайниддин болаларининг сандал чўғидан кизаринқира бошлаган юзларига бир нафас тикилиб қоларкан, шифтдан осилиб тушган, симлари қорайиб кетган чироқнинг хира нурига кўниқолмай безовталанди. Гўё кўнглини нимқоронғулик босгандек туюлди. Юраги сиқилди. Қизчаси унинг ҳамон чўккалаб ўтирганидан ташвишланиб сўради.

– Дадажон, биз билан қоласиз-а энди.

– Қолайинми? – Зайниддин ичкари уйдан дастурхон олиб чиқиб ёзаётган Зубайдага бир сидра маъноли нигоҳ ташлаб ўтди. Сўнг қизчасига саволомуз жилмайди. – Уйларинг совуқ экан-ку!

– Сандалимиз ҳам исиб қолди-ку, қолаверинг. Биз сизни жудаям соғиниб кетдик, – дея акасига бир қараб олди Дилором. Зухриддиннинг имоли оёқ уриб кўйишига парво ҳам қилмай давом этди. – Анави Потти ёмон қиз экан. Доим уришгани-уришган. Мени, етимча-етти кулча, деб қочиб кетади. Кейин тилини чиқариб, ўл-а, даданглар ташлаб кетган-ку, деб мазахлайди ҳам. Потти билан ҳам, укаси билан ҳам пўм бўлиб қолдим. Кейин аямлар билан уйда роса йиғладик...

Зайниддин шамдек қотди. Қаттиқ эсанкираганидан бир лаблари чўччайганча интиқ жавоб кутган қизчасига, бир бош эгиб олган ўғлига, бир дафъатан саросимага тушган Зубайдага телбанамо жавдираб, тилига бирор сўз келолмаганидан кийналиб тўлғонди. Юраги забтига олиб ура кетди.

Зубайда қизчасини койиган бўлди.

– Бас қил товушингни! Бола деган уришади-талашади. Эртасига ҳар гинани унутиб, яна ўйнаб кетаверади. Гапирган унинг оғзи. Уйга ҳар хил гапларни ташиб келмагин, деб неча бор айтаман, эси йўқ. Қулоқ борми ўзи?!

Дилором ўпкаси тўлганча дадасидан нажот излагандек, ёш ғилтиллаб улгурган чиройли кўзларини илтижولي тикди. Киприклари пирпиради. Зайниддиннинг ичи оғриб, бирдан тутоқиб кетганини ўзиям сезмай қолди. Она деган ҳам ўз боласига шунақанги кўрс муомала қиларканми, ҳе, ўша!.. Унинг кўзларидаги дарғазабликни илғаган Зубайдани ваҳм босди. Юраги ўйнади. Зухриддин ҳам каловланиб қолди. Нима қилиб қўйдинг, дегандек синглисига ўғринча ўқрайди. Дадасининг важоҳат аралаш гезарганини кўриб, юраги орқага баттар тортиб кетди. Пусибгина онасига тикилди. Кўпиши мумкин бўлган жанжални фаҳмлаб, ғалати қунишди. Ишқилиб, ишқилиб, аяси хўрланмаса бас. Ишқилиб, дадаси зуғум қилиб қолмаса бас.

Зайниддин бир муддат юз-кўзи ғазабга тўлиб турди-турди-да, на чиқиб кетишни, на қолишни билолмай, бироз гангсиди. Болаларининг мўлтираган нигоҳларига юраги ортиқ дош беролмаслигини билди. Шунда вужуд-вужудига шайтоний қувват кўққис ёйилиб, вас-вас солди: “Анави бе-фаҳмни боплаб бир калтакламайсанми? Қанақанги она экан ўзи бу? Нега анқайиб турибсан, таъзирини бериш қўлингдан келмай қолганми?!” Кетидан эса унга қарама-қарши аллақандай ботиний ҳиссиёт куч кўрсатди: “Она бўлганидан кейин ўз боласига танбеҳу тарбия бермас эканми?! Хўш, сен ўзинг ота бўлиб, не кароматлар кўрсатиб ётганингни ҳеч фаҳмлайсанми? Ибрат бўлгувчи бирор хислатинг бўлса эканки, аралашгани лойиқ топсанг ўзингни! Унга осон тутма! Ўз бурдингни йўқотганинг етар”. Зайниддин ич-ичдан титраб кетди. У бир-бирига қарама-қарши ўтлар орасида тамомон эсанкираб қолаёзди. Нигоҳи уй ичини яна бир бор сарсари кезиб чиқди. Оғир хўрсинди. Ўғлининг жонсарақ жавдираши, қизчасининг ўз айбига иқрор тусдаги илтижولي боқиши, Зубайданинг бошини ҳам қилганча титроқ қўл-

лари билан дастурхон попугини сийпалаб ўтиришига бир-бир кўз ташлаб ўтди-да, ортиқ бу ерда туrolмаслигини ҳис этди. Ҳис этди-ю, шахд кўзғолганча чиқди-кетди. Қизчаси у ўйлаганчалик, кутганчалик “дадажон”лаб кетидан жонсарақ чопқиллаб чиқмади. Ўғли йўлига ялингудек ғов бўлмади. Ақалли, ақалли Зубайда ўрнидан кўзғолиб қўйишгаям ярамади. Алам қилди. Ёмон алам қилди. Шунда ўзининг кадр-қиммати поймол бўлгандек туюлиб, юраги тубида қаттиқ оғриқ турди. Болаларининг, оиласининг назаридан шунчалик субути ўчганлигини ҳам эндигина ҳис этди. Ижирғанганча айб излади. “Йў-ўқ, ҳаммасига анави алвасти айбдор. Узуккун болаларига шунинг ўзи уқтиради. Эр бўлмаганидан кейин нимадан чўчисин, истаганини қилади-да! Ана шу ўқимаган, савияси паст тарбия бериб ётганидан кейин натижаси нима бўларди? Йўқ, барибир зотига тортади, бу ялмоғиз”.

Зайниддин машина эшигини куч билан қарсиллатиб ёпди. Газни қаттиқ босди. Ойнани қоплаган қорни сидириб ташлаш учун артгични ишга солди. Қор учкунлари кўришига халақит бермоққа қасд қилгандек, ойна сиртига ёпишгудек шитоб урилади. Борликни буткул қоплашга тиришгани атрофнинг кўрпадек ястанганидан нишона бериб турибди. Зайниддин ҳаётининг бу қадар алғов-далғовлигидан ранжиб, ҳаёлий ғалаёнларга кўмилиб йўлга тушди.

У анча йўл босгач, ҳовуридан туша бошлади. Шундагина хато қилганлигини англади. Ҳатто икки кундан кейин янги йил кечаси бўлишлигини қизчаси эслатиб турса ҳам ҳаёли чакмабди-я, эссиз. “Жаҳл ақлни заифлаштирар эканда! – деган ўй ўтди кўнглидан. – Ахир у норасидаларнинг ҳам ўзига яраша орзу-ҳаваслари бор-ку, нодон. Ахир улар ҳам сен ва онасининг бағрида яйраб-яшнаб байрам кечасини нишонлагилари, ўртоқларига оғиз кўпиртиргилари келмайдими?! Сенинг кўлингга совға-салом олмоқ умидида интиқ боқишмайдими? Нима, улар одам эмасми?” Йўқ, мана энди бир талай совғалар билан қайтиб бирор кун боради. Борганида ҳам болаларининг кувнашларини кўрмоқ

учун астойдил боради. Зубайда шўрликка ҳам аччиқ-тиззик қилиб юрмайди энди. Ахир унгаям қийин. Бир ёғи кўзлари ногирон бўлса, Дилфуза нима деса деяверсин. Бир умр боғлаб қўйган жойи йўқ унга. Кўлидан келса, осмонни узиб ерга урсин. Ахир қачонгача унинг қош-қовоғига термулиб, измига бош эгиб кун кечиради? Ахир ҳар бир нарсанинг ҳам чегараси бўлади-ку!

* * *

Янги йил кечаси кириш арафаси ўчакишгандек тонг сахарлаб Дилфуза уйғотиб қолди.

– Тез бозорга бориб келасиз. Керакли нарсаларни олиб келмасангиз бўлмайди.

Шу шошилтиришнинг устига эшик кўнғироғи кўққис жиринглаб қолди. Йўлакда она-боланинг гўнғир-гўнғир товушини эшитган Зайниддиннинг тепа сочи тикка бўлди. “Оббо, ҳали қарға нонушта қилиб улгурмай, онасига бало бор эканми?!”

Дилфузанинг қувноқ товуши юрагини баттар эзғилайди.

– Яхшиям, яхшиям келиб қолдингиз, аяжон. Куёвингизни эндигина бозор-ўчарга жўнатаётгандим худди билгандек.

Зайниддиннинг бутун режалари чиппакка чикди. Ишқилиб бу тиниб-тинчимас кампир ҳали бутун оиласи билан кўчиб келмаса эди. Зайниддин бўғилганидан аламини нимадан олишни билолмай, соқолини қиртишлаётиб лунжини кесиб олди-ю, устарани тарақлатиб ахлат пақирга отди. “Ҳе, сен ҳам ўчакишмай нари кет. Анави алвасти кампирнинг қадами ёкмади шекилли-да!”

Она-бола йўлакда анча висир-висир қилиб қолишди. Бу ёқда эса куёв шўрликнинг фиғони ошгандан-ошди.

Ўчакишгандек Дилфуза бозорга бирга борадиган бўлди. Қайнона уйда набирасига қараб қолди. Зайниддин хуноби ошганча йўлга отланди. Қани, чурқ этиб кўрсин-чи не балолар бир зумнинг ўзида боши узра айланаркин. Хаёлидан эса, болаларини байрам билан қутлаш истаги кечади. Бунга чора излашга тиришади. Бирок бирор режа фикрлай олмай, дикқа-

ти баттар ошади. Қайнонасиям байрам куни сассиқ чоли, келинлари даврасида бўлса, асакаси кетармикин? Уйидан илон чиққан одам ҳам бунчалик дайдилик қилмаса керак. Киши ўз иззатиниям билмаса, шунақанги тикилинчлик қилишни одат тусига айлантириб олади шекилли-да.

* * *

Зайниддин шу пайтгача бир нарсага ҳайрону лол қолади. Қайнота-қайнонасининг тупроғи бир жойдан олингандек бир-бирларига жуда ўхшаб кетишади. Доим бир нимадан диққат бўлиб тургандек ранглари заҳилроқ кўринади. Шундай хунук одамлардан шундай кўркам, чиройда тенги йўқ қиз дунёга келганига ҳечам ақли бовар қилмайди. Тавба, бандаси астойдил сўраса, ё қалбан ҳавасманд илтижолар қилса, тиниқ ниятлари мужассам топаверар экан-да.

Зайниддин иложи бўлса-ю, қайнотаси тугул қайнонасининг ҳам дийдорини бир умр кўрмаса, ҳатто овозларини ҳам эшитмаса. Нима бало, бу қайнона дегани ҳафтада бир қора кўрсатмаса калавасининг учини йўқотиб кўярмикин? Келганига яраша жим ўтирса экан, малол келмайди-я. Тинч ўтирмайди-да. Айниқса, тирноқли кесатиклари Зайниддиннинг асабларини кавлаб, юрак-юрагини шундоққина элакка ташлайди-кўяди. Қани, куёвгўра бўлиб оғиз очиб кўрсин-чи! Ўша заҳотиёқ кавуши остонадан бегона тушиши аниқ. Шуни билгани учун ҳам ғиринг дея олмайди. Чунки ўзи пиширган ош. Энди бир умр шу савдо гирдобиди тили қисилиб, кун кечиринишга мажбур. Баъзан дод дегиси, одам яшамас саҳроларга бош ургиси келиб кетади. Аламини кимдан, нимадан олишини билолмай, гарангсиб қолади. Бориб-бориб борки андуҳларини ароқдан оладиган, шу билан дардини ёзадиган қилиқ чиқарди. Шундагина кўнгли алланечук осойишта тортиб, тинчиб қоладиган бўлди.

Зайниддин шу кўйи Дилфузага ипсиз боғланди. Қайнонасининг ачитқи гаплари юрак-юрагини тешиб ўтса-да, ўзини босди. Янги йил кечаси ҳам сира тотимади. Бутун хаёли нариги қоракўзларида бўлди. Юраги эзилди. Ўксинди. Ўкинди.

Кейинги кунлари ҳам болаларининг дийдорига тўймоқ учун бир кўриниш бериш насиб этмади. Ишга шўнғиб кетди. Шу-шу юраги минг талпингани билан нияти сира вожиб бўлмади.

* * *

Кези келиб мана шу бугун кутилмаганда ўглининг рафторини сира ўйламаган, ҳатто тушида ҳам учратмаган жойда кўриб, тамом эсанкираб қолаёзди. Шувиллаганча елиб бораркан, кўз олдидан ўглининг кўккис чўчинкираганча довдираб қолгани, кетига тисарилаётган пайтида пакирга қоқиниб қаттиқ қалқиб кетгани, шафтолиларнинг беш-олти донаси отилиб чиқиб чангга белангани, Зубайданинг қалин кўзойнаги ортидан зўр бериб тикилса-да таниёлмагани, юзида акс этган изтироблар изи, қизи Дилоромнинг иситмага куйиб, киши дилини кескин чимчиловчи алаҳсирашлари бир-бир ўтди-ю, бехос оғриқли ув тортиб юборди. Қулоғига ўглининг харидорни тинмай чорлаётган ўтқир товуши, сўнг илтижоли оҳанглари чалиниб, бу қийноқларга энди дош беролмаслигини аён қилмоқни истагандек юраги санчиб-санчиб оғриди. Шундоқ фарзандларини кўзи қандоқ қийди экан ташлаб кетгани, қандоқ? Нима жин урган экан ўзи? Зубайдадек покиза, фариштамисол аёлини-чи? Кўзлари шунчалик сўқир эканми-а? Қалби шунчалик басир эканми? Зубайданинг дардига даво топиш, ақалли ширин сўзлари билан малҳам бўлиш ўрнига ундан-да ўзини узиб, қолаверса ҳаловатини, қаёқдаги куруққина обрў-эътиборини афзал билиб, кечириб бўлмас хато, хатогина эмас, балки қаттиқ гуноҳлар қилган экану, билмаган экан. Аслида Зубайданинг эмас, ўзининг кўзлари сўқир экан, дунёси зулмат экан. Қалби ожизнинг кўрар кўзлари иймон шуъласини идрок этолмаганидан кейин нима наф, нима? Мана, мана бутун қилмишларининг аччиққина хотимаси ойнадек аён бўлди. Бир ёқда ҳалолдан бино бўлган қорақўзи бир бурда нон учун бола бошидан бозор ораласа-ю, зинодан вужуд топгани бу ёқда валломатлардек шоҳона хонақоҳда кун кечирса. Хўш, қай бири вафо қилади ўзи? Агар ногаҳон боши ёстикқа теккудек бўлса, қай бири дардига малҳам бўлади, қай бири? Тобути бошида қай бирининг юраги куйиб “дадажон”лаб бўзлаб бора-

ди, қай бири? Тепкилаб-тепкилаб қай бири жасадини тупрокқа кўяди, қай бири? Э, вох, нега эргароқ шу азобли ўйлар, теран англашлар хаёлига келмаган экан? Нега энди айни айри жумбокларга рўпара бўлганида бирдан бош кўтариб қолди бу аччиқ ҳақиқат силсиласи. Шу кунги тонг шу азобларни кўрмоғи учун отган экан-да!..

Зайниддин зулмат пардаси чўка бошлаган кўчаларни машинасида ўткир ёритгич берганча кесиб бораркан, аччиқ ўйлар гирдобида тўлғонар, мижжаларида ҳалқаланган ёш томчилари узилиб-узилиб, изтиробга тўла юзини ювганча думаларди. Қулоғига ҳамон “Кеп қолинг, оп қолинг, сотаману кетаман...” дегувчи ўғлининг зорланишли қичқиришлари басма-басига чалиниб, юрагини баттар эзади. Бир маҳал уфқ томонда момақалдиروقнинг силтаниб гумбурлагани ергача зиркироқ бериб, кучли қарсиллади. Чақиннинг ўтли, сертомир излари Зайниддиннинг кўз олдини бирдан ярқиратиб ташлади. Чақин ўтларини турли рангларга бежаб, ўзида жилвалантирган ёш томчилари ўчакишгандек кўз ўнгидаги борлиқнинг аниқ тасвирларини уйқаштириб юборди. У тўхтовсиз тошган кўз ёшларини шоша-пиша кафтида сиртаркан, бирдан машинасининг қалтис чайқалишидан қаттиқ чўчиб, жон аччиғидаги товуш монанд чийиллатганча тормозни босди. Машина силкиниб бориб, йўл четига сурилиб тўхтади. Шу лаҳза ўтли чақин яна бир-икки олов пуркади-ю, шаррос ёмғир қуймоққа киришди. Машина томи сиртида масхара қилгандек жазаваланиб ноғора чалишга тушди. Гўё келишиб олгандек Зайниддиннинг кўз ёшлари ҳам селга айлангандек эди. “Мен ҳам одам бўлдимми? Мен ҳам ота бўлдимми? Наҳот шундай қоракўзимни гўдак бошидан қийноқларга солиб қўйганлигимни билмаган бўлсам? Нима қилиб қўйган эканман, нима қилиб? Ахир бу норасидаларнинг кўнгли ҳар гал эзилишларига, озор топишларига, ота меҳрига муҳтож бўлишларига, талпинишларига, ўксинишларига қалқон бўла олмаган мен нодон кимман ўзи?! Шунчалик кибр ёғи бойлаган эканми кўзларимни? Кўнглим шунчалик зимистонга айланган эканми? Ҳозир бориб ҳаммасини Дилфузага тушунтираман. Ахир у ҳам аёл-ку, она-ку! Жилла

курса аёл дардини укар, укмай қаёққа ахир. Магарам уқишни истамаса, яна ўзи билади. Йўқ, барибир айтаман!” У машинасини йўлга ўнглаб, шитоб ҳайдаб кетди. Машина гўё денгизда сузиб бораётган каби икки ёнга сув сачратганча елмоққа тушди. Шаррос куюётган ёмғир дўл сингари машина ойналарига чарсиллаб урилиб, серсўқмоқ излар ясайди. Кўча четларидаги чирокларнинг ўткир ёғдулари бир-бирига қоришиб, кўзни қамаштиргудек акс беради. Зайниддин алами ичида, хаёлий ғалаёнлар исканжасида газни янаям чираниб босади. Унинг кўз олдидан уйи тўрида синчков ўтирган қайнонаси, ҳар бир гапи қиличдек нимталовчи қайнотаси бир-бир ўтди-ю, ҳозир шу туришида боргудек бўлса, албатта уларнинг ачитқи учирқлари-га рўпара бўлишини англади. Шунчалик безиб кетган эканми улардан. Нима, уларнинг олдида тилининг қисиклик жойи бор эканми? Ҳеч-да! Ҳамма ҳам ўзини бу дунёда одам деб билади. Ҳамма ҳам бу дунёга бир умид билан келади. Бир умид билан яшайди. Зайниддинни шу қайсар ўйлар юрагини тирнайди. Шу топда у тезликни пасайтириб, бир четга чиқиб тўхтади-да, рул чамбарагига бош қўйганча, елкалари силкиниб-силкиниб йиғлашга тушди. Юраги силтаниб-силтаниб оғриди. Қай томонга борсин, қаёққа борсин? У аччиқ аламлар исканжасида гўё шу қисматига рул чамбараги айбдордек, уни қаттиқ муштлаб, ўксик ун тортди. Кўз олдидан эса, Зубайда ва икки дилбанди, уларга қоришиб Дилфуза ҳамда арзандаси, сўнг қайнота-қайнонаси бир-бир оғриқлар бериб ўта бошладилар. Ўтишгани сайин юраги узиб-узиб азоблар беради. Дунёси баттарроқ қоронғу тортиб кетади. Машина ойналарига урилаётган ёмғир қаттиқ момақалди-роқдан сўнг янаям жазавага тушади. Йўлга чўтир-чўтир нур чатаётган машина чироклари уларнинг ҳар бирини ўткир тиғларида қиличдек нимталаб улгурмайди. Гўё бу манзаралар ҳам Зайниддиннинг аччиқ тақдирига мазахомуз боқаётгандек туюлади. Энди у қай томон борсин? Икки ўт орасида қолган Зайниддиннинг юраги қишлоғи томон ошиқса-да, бироқ Дилфуза томоннинг шафқатсиз зуғуми умрбод таъкиб этиб боришидан ранги без-без бўлганча тўлғонади: “Нима қилай, нима?..”

МУНДАРИЖА

Чирмовик
Икки ўт ораси80

Адабий-бадший нашр

Тохир ЙЎЛДОШЕВ

ИККИ ЎТ ОРАСИ

қиссалар

“Katalak” наشريёти – 2019

Муҳаррир Д. ҚАРШИБАЕВА

Бадший муҳаррир Д. МУЛЛА-ОХУНОВ

Техник муҳаррир Р. АҲМЕДОВ

Мусахҳиҳ С. САЙДАМИРОВА

Саҳифаловчи О. ИСМОИЛОВА

Нашриёт лицензияси АИ № 193. 10.05.2011. Босишга 2019 йил 03 декабрда рухсат этилди. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет қоғози. Times New Roman гарнитураси. Шартли босма табағи 8,4. Нашр табағи 7,79. Адади 2000 нусха. Буюртма рақами № 49-19. Босмахона буюртма рақами № 185.

«Katalak-PRESS» масъулияти чекланган жамияти. Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30 уй. Телефон: +998 71-244-40-91.

«Spectrum Media Group» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 6.

20,000 (2000) / 400

Адиб ва
жамият

«KAMALAK»

ISBN 978-9943-6005-5-3



9 789943 600553